

83.7973
0-68

К. ОРИПОВ, М. ОБИДОВА

ИФОДАЛИ ЎҚИШ



ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН

•ЎҚИТУВЧИ•

89.7973

0-68

Қ. ОРИПОВ, М. ОБИДОВА

ИФОДАЛИ ЎҚИШ

*Педагогика институтларининг филология
факультетлари учун қуланма*

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
ИККИНЧИ НАШРИ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган*

~~Ўзбекистон адабиёти
кутубхонаси~~

21395

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ToshDO'TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

ОРИПОВ ҚОВУЛЖОН, ОБИДОВА МАҲМУДА

ИФОДАЛИ УЌИШ

Педагогика институтларининг филология
факультети талабалари учун
қўлланма

Тошкент „Ўқитувчи“ 1994

Мухаррир Х. Ҳайитметов
Бадий муҳаррир Б. Жўраев
Техн. муҳаррирлар Н. Винникова, Ш. Бобохонова
Мусаҳҳиҳ З. Гуломова


ИБ № 6901



Теришга берилди 25.03.94. Босишга рухсат этилди 14.07.94. Формати 60 × 90^{1/8}. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулда босилди. Шартли б л. 85. Шартли кр.-отт. 8,675. Нашр. л. 8,69. Тиражи 15000. Зак. № 870.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 13-273-92.

Область газеталарининг М. В. Морозов номидаги босмахонаси ва бирлашган нашриёти. Самарқанд ш., У. Турсунов кўчаси, 82. 1994.



4903001000 — 140
353 (04) — 94
ISBN 5 — 645 — 02192 — 0

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 1977
© „Ўқитувчи“ нашриёти, 1994
Қайта ишланган ва тўлдирилган

МУАЛЛИФЛАРДАН

Ифодали ўқиш, айниқса асарнинг ғоявий мазмунини чуқур тушунишда, бадиий хусусиятларини очишда катта аҳамиятга эга.

Барча жанрдаги асарлар бир хилда ўқилмаганидек, ҳамма ҳам бир хилда ифодали ўқий олиш қобилиятига эга эмас. Айниқса, олий ўқув юртларининг кўпчилик талабалари узоқ вақт ўзлари мансуб бўлган шева таъсирида бўладилар. Шева таъсирида „ифодали“ ўқилган асар мазмунига эса путур етади, унинг бадиий-эстетик (гўзаллик) таъсирчанлиги сусаяди. Шунинг учун, филолог талабаларни шевалар таъсиридан қутқариш, уларни ифодали ўқишга ўргатиш тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, асар мазмунини пухта ўзлаштиришда, унинг бадиий моҳиятини очишда яқиндан ёрдам беради. Шуни назарда тутиб муаллифлар, ифодали ўқишнинг асослари ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг фикрларига таянган ҳолда ҳамда ўзларининг кўп йиллик иш тажрибаларидан келиб чиқиб, педагогика институти ва дорилфунунларнинг филология факультетлари талабалари учун мўлжалланган ушбу қўлланманинг иккинчи нашрини қайта яратдилар.

Қўлланманинг иккинчи нашрига „Ўзбек нотқлиги тарихидан“, „Матни ўқиш, ҳикоя қилиш ва қайта ҳикоялаш“ каби янги бўлимлар қўшилди ҳамда Алишер Навоийнинг „Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади“ номли ғазали, унинг вазни, тақтиби — парадигмаси, ғазалнинг матни ва унинг насрий баёни берилди, булардан ташқари, амалий машғулот учун берилган матнларнинг кўпи ўзгартирилди.

Биз қўлланманинг „Унли товушлар талаффузи“ ва „Ундош товушлар талаффузи“ боблари собиқ А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси томонидан яратилган „Ҳозирги замон ўзбек тили“ (ЎзФА нашриёти, 1-том, 1957), „Аруз тизими (системаси) даги шеърларни ўқиш“ бўлими эса Алибек Рустамовнинг „Аруз ҳақида суҳбатлар“, (ЎзФА нашриёти, 1972) ҳамда янги қўшилган „Ўзбек нотқлиги тарихидан“ қисмини ёзишда Сотимхон Иномхўжаевнинг „Ўтмиш Шарқ нотқлиги“ („Ўзбекистон“ нашриёти, Тошкент, 1972) сингари китобларига асослан-

дик.

ИФОДАЛИ ҲҚИШ ТАРИХИДАН

Бадиий адабиёт пайдо бўлиши билан унинг ифодали ўқилиши, оғзаки ижрочилиги ҳам майдонга келди. Бадиий адабиётнинг шаклланиш босқичлари ғоят мураккаб, ранг-баранг бўлгани каби, унинг оғзаки ижрочилик тараққиёти ҳам зиддиятлидир. Жумладан, адабиёт ва санъат ҳали муайян маънода синкретик характерга эга бўлган қадимги даврда бадиий ва ифодали ўқилиш санъати ҳам синкретик характер касб этган. Чунончи, бу даврда бадиий адабиёт яратувчилари айни чоқда унинг ижрочилари сифатида ҳам донг таратганлар. Бадиий сўз санъаткори халқ ўрғасида ижодкор эмас, балки ижрочи сифатида кўпроқ эътиборга эга бўлган. Жумладан, „Авесто“ нинг яратувчилари, бора-бора унинг профессионал ижрочиларига айланиб қолган қоҳинлар тоифаси халқ орасида адиблар сифатидагина эмас, балки жонли сўз сеҳри билан мўъжизалар кўрсатувчи мутахассислар сифатида ҳам катта эътибор қозонганлар. Зотан, ўзбек бадиий сўз ижрочилари саъятининг сарчашмалари тарихнинг жуда узоқ қатламларига бориб тақалади. Адабиётшунос Натан Маллаев таъкидлаганидек, „... бадиий сўз санъати ёзув ва ёзма адабиётдан кўп замонлар илгари оғзаки ижод шаклида пайдо бўлади ҳамда ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. У оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга, даврдан-даврга ўтади“¹. Тарихий тараққиёт давомида адабиёт билан бирга ижрочилик санъати ҳам ривож топа борди. Масалан, Ўрға Осиёда шоирлар билан бир қаторда, уларнинг асарларини мажлис-анжуманларда, кенг меҳнаткаш халқ орасида ижро этувчи санъаткорлар—ровийлар тоифаси пайдо бўлади.

Тожиқ адабиёти асосчиси Абу Абдулло Рудакий ровийлар ҳақида қуйидагиларни ёзади:

Шоир Шаҳиду Шухра, Фаролови
В-ин дигарон ба жумла ҳама рови².

Таржимаси:

Шоир Шаҳиду Шухра, Фароловий
Ва шунинг кабилар барчаси ровий.

¹ Маллаев Натан. Ўзбек адабиёти тарихи, „Ўқитувчи“, Тошкент, 1963, 44-бет.

² Қ а р а н г: Фарҳанги забони гочики, Собиқ „Советская энциклопедия“ нашриёти, т.2, М., 1969, 141-бет.

Бундан кўринадики, шоирлик иқтидорига эга бўлган Шаҳид, Шухра, Фароловий каби тарихий шахслар ровийлик, яъни шеърхонлик, бадий сўз ижрочилиги билан шуғулланган.

Ровийлик ва ровийлар ҳақида тарихий манбаларда қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, Низом Аруз Самарқандий маълумотига қараганда, Фирдавсий „Шоҳнома“ ни ижод этгач, Али Дайлам унга хаттотлик, Абдулаф ровийлик қилди¹.

Абу Абдулло Рудакийнинг ровийси бўлган Мажд исмли тарихий шахс ҳақидаги маълумотлар ҳам қизиқарлидир. Машҳур шарқшунос А. Т. Тоҳиржонов Рудакий асарларининг Мажид исмли профессионал ижрочиси бўлганлигини эътироф этади ва уни *таҷрибави* деб атайди².

Пирик тожик ёзувчиси, Тожикистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Сотим Улуғзоданинг маълумотларига кўра „ровийлар“ — бадий ўқиш усталари бўлиб, халойиқ ўртасида Рудакий, Дайқий, Шаҳид Балхий, Абдушукур Балхий ва бошқа унлаб ошларига замондош ва ўтмиш шоирлари шеърларини махсус бадий билан ўқирдилар. Хусусан, Рулакийнинг ёқимли шеър уқишқлари уларнинг оғзидан тушмасди³.

Улкан шарқшунос Е. Э. Бертельс ҳам ўрта асрларда ровийлар тоифаси мавжудлигини эътироф этади⁴.

Кўринадики, қадимги бадий сўз ижрочилигининг бутун бир бўлиши, ўзига хос мактабни ташкил этувчи ровийлар тоифаси китта шон-шухрат ва ижтимоий мавқега эга бўлган. Бироқ, жамият тараққий қилиши билан ровийлик тармоқланиб, XV асрларга келганда, мустақил бадий ижрочилик кўринишлари ва уларга мансуб ижрочилар тоифаси вояга ета бошлади. Жумладан, Алишер Навоий XV асрларга келиб бадий сўз ижрочилиги санъатининг воизлик (нотиқлик), қиссахонлик, бадиҳагўйлик, базлагўйлик (латифагўйлик), дostonхонлик, қасидахонлик, ғазалхонлик санъати шаклланиб етилганлиги ҳақида муфассал маълумот беради⁵. Хусусан Воиз Кошифий, Муин Воиз Ҳиравий, Хожа Муайяд Меҳнабий, Мулла Калон Воиз Самарқандий, Қози Ўший, Мавлоно Ривзий, Баҳовуддин Валад, Жалолиддин Румий каби забардаст сўз санъаткорлари бадий сўз ижрочилигининг бу даврда Шарқда машҳур бўлган вакиллари.

Ўзбек бадий сўз ижрочилиги санъатига хос бўлган бедилхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, машрабхонлик билан бирга, қиссагўйлик, ҳикоягўйлик, латифагўйлик, навҳагарлик, эртакчилик, кулгили ҳикоягўйликнинг тараққиёти бу санъатнинг жуда

¹ Фарҳаңги забони тоҷики, 141-бет.

² *Тазкирджанов А. Т.* Рудаки. Жизнь и творчество. История изучения. Изд-во Ленинградского университета. 1968, 140-бет.

³ *Сотим Улуғзода.* Пири ҳакимони машриқзамин. Нашриёти „Маориф“, Душанбе, 1980, 40-бет.

⁴ Қ а р а н г: *Бертельс Е. Э.* История персидско-таджикской литературы.

М., „Наука“, 1960, 138 — 139-бетлар.

⁵ *Алишер Навоий.* Маҷолисун нафос. Илмий-танқидий матни. Тайёрловчи Суйиша Ғаниева „Фан“, Тошкент, 1961.

қадимий ва бой тарихга, маълум анъанага эга эканлигини англагани.

Ўрта Осиё халқлари педагогикаси тарихида ифодали ўқиш санъатига бўлган эътибор алоҳида мавқе касб этади.

Ўзбек педагогикаси тажрибалари, ифодали ўқишни қуйи синфлардан бошлаб машқ қилишни ва уни кейинчалик аста-секин такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бу тасодиф эмас, албатта. Чунки ифодали ўқиш санъати болаларнинг бадий дидини шакллантирибгина қолмай, уларнинг маънавий чиниқишида, хотирасининг мустаҳкамланишида ҳам етакчи ўрин эгаллайди.

Ўтмишда шеърни тушуниб ўқишга катга эътибор берилганини Алишер Навоий қуйидагича ифодалайди:

Ёдима мундоқ келур бир можаро
Ким туфулият чори мактаб аро,
Истабон ташхиси хотир устод,
Назм укутурким равон бўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқув ҳам дoston,
Бу „Гулистон“ янглиғу уд „Бустон“.
Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,
„Мантиқут-тайр“ айлаб эрди мултамас¹.

Буюк шоир болалик ва йигитлик пайтларидаёқ эллик минг байт, яъни юз минг мисра шеърни ёд билган ва улардан завқланган. Бу ҳақда шоир шундай дейди: „Булардан доғи бошқа йигитлигим замони ва ғабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳр соз ва насрда фусун парвоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абъетидан эллик мингдин ортиқ ёд тутубмен ва алар завқ ва хушҳоллиғидан ўзумни овутубмен“².

XX аср бошларида Ўзбекистонда ҳам ифодали ўқиш саҳнадан кенг ўрин ола бошлади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Маннон Уйғур сингари етук педагог-режиссёрлар ҳамда Н. Исомиддинхўжаев, Ш. Иноятов, Х. Юнусов, С. Қори каби маҳоратли ёшлар бадий ўқишни саҳнага олиб чиққан тарғиботчилар бўлди. Улар театр саҳналарида, спектакллар бошланишидан олдин ёки антракт пайғида парда олдига чиқиб шеърхонлик қилардилар.

Мадраса ва мачитлар қошидаги эски маҳаллий мактаблар — „усули қадимия“ урнига, Ҳамза, Авлоний ва Айнийларнинг янги „усули жадидия“ мактаблари майдонга келди. Ўша даврда икки хил жаҳид мактаблари бўлиб, бирида бой болалари ўқитилиб, маҳаллий буржуазияга кадрлар тайёрланса, иккинчисида меҳнатқашларнинг болаларига бошланғич билим берилар эди. Ҳамза, Авлоний ва Айнийлар ўзлари очган янги усулдаги мактаб ўқувчилари учун „Енгил адабиёт“, „Ўқиш китоби“, „Адабиёт ёхуд миллий шеърлар“, „Биринчи муаллим“, „Иккинчи муаллим“ каби ўқиш китоблари яратган эдиларки, уларда ифодали ўқишга алоҳида эътибор берилган.

¹ *Алишер Навоий*. Лисонут-тайр. Асарлар. Ўн беш томлик, 11- том, 237- бет.

² *Алишер Навоий*. Мухокаматул-луғатайн. Асарлар. Ўн беш томлик, 14- том, 126- бет.

Миктаб ва маориф соҳаси кун сайин ривожлана бошлади. Адабиётни ўқитиш масалалари „Нашри маориф“, „Маориф ва ўқитувчи“ каби журнал саҳифаларида тез-тез муҳокама этила бошланди. 1918 йилдаёқ етти йиллик мактаблар учун илк бор адабий ўқиш дастурлари тузилди. Бу дастурларда адабий ўқиш, матнлар танлаш, бу матнлар қай йўсинда ўтилганда болаларнинг ёзма ва оғзаки нутқ малакаларининг ўсишига ёрдам бериши мумкинлиги ҳақидаги масалалар акс этди.

Мазкур дастурларда бадий асарларни ифодали ўқишга алоҳида аҳамият берилди. „Адабий асарларни ўқиш, — дейилади дастурнинг „Баённома“ қисмида, — англатмоқ ва тушуңтирмоқ учун ўқишнинг энг биринчи ва асосий вазифаларин, ўқиган нарсанинг нафислигини очмоқ ҳам шунга тааллуқи бор ҳолларни болаларга ўқитмоқдир“¹.

Кейинги дастур ва қўлланмалар янада такомиллаштирилди ва ифодали ўқиш санъатига бўлган эътибор мунтазам ортиб борди. Бугунги кунга келиб, ифодали ўқиш санъатининг болалар боғчалардан бошлаб (декламация) олий ўқув юртларигача дастурли тарзда мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги ва фаннинг бу соҳасига оид урғун қўлланма ҳамда хрестоматиялар яратилаётганлиги² ифодали ўқиш санъатига бўлган эътиборнинг ёрқин намунаси булардир.

НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН

Нотиқлик санъатининг тарихи жуда узоқ бўлиб, у эраמידан бундан V аср бошларида Юнонистонда шакллана бошлади. Юнонистонда аристократия, демократия тузумининг ўрнатилиши натижасида давлат ишларида, халқ мажлисларида, сенат кенгашларида, суд ишларида ва йиғилишларда республиканинг ҳар бир озод ишиси эркин нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Давлат ишларини бошқаришда қатнашишни хоҳлаган ҳар бир ишчи учун чиройли сўзлаш санъатини эгаллаш мажбурий бир шартга айлана борган.

Нотиқлик санъатининг йирик намоёндаси Цицерон бу санъатга ната баҳо беради. У икки хил санъатни — лашкарбошилиқ ва нотиқлик санъатини тан олади.

Нотиқликнинг ниҳоят даражада оғир ва сермашаққатлиги, шу билан бир қаторда, жуда шарафли эканлигини чуқур ҳис қилган Луатарх ҳам бу санъатни ҳаётий зарурият деб билади.

¹ Қаранг: *Долимов С., Убайдуллаев Х., Аҳмедов Қ.* Адабиёт ўқиш методикаси. „Ўқитувчи“, Тошкент, 1967, 39-бет.

² Қаранг: *Иномхўжаев М.* Бадий ўқиш асослари. „Ўқитувчи“, Тошкент 73; *Иномхўжаев С., Зуннунов А.* Ифодали ўқиш асослари. „Ўқитувчи“ шифти, 1978; *Турдиев Б.* 4 — 7-синфларда ифодали ўқиш. „Ўқитувчи“, Тошкент, 1978; „Кичкинтойлар учун хрестоматия“. Тупловчилар: *С. Ғоziева, Л. Долимова, Ўқитувчи*“, Тошкент, 1978; „Боғчаларнинг тайёрлов группалари учун хрестоматия. „Тузувчилар; *А. Пулатов, С. Пулатова, Ўқитувчи*“, Тошкент, 1979.

Суд ишларида ўрнатилган тартиб нотиқлик санъатининг юксалишига катта бир туртки бўлди. Суд жараёнида жавобгар ўзига қўйилаётган айбнинг асосизлигини исботлаб гапириши, даъвогар эса ўз фикрида қаттиқ туриши, уни қоралаши лозим эди. Лекин ҳамма ҳам чиройли сўзлаш қобилиятига эга бўлавермайди. Шунинг натижасида, нутқ матнларини ёзиб берадиган билимдон кишиларга эҳтиёж туғила бошлади ва ёзма нутқ санъатини яхши эгаллаган нотиқларни ўша замон тили билан „логографлар“ деб атай бошладилар.

Логографлар судга иши тушган кишиларнинг ҳожатини чиқариб, шундан оладиган қалам ҳақи эвазига кун кечирганлар. Логографиянинг тирикчилик воситасига айланиши нотиқлик санъатининг равнақ топишида катта роль ўйнади.

Нотиқлик санъатининг кенг кўламда қанот ёйиши эса, ўз навбатида унинг суд нотиқлиги, ҳарбий нотиқлик ва сиёсий нотиқлик каби шохобчаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Судда гапириладиган чиройли нутқ ўрнини, эндиликда аниқ қопуниятга эга бўлган суд нотиқлиги эгаллади. Орадан бир оз вақт ўтгач, нотиқликнинг яна бир тури — эпидейктик, яъни тантанали нутқ услуби пайдо бўлди.

Нотиқлик санъати қанчалик тез ривож топмасин, барибир у адабий фаолиятга қўшилмас, чиройли нутқ матнлари эса, бирор ерда нашр этилмас эди.

Эпидейктик нотиқликда баландпарвоз сўзлар ишлатилар, шунинг учун ҳам бундай нутқ матнини тайёрлаш анчагина изланиш-ни талаб қилар эди. Бинобарин, логографлар ўзларидан олдин ўтган салафларининг меросига ва халқ оғзаки ижодига мурожаат эта бошладилар. Шу тариқа чиройли сўзлаш санъати — нотиқлик санъати аста-секин шаклланиб, бадиий адабиётнинг равнақида катта роль ўйнади: трагедия, комедия ва роман жанрларининг пайдо бўлишига ижобий таъсир кўрсатди.

Булардан ташқари, нотиқлик санъатининг ривожини адабий тилнинг шаклланишига, нотиқлик санъатининг назариясидан иборат бўлган „Риторика“ илмининг вужудга келишига сабаб бўлди. Римдаги барча шоирлар ва нотиқлар шу мактабдан, яъни риторика мактабидан таълим олганлар.

Нотиқлар томонидан яратилган нутқ матнлари насрий ва поэтик ижод намунаси ҳисобланган. Бундай ижодкор нотиқларнинг номи ўз мамлакати доирасидан чиқиб, жаҳонга маълум ва машҳур бўлган. Аристотель, Демосфен ва Цицеронлар шулар жумласидандир.

Аристотель
(384 — 322)

Ўрта Осиёда Арасту номи билан машҳур бўлган Аристотель эрамиздан аввал, 384 йили Стагир (Македония ярим оролидаги Халкидик) да шифокор оиласида дунёга келади. Унинг отаси Никомах Александр Македонскийнинг набираси подшо Аминти II саройида шифокорлик қилган.

Аристотель 17 ёшида Афинага келади ва бу ерда ўз замонасининг машҳур олимларидан бўлган Платонга шогирд бўлади.

Платоннинг вафотидан сўнг, Аристотель 347 йили Афинадан Троад томон ўтиб, Ассосга боради. Чунки бу ерда устознинг тарафдорлари кўп эди. Унга айниқса, зўравон, золим Гермий ҳомийлик қилди. Аристотель Гермий вафотидан сўнг, Лесбос ярим оролидаги Аристотел шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда 342 йилгача яшайди.

342 йили Македония подшоси Филипп ўзининг Александр номли 13 ёшли ўғлининг тарбияси учун Аристотелни Митилендан чақириб олади. Бу ерда у фалсафа мактабини очади ва катта кундаликни ташкил қилади.

Шу даврда Грецияда чиройли сўзлашга қизиқиш кучайиб кетган эди. Бунинг натижасида қатор нотиқлик мактаблари очилади. Бу мактабларда сўз санъати усталари—шоғирдлар етиштириб чиқаришар эди. Кейинчалик чиройли сўзлаш ҳақида қўлланмалар ёзилганга келди. Шундай асарлардан бири Аристотелнинг „Риторика“ номли китобидир. Буюк олим уни машҳур „Поэтика“ номли асаридан сўнг, яъни эрамиздан олдинги 330 йилларда Афинада сўнги марта қайтиб келганда ёзган эди.

Матлаумки, унгача Анаксимен, Лампсак ҳам „Риторика“ номли қўлланма яратган эди. Бу икки асар бир-бирига тамоман ўхшамайди. Уларнинг биринчиси қўлланма бўлса, иккинчиси чиройли сўзлаш назарияси бўйича илмий мулоҳазалардан иборат.

Аристотелнинг „Риторика“ си уч китобдан ташкил топган. Аларнинг биринчи ва иккинчи китоблари, асосан чиройли сўзлаш, етиштириш методлари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалардан иборат бўлса, учинчи китобида нутқ мантиқига жуда катта аҳамият берилган. Олимнинг фикрича, нотиқ тилидаги турли „қоришмалар“, яъни сўзларнинг нотўғри ва ноўрин талаффуз қилиниши, жумлаларнинг мантиқан ҳар хил тузилиши сўзловчининг катта хатосидир. Аристотель ҳар бир жумланинг асосий фикрни ифода этишга қаратилши, равон ва тингловчи тушунадиган даражада содда бўлишини талаб этади. У нотиқнинг ҳиссиёт билан сўзлаши мулоҳаза юритаётган фикрининг тингловчи қалбига тез етишида кунда омил бўлишини алоҳида уқтиради. Бундан ташқари, Аристотель нотиқнинг аудиторияни ўзига жалб этиши учун ҳазил-муъаллака сўзлар билан лирик чекиниш қилиб тингловчиларни ҳаяжонлантира билиши зарурлигини, агар турли кўргазмали қуроллардан фойдаланса, ҳар хил эпитет, чоғиштириш ва метафоралардан қўлласа, нутқнинг таъсирчанлиги янада ошишини, аммо мантиқиланган мисоллар кўпайиб кетиб, тингловчини зериктириб қўймаслиги кераклигини ҳам таъкидлайди.

Аристотель нотиқлик санъатини эгаллашни 5 қисмга бўлиб ўргатади:

1. Материални кашф этиш (ҳар томонлама тайёрлаш).
2. Материални жойлаштириш шакли (режаси).
3. Материални эслаб қолиш (ўзлаштириш).
4. Материални сўз ёрдамида тўғри акс эттириш.
5. Материални тўғри талаффуз этиш.

Аристотель фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Демосфен
(384 — 322)

Умрини она-Ватаниниң гуллаб-яшнашига бағишлаган давлат арбоби, машхур нотиқ Демосфен эрамиздан олдинги 384 йили Афинада ўзига тўқ онлада дунёга келди. Унинг отасининг исми ҳам Демосфен бўлиб, қурол-яроғ устахонасининг эгаси эди.

Бўлажак нотиқ беш ёшга тўлганда отасидан ажралади. Демосфен билан синглисига огадан катта мерос қолади. Болаларнинг тарбияси ва мерос вақтинча тоғасига топширилади. Тоға эса, барча бойликларни қўлга киритиб олгач, болаларнинг тарбияси билан қизиқмайди. Нағижада, Демосфен жуда нимжон ва касалманд бўлиб ўсади.

Демосфен вояга етгач, тоғаси фақат унга қуллари, уйи ва уй жиҳозларини ҳамда пулининг маълум бир қисминигина бериб алдайди. Демосфен тоғасидан мол-мулкининг қолганини яхшилик билан қайтариб беришини сўрайди. Бироқ тоға бундан бош тортгандан кейин, у қолган меросини суд орқали ундириб олишга қарор қилади. Судда муваффақият қозониш учун Афина давлат қонунларини яхши билиш, шу билан бирга, равон сўзлаш, давросининг тўғрилигига кишиларни ишонтириш керак эди. Шу сабабли Демосфен нотиқлик санъатини ўрганиш учун ўз даврида мерос ишлари бўйича машхур бўлган адвокат Исей мактабида таълим олишга мажбур бўлади. У тўрт йил давомида кунт билан ўқийди ва бу даврда кўпгина ёзувчиларнинг асарлари билан танишиб чиқади. Айниқса, машхур тарихчи Фукидид¹ ва файласуф Платоннинг танланган асарларини пухта ўрганади. Бўлажак нотиқ Фукидид асарларини саккиз мартаба қайта кўчириб ёзиб, уни деярли ёддан ўзлаштиради.

Демосфен ўқишни тугатгач, васийлари билан судлашади ва бу суд беш йил давом этади. Бир неча йил сурункасига бўлган кураш бўлажак нотиқ характерининг тобланишида, бир сўзли ва матонатли бўлишида катта роль ўйнади.

Ёшлик чоғларидаёқ кўпчилик олдидан сўзга чиқишни орзу қилиб юрган Демосфен ўқиш йилларида ўқитувчиси билан суд мажлисларига қатнашади.

Демосфен нотиқлик билан шуғулланишдан аввал ўз устози йўлидан бориб, бошқаларга судда сўзланадиган нутқнинг матнини ёзиб берар ва бу ишлари учун яхшигина ҳақ олар эди. Бора-бора нутқий матнлар ёзиш Демосфенни қониқтирмайди. У оташин ватанпарвар сифатида ижимоий фаолиятини ватанининг равнақи учун сарфлашни орзу қилади.

Ёш нотиқнинг халқ олдигаги биринчи нутқи аянчли ҳолла: тўполон, кулги, қийқириқ, ҳуштак чалиб масхаралаш билан қарши олинади. У ўз нутқини тугатолмай минбардан тушишга мажбур бўлади.

Демосфен нутқининг бундай аянчли тугаши табиий эди, чунки унинг товуши жуда паст бўлиб, бир оз дудуқланар, „р“

¹ Фукидид — эрамиздан олдин V асрда яшаган Афина тарихчиси ва давлат арбоби. У Пелопон урушида иштирок этган ва унинг тарихини ёзган.

дарфони талаффуз этолмас, гулдираб, мужмал гапирар эди. Булар ан тинқари, унинг елкасини қимирлатиб турадиган одати ҳам бўлиб, кўичилик орасида ўзини тўғри тута билмас эди.

Халқ мажлисларидан бирида Демосфен ўзини иккинчи бор сўзлаб кўради. Лекин бу сафар ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Шундан сўнг Демосфен ўз нутқидаги камчиликларни бошқа таърирламаслик учун астойдил бош қотиради. Ҳар куни бир неча соатлаб нотўғри талаффуз этаётган сўзлари устида қайта-қайта аниқ қилади. Ҳатто оғзига тош солиб олиб, қаттиқ ва равон сўзлашга ҳаракат қилади. „р“ товушини тўғри талаффуз этиш учун ҳақ кучук боласининг ириллашини кузатади ва ўзи ҳам худдан шу товушни қайтаради.

Ниҳоят узоқ муддатли тинимсиз машқлардан сўнг Демосфен таърирламасига эришади: машҳур нотиқ бўлиб етишади. Аммо, шунга қарамай, у ҳеч қачон тайёргарликсиз нутқ сўзламас, олдиндан ёзиб қўйилган матнни ёдлаб олар, ҳар бир сўз устида пухта ўйлар, жумлаларни аниқ ва чиройли тузишга ҳаракат қилар эди. Улуғ нотиқнинг нутқи шу қадар содда, равон, мантиқдан пухта ва жозибали бўлдики, бу фақат машаққатли меҳнат натижаси эди.

Демосфен ҳеч вақт бўлмағур сафсаталарни ёқтирмас, хотиржамлик билан тингловчиларнинг фикрини ўзига тортар, уларни ўзи қимоя қилаётган ишнинг ҳақлигига ишонтириш учун бутун куч-қувватини сарфлар эди.

Демосфен 30 ёшга тўлганда давлат ишларида ҳам иштирок эта бошлайди. У ўзининг бутун маҳорати ва билимини Ватанининг душмани — македониялик подшо Филиппга қаратади. Афина давлати Македония раҳбарлигига ўтгач, Демосфен душманлари қўлдан бош кўтарадилар. Бундан бир неча йил илгари, халқ партияси Демосфеннинг ватанпарварлигини юксак баҳолаб, уни „Оатин (гулчамбар“ билан тақдирлашга тавсия этган, халқ мажлиси ҳам буни маъқуллаб, қарор қабул қилган эди. Македония тартибдорлари бу қарорга қарши чиқадилар. Ҳатто ўз даврининг машҳур нотиқларидан бўлган Эсхил мажлис қарори устидан судга шикоят қилиб ариза беради. У халқ мажлисининг нотўғри қарор чиқарганлигини исботлашга уриниб, Демосфеннинг бундай қарор мўқофотга муносиб эмаслигини уқтиради. Қайта бўлган суд иши буюк нотиқнинг яккама-якка олишувига айланиб кетади.

Суд бўлаётган майдонга шунчалик халқ тўпланган эдики, гўё манж уриб турган денгизни эслатарди. Демосфенни қоралаб сўзлаб чиққан Эсхил тамомила куракда турмайдиган гаплар билан тўқмаст тошини ота бошлайди. „Гулчамбар“ ни қимоя қилиш мўқофотида сўз олган Демосфен эса, ватанининг гуллаб-яшнаши Афинада тинмай курашганини, шу билан бирга, Эсхилнинг сотқинликдан иборат фаолиятини ёрқин нутқида образли тарзда тасвирлаб беради. Ҳанимларнинг қаршилигига қарамай, суд жули тўғри ва оқилона қарор чиқаради. Суд ҳукмига мувофиқ Эсхилни катта миқдорда жарима солиниб, Афинадан бадарға қилинди.

Демосфеннинг „Гулчамбар“ ҳақидаги нутқи фақат Эсхил устидан қозонилган ғалабагина эмас, балки Афина ва бутун Грециядаги ватанпарварларнинг таътанаси ҳам эди.

Суддаги муваффақиятидан сўнг, Демосфеннинг давлат олдидagi обрўси янада ошади. Бироқ, турли сабабларга кўра, Македония билан Афина ўртасида бошланиб кетган урушда афиналиклар мағлуб бўлиб, барча ватанпарварлар ўз юртларидан бадарға қилинади. Фақат аристократ бўйларгагина сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар берилади. Демосфен сиртдан ўлимга маҳкум этилади. Шундан сўнг, у Калаври оролига қочиб бориб, Посейдон ибодатхонасига яширинади. Уша вақтларда ибодатхонага қочиб кирган одамни ким бўлишидан қатъи назар, қамаш ёки ўлдириш мумкин эмас эди. Чунки у худонинг паноҳи ва ҳимоясида ҳисобланар эди.

Душманлари Демосфеннинг яширинган еридан хабар топиб, уни тириклайин қўлга туширишга ҳаракат қилдилар. Улар нотиққа бўлмағур ваъдаларни бериб, Антипатра ҳузурига олиб бормоқчи бўладилар. Демосфен ёвуз ниятни фаҳмлагач, вийига хат ёзиш баҳонаси билан ибодатхонанинг ичкарасига кириб, заҳар ичади.

Буюк нотиқ эрамиздан олдинги 322 йилнинг 12 октябрида дунёдан ўтади.

Цицерон (103 — 43) ✓ Марк Туллий Цицерон эрамиздан олдинги 103 йилда Римдан узоқ бўлмаган Арпина шаҳрида бадавлат оилада дунёга келади. Унинг болалик йиллари Арпина шаҳридаги отасига қарашли ерларда ўтади. Отаси ўз фарзандига яхши таълим-тарбия бериш мақсадида Римга кўчиб ўтади. Цицерон у ерда юнон мураббийлари қўлида таҳсил кўради, юнон тили ва адабиётини мукамал эгаллагач, Юнонистоннинг машҳур сўз усталари Лициний Красс ва Марк Антоний каби нотиқлардан сўз санъатининг нозик сир-асрорларини ўрганади, уларнинг ажойиб нутқларини тинглайди.

Бўлажак нотиқ, айни вақтда, фалсафа билан ҳам шуғулланади. Лекин уни кўпроқ нотиқлик санъати қизиқтиради. Цицерон нотиқларнинг турли мимика ва ҳаракатлар билан сўзлаётганини кўриб, нотиқ бўлиш учун актёрликдан ҳам хабардор бўлиш керак экан, деган хулосага келади. Шунинг учун Эзоп ва Росций каби ўз даврининг машҳур актёрларидан сабоқ олади.

Цицерон узоқ тайёргарликдан сўнг, 25 ёшида биринчи мартаба халқ олдида нутқ сўзлашга журъат этади. У аввал граждандлик, сўнгра жиноий иш жараёни бўйича гапиради. Бироқ, унинг бу нутқида давлат бошлиқларидан Сулл ҳамда Котт исмли машҳур нотиқлар қарши чиқади. Шундан кейин, у риторика ва фалсафа фанларидан мукамалроқ назарий билим олиш мақсадида замонасининг буюк нотиқларидан ҳисобланган Антио Аскалонскийдан таълим олади, машҳур сўз усталаридан ўрганиш ниятида Кичик Осиёнинг бир қанча шаҳарларини кезиб чиқади.

У анча вақтгача нутқ сўзлашда янги усуллар қидиради. Ни-

ҳоят Осие ҳамда Аттика¹ усуллари омихтасидан иборат бўлган янги бир услуб кашф этади.

Цицерон ўз — замонасининг кўпчилик сўз усталари сингари, ўз фаолиятининг илк даврларидаёқ нутқида услубнинг чиройлилиги, ибораларнинг жонлилиги, жумлаларнинг нафис бўлишига катта эътибор беради.

Цицерон Осиега саёҳат қилиб, нотиқлик санъатининг сирларини ўрганиб юрган вақтда, Рим ҳукмдори Сулл вафот этади. Шундан сўнг ёш нотиқ Римга қайтиб келади ва 31 ёшидан бошлаб, давлат ишларида иштирок этади.

Цицерон консуллик лавозимига сайлангач, бутун нотиқлик маҳоратини сиёсий нутқларга бағишлади. У суддаги нутқларида ўзи яратган услубдан фойдаланиб, рақибларини „қўл-оёғи боғланган қуёндай таслим қилди“. Рулл томонидан қабул қилинган сенат қонунларини қаттиқ қоралаб, Рулл тарафдорларини ўлдириб юборди. Келгуси йили Цицерон ўрнига Цезарь консуль (59 йил) бўлиб сайлангач, сенатнинг Рулл проектига жуда яқин бўлган янги қонунлари қабул этилади. Габини ва Пизонлар ўзлари консуль бўлиб иш бошлаган 58 йилнинг дастлабки даврида Цицеронни Римдан бадарга қилиш ҳақида қонун чиқаришга ҳаракат қиладилар. Душманлари томонидан қасос олиниши муқаррар эканлигига ишонган нотиқ проекти чиқмасданоқ Юнонистонга жўнаб кетади.

Ватандан ҳайдалиши Цицерон учун ниҳоят даражада оғир бўлади. У бир ярим йилдан сўнггина дўстларининг ёрдами тўғрисида Италияга қайтиб келиш учун рухсат олади. Она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат буюк нотиқнинг илҳомини тағин ҳам жўш урдиради. У нутқ назарияси устида тинимсиз ижод қила бошлайди. Орадан кўп ўтмай, машаққатли меҳнат самараси сифатида уч китобдан иборат „Нотиқлар ҳақида“ номли асари дунёга келади. Мазкур асар диалог шаклида ёзилган бўлиб, Лициний, Красс, Марк Антоний, Юлий Цезарь, Страбон, Катулл, юрист Спевола ва унинг шогирдлари Катт, Сульниций Руфларнинг ижтимоий ва сиёсий нутқлари, уларнинг нотиқлик санъати ҳамда бу санъатнинг энг майда-чуйда масалаларидан тортиб сиёсий муаммоларгача бўлган қимматли фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олади.

Цицероннинг фикрича, нотиқ шунчаки, суд ишларининг барча қонун-қоидаларини яхши биладиган қонунпараст эмас, балки давлат ишларини чуқур тушунадиган халқ қайғусига ҳамдардлик қила оладиган давлат арбоби бўлмоғи керак. Шунинг учун нотиқлик санъатига қизиққан ҳар бир киши фақат риторика илмига оид инъидой билимлар билан чекланмасдан ва ўзининг табиий истезьодига ишониб қолмасдан, доимо турли фанларни ўқиб-ўрганмоғи, илм ва маданиятнинг юқори чўққиларига интиломоғи даркор. Бундан ташқари, „Нотиқлар ҳақида“ асарининг

¹ Ўрта Греция (Юнонистон) нинг жануби-шарқида деңгиз ичкарисига анча ёриб кирган ярим орол Аттика деб аталади.

муаллифи нотиқларнинг одамлар дилига қўрқув, ғазаб ва қайғу сола билиши ва аксинча, бу хилдаги ҳаяжонли ҳолатлардан кишиларни халос қилиб, уларнинг руҳида хотиржамлик, меҳр-шафқат ҳисларини уйғота олиши керак, деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича, агар нотиқ одамларнинг турли-туман характерларини сезмаса, инсон табиатига хос умумий хусусиятларни билмаса ва ҳар бир кишини гоҳ безовта қиладиган, гоҳ тинчлантирадиган сабабларни тушунмаса ҳеч қачон ўзининг мақсадига эриша олмайди.

Цицерон „Брут“ (47 йил), „Нотиқ“ (56 йил) номли бошқа асарларида Рим нотиқлик санъати тарихи ҳақида батафсил фикр юритиб, аттикачиларнинг назарияларига тамомила қарши мулоҳазалари билан майдонга чиқади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай нотиқнинг кўзда тутган асосий мақсади — тингловчининг завқини уйғотиб, ўзига мойил қилишдан иборатдир. Нотиқ шароитга қараб, мавжуд услубларнинг ҳаммасидан баравар фойдаланиши зарур.

Цицерон бу фикрни давом эттириб, кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида урта даражада, улур ҳодисалар ҳақида эса шавқ-завқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Поэзия тилининг вазни ва оҳангдорлиги, узун ва қисқа ҳижоларнинг, унли ва ундош товушларнинг алмашинуви, бир сўзнинг охири ва иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келишига йўл қўймаслик, сўзларни тўғри талаффуз этиш, грамматик қоидаларга катта эътибор бериш каби нотиқлик санъатининг муҳим масалалари ҳам Цицерон асарларида ўзининг тула ифодасини топган.

Тингловчини толиқтириб қўймаслик учун нутқ давомида кўтаринки услубни бир парда пасайтириб, суд ишига алоқадор бўлган кишиларнинг гоҳ салбий, гоҳ ижобий характеристикасини бериш, илгари ўтган машҳур зотлар ҳақидаги бирон латифани эслатиб кетиш лозим бўлиб қолганда, баъзи бир ҳаётий манзараларни, драматик воқеаларни эслаш, ўрнига қараб, бироз ҳикматли сўз, мақол ёки қочириқ гапни қистириб ўтиш — Цицероннинг энг севган усулларидан эди.

Цезарь вафотидан сўнг, унинг набираси Октавиан давлатни бошқаради. У ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида Цицероннинг сенат олдидаги мавқеи ва обрўсидан фойдаланмоқчи бўлади. Бироқ, Цицерон Октавианга ишонмайди. Цицероннинг душманлари янги ҳукмдорни ўзлари томонига ағдариб олгач, ундан буюк нотиқни қатл этишни талаб қиладилар. Шундай қилиб, сўз санъатининг моҳир устаси шафқатсиз жазога ҳукм этилади. Олдин унинг ўнг қўли қирқиб ташланади, сўнгра боши танасидан жудо қилинади.

Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаган, обрўсини оширган нарса унинг ажойиб, такрорланмас нутқлари бўлди. Уйғониш даврида Италия, Франция ва Олмониянинг инсонпарвар олимлари Цицероннинг илҳомбахш нутқларини севиб ўргандилар.

Ўша даврда чиройли сўзлаган кишилар „цицерончилар“ деб аталар эди.

Римда бир қанча вақтгача нотиқлик санъати ривожланишдан тўхтаб қолди. Ўрта асрларга келиб эса нотиқликнинг диний ва сқоластик томонлари авж олиб кетди. Дин ҳомийлари нотиқлик санъатини ўз қўлларига олгандан кейин, уни ўзларининг синфий мақсадларини амалга ошириш учун хизмат эттира бошладилар. Дин ақлларининг ўртасида ҳам истеъдодли нотиқлар бор эди. Улардан, айниқса, Василий Великий, Григорий Богослав, Иоани Златоуст ва Аврелий Августинлар катта шуҳрат қозонди.

Ўрта асрларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни XI — XII асрлардан „университет нотиқлиги“ деб номланган нотиқлик санъати ривожланди. Дорилфунуннинг тарих ўқитувчиси Ян Гус прогрессив фикрлари учун гулханда ёндирилган Оксфорд дорилфунунининг магистри Дунс Скотт, сқоластик фалсафа ўқитувчиси парижлик Пьер Абелярлар шу санъатнинг атоқли вакиллари эди.

Ўрта асрнинг сўнгги даврларида кўзга кўринган етук нотиқлардан бири флоренциялик монах Савонарола эди. У илк бор черковни христианликнинг принципларига қайтишга чорлади. Тўғри, Савонарола черковдан воз кечишни тарғиб қилмади. Шундай бўлишига қарамасдан, унинг мафтункор нутқлари ўз ўзидан католицизмга кетма-кет зарба бўлиб тушаверди. Натижада нотиқнинг черковдаги хизмати кун сайин оғирлаша бошлади. Ашадий диндорлар Савонаролани худди Ян Гус каби таъқиб остига олиб, турли иғволар тарқатдилар, сўнгра тириклайин гулханда куйдирдилар.

XVI асрда буржуазиянинг туғилиши билан янги дунёқараш — инсонпарварлик шакллана бошлади. Унинг характерли хусусиятларидан бири инсоннинг куч-қувватига, ақл-заковатига ишонч ҳамда антик дунё маданиятига катта қизиқиш уйғотиш эди. Инсонпарварлар халқ яратган маданий бойликларни кўз қорачиғидай сақлашни тарғиб қилдилар. Шунинг учун ҳам кўп вақтларгача „уйғониш“ термини, „гуманизм“ термини билан ёнма-ён туриб келди.

Шу даврнинг кўзга кўринган етук нотиқларидан Эразм Роттердамский Ульрих фон Гуттен ҳамда католик черковининг турли хил намоишларига ўзларининг ажойиб нутқлари билан зарба берган Мартин Лютер ва Кальвинлар катта шуҳрат қозонди.

Бу даврда Олмонияда нотиқлик санъатини мукамал эгаллаганлардан бири Томас Мюнцер эди. Мюнцер деҳқонлар ўртасида шундай ажойиб нутқлар сўзлар эдики, уни тинглаган ҳар бир деҳқон юрагида янги ҳаётга нисбатан катта умид уйғонар эди. Ҳатто шунинг натижасида деҳқонлар помешчик ва феодалларга қарши курашга отланиб, қўзғолон кўтардилар.

XIX асрда Франция, Италия, Олмония ва Австрияда буржуа демократик революциясининг ғалабасидан кейин нотиқлик санъати юксак даражада ривожланди. Шунинг учун бу давр нотиқлик

санъатининг гуллаш даври деб ҳам юритилади. Ҷша давр нотиқлари инсоннинг меҳнати ва ақл-заковатини улуғлаб, унинг келажагини астойдил ҳимоя қилдилар.

ЎЗБЕК НОТИҚЛИГИ ТАРИХИДАН

Нотиқлик — ўтмиш сўз санъатининг энг баркамол оммавий жанрларидан бўлиб, бу санъатни мусулмон Шарқда воизлик деб аталган. Шунга кўра нутқ — *ваъз*, нотиқ — *воиз* деб юритилган.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи IX — XV асрларда дунё маданияти тараққиётида олдинги сафлардан бирига кўтарилган эди. Умуман, ўрта асрларда фан ва маданиятнинг ривожига Хоразмий, Фароғий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Комшарий, Навоий каби улуғ сиймолар катта ҳисса қўшганлар.

Булар яшаган даврни Шарқ тарихида Уйғониш даври ҳам деб юритадилар. Бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат маданиятимизнинг равақ топган йиллари бўлди. Адабиёт — санъат, фан, ва умуман, маданиятимизнинг тарғиботчилари бўлган бу алломалар айни вақтда воиз (нотиқ) лик санъатини ҳам яратдилар.

IX — X асрлар орасида яшаб ижод этган Абу Наср Фаробий (837 — 950), Абу Али ибн Сино (980 — 1037) каби йирик олимларимиз фақат замоналарининг илм-фани билан чегараланиб қолмай, айни вақтда нотиқ ҳам бўлганлар ҳамда нотиқликнинг туғилиши, шаклланиши ва ривожига ҳам катта эътибор берганлар.

Булардан ташқари, XI асрда Кайкавус томонидан яратилган „Қобуснома“ да ҳам нотиқлик санъати ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган. Ҳатто муаллифнинг таъкидлашига қараганда, барча ҳунарлар ичида сўз ҳунарини — *нотиқликни* улуғлайди.

Нотиқлик жуда узоқ тарихга эга, ана шу давр ичида у шаклланди, ўзгарди ва камол топди. Албатта бу тарихий жараёнда наслдан-наслга мерос қолишга арзигулик анъаналар ҳам етиб келди.

Шарқ ва хусусан Ўрта Осиёда жуда кўп нотиқлар етишиб чиқдилар, фақат етишиб чиқдиларгина эмас, балки улар нотиқлик асосларини ва мактабни яратиб, бутун Шарққа, ҳатто, бутун дунёга машҳур бўлганлар.

Жумладан:

Воиз Муҳаммад Рафиъ — „Абвобул жинон“.

Воиз Қазвиний — „Зилолу мақол“

Воиз Ширвоний — „Аҳсанул аҳодис“.

Муҳаммад Бобур бинни

Муҳаммад Воиз — „Ҳидоятул-тақвим“.

Қурайш Синдий — „Анисул — воизин“.

Мулла Калон Воиз

Самарқандий — „Равзатул-воизии“.

Қози Ўшй

— „Мифтохун - нажжоҳ“ („Сўзнинг

калит“) ва бошқа бир қатор моҳир сўз усталари ўзларининг рисолаларини яратиб, нотиқлик назарияси соҳасида ҳам катта

штукларни қўлга киритганлар. Буларнинг ҳар бири ўз тарихи, тақдирига эга бўлган сиймолардир.

Возликнинг келиб чиқиши тарихи ҳам анча қизиқ. Швейцар олими Адам Мецнинг маълумотларига кўра¹ илгари подшоҳлар олдига чиқиб давлат тузуми, итоткорлик, халқаро аҳвол, ишчи қоидалар, ўз сиёсатлари ва бошқа мавзуларда нутқ сўзлаш турганлар. Уларнинг нутқ матнларини эса, сарой ходимлари, яъни девонул иншо ходимлари ёзиб берган. Айниқса, жума намози кунлари уларнинг чиқиб, нутқ сўзлашлари шарт бўлган. Вақтлар ўтиши билан бундай ишларни махсус сўз усталарига топшира бошлаганлар. Жумладан Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг „Латойифут-тавойиф“ асарига айтилишича, Султон Ҳусайн Вайқаро бир куни Шерозга, Шоҳ Шижоь олдига расмий давлат иши билан музокара олиб бориш учун бир вакил юбормоқчи бўлган. Аркони давлат билан маслаҳатлашиб, Мавлоно Иршоддан бошқа муносиб киши топа олмайдилар.

Хуллас. Иршод бориб расмий ишларни оз муддатда ижобий ҳал этади. Аммо, унинг нотиқлик маҳоратига қўйил қолган шоҳ Шижоь Иршодга жавоб бермай, бир мажлис қуриб кейин кетиши мумкинлигини айтиб илтимос қилади. Нотиқ мажлисни жума кунига тайинлайди. Бошқа одамлар қатори Шоҳ ва унинг аъёнлари ҳам масжиди Жомега йиғиладилар. Ўша куни Мавлоно Иршод шундай эҳтиросли нутқ сўзлайдики, йиғилган халойиқ хўнг-хўнг йиғлай бошлайди. Нотиқ ҳамма нутққа берилиб кетиб йиғлаётганини кўради. Шунда Мавлоно Иршод ўз нотиқлигининг яна бир бунёдкор кучини намойиш қилади: у тўсатдан шундай қутилмаган бурилиш ясайдики, ҳамма бирдангина кўз ёши аралаш қаҳ-қаҳ солади.

Шоҳ Шижоь ҳам, йиғилган халойиқ ҳам буюк нотиқ Мавлоно Иршодни ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўядилар.


Ўзбек халқи орасида Мавлоно Иршодга ухшаган нотиқлар жуда кўп бўлган. Улардан бири фарғоналик машҳур нотиқ Қози Ўший бўлган. У Ўш шаҳрида қозилик лавозимида ишлагани учун Қози Ўший тахаллусига эга бўлади.

У халқ ўртасида жуда катта обрўга эга бўлади. Юқоридаги асарда ёзилишича, Эрондаги Сиистон вилоятининг халқи қаттиққўллиги билан донг чиқарган, ҳатто гадойга ҳам нон бермас эканлар. Қози Ўший эса бу халқнинг кўнгил қулфини сўз калити билан очиб юмшатаман дейди. У Сиистонга бориб бир-икки ҳафта шу халқ ичида юради, уларнинг руҳий ҳолатини ўрганadi. Шаҳар қозисидан руҳсат олиб, жума куни масжиди Жомеда катта нутқ сўзлайди, нотиқ билан баравар халқнинг фигони фалакка кўтарилади. Сиистон халқи топган-тутганини минбар остига ташлайди. Лекин Қози Ўший нутқи учун ҳеч кимдан ҳақ олмаслигини айтади, буни эшитган халқ нотиқни янада эъзозлайди.

Нотиқ, у халқнинг хасис эмаслигини, аксинча олижаноб экан-

¹ Адам Мец. Мусулмон ренессанси. 63-бет.

21391



лигини, халқнинг меҳр хазинасини очиш учун муносиб калит топа олиш керак эканлигини исбот этади.

Мутахассис нотиқларни воизлар деб атаганлар. Уларнинг ваъз матнлари одатда чиройли ва бадиий юксак савияда бўлган. Нутқ матнларининг аксарияти насрий шеър ва ҳатто шеърый шаклларда ёзилган.

Ўтмиш Шарқ нотиқлари орасида ўз замонасининг Демосфен ва Цицеронлари жуда кўп бўлган. Ўзбек ва юнон санъаткор-мутафаккирларининг нутқ талқинлари, таъсирчанлиги ва нотиқлик санъати асослари бўйича, олға сурган фикрлари жаҳон тараққийпарвар нотиқлигининг шу масалаларидаги талқинлари билан ҳамоҳангдир.

Биз Алишер Навоий томонидан тилга олинган ва уларнинг ижоди ҳақида фикр юритган нотиқлардан фақат уч воиз ҳақида қисқа-қисқа маълумот берамиз.

Хожа Муайяд
Меҳнабий

У ўз замонасининг етук нотиқларидан бўлиш билан бирга, оддий мазор шайхларидан бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича, у „зоҳир улумин такмил қилиб эрди“¹, яъни юзадаги илмлар, узига аён бўлган фанларнинг ҳаммасини ўзлаштиргангина эмас, балки уни тўлдирган ва ривожлантирган ҳам эди. Унинг ваъзлари жўшқин ўтган, ўз тингловчиларида нутқига нисбатан хайрихоҳлик қўзғата олган. Шунинг билан бирга у ўз тингловчилари қалбига қўл сола олган, уларни фақатгина тингловчиликдан, ҳар бирини фаол фикр юритувчи, ваъз мазмунига нисбатан фаол муносабатда бўлувчи ижодкор тингловчилар даражасига кўтара олган. Ўз мажлисларининг қизгин ўтишига эриша олган.

Ўша даврларда Хожа Муайяд каби оташнафас нотиқлар сони жуда кам бўлган. Шунинг учун ҳам улар номи улкан адиблар номи қаторида тарих саҳифасидан шарафли ўрин олган. Унинг ижодий маҳорати бошқа нотиқлар учун намуна бўла олади. Чунки, у ўша даврдаги мавжуд фанларнинг барчасини тўла ўзлаштирган ва уларни такомиллаштирган донишманд олимдир.

Хожа Муайяд каби, маҳорат ва билимга эга бўлган ҳар бир нотиқ ўз тингловчилари қалбини ларзага келтириши, уларни ҳаяжонга сола олиши турган гап. Ана шундай қудрат-заковати туйғайлигина султонлар, подшоҳлар ҳам унинг маҳорати, истеъдоди олдида бош эгканлар.

Мавлоно Риезий¹ Мавлоно Риезий Зова деб аталган вилоятда ўсди, улғайди. Ўзининг ақл заковати ила шу вилоятнинг қозилик лавозимигача кўтарилди. Бироқ, Алишер Навоий „Мажолисун нафос“ асарида ёзишича у айрим ўринсиз ҳатти-ҳаракатлари учун қозилик лавозимидан четлаштирилган, кишанга солиб бадарға қилинган. Натижада бир умр таъқиб остида юради, ғарибликла кун кечиради.

Мавлоно Риезийнинг нотиқлик даражасига эришувида мамла-

¹ Алишер Навоий. Мажолисун нафос. Асарлар. Ун беш томлик, 12- том, 42- бет.

кат ҳукмронлари мафкураси билан унинг инсонпарварлик қарашлари ўртасидаги келишмовчилик, турли зиддиятлар асосий омиллардан бири бўлган. Риёзий нотиклигининг табиий томонларидан бири ҳамдардлик туйғуларини биринчи ўринга қўя билишдир.

Алишер Навоийнинг ёзишича: „... ваъз айтиб, минбарда ўз ишонини ўқуб, йиғлаб важди ҳол қилур эрди“¹. — дейди. Шоирнинг бу сўзлари анча диққат-эътиборга лойиқ, чунки, эл олдида расмий нутқ билан чиқиб, йиғлаш даражасига бориб етиш ва бу кўз ёшига нисбатан тингловчиларда кулги эмас, балки ҳамдардлик кайфиятини уйғота олиш учун катта санъаткорлик маҳорати керак. Мавлоно Риёзий нутқ пайтида кўз ёши даражасига етиб борар экан, қалбидагина йиғлаб баён этар ва кишиларни шунга ишонтира олар экан, демак шубҳасиз, у жуда истеъдодли нотик, чинакам сўз санъаткори бўлган.

Мавлоно Риёзий ажойиб сўз санъаткори бўлиш билан бир қаторда, у ўз даврининг кўзга кўринган педагогларидан бири бўлган. У ўз ишларини дунёвий фанлар: табиатшунослик, география, тарих, адабиёт назарияси ва бошқа фанларни чуқур ўрганиб, уни ёшлар ўртасида тарғиб қилган.

Алишер Навоийнинг ёзишига қараганда Мавлоно Риёзий ўз фикрида қаттиқ турувчи ва шу фикр учун курашувчи шахс, садоқатли ва моҳир педагог ва бутун ҳаётини сеvimли касбига бағишлаган улуғвор инсон эканлигини таъкидлайди.

Ўз касбининг моҳир устаси бўлган Мавлоно Риёзий ўз нутқларида бошқа нотиклар қатори халқ оғзаки ижодидан, ва айниқса, бадиий адабиётдан жуда усталик билан фойдаланган. У ўз замонасининг забардаст нотиғи, олими, педагог ва шоирларидан бўлган.

Хусайн Воиз Кошифий — Хусайн Воиз асли туғилган жойи Эроннинг ши-моли-шарқидаги Сабзавор шаҳри бўлиб, қачон туғилгани ҳозирча бизга номаълум, шарқшунос олимларнинг фикрига қараганда вафот этган йили 1504—1505 йилларга тўғри келади. Хуллас, Хусайн Воиз Алишер Навоийнинг замондоши, у билан бир даврда яшаган, ижод қилган ҳатто Алишер Навоийдан 3—4 йил кейин оламдан ўтган.

Хусайн Воизнинг энг асосий фазилати, унинг илм эгаси эканлигиладир. У жуда кўп фанларни эгаллаган ва уларнинг ҳар бирида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олимлардан биридир. Унинг:

„Жавоҳирут тафсир“ ёки „Тафсири Хусайний“, „Мавоҳибуд дунё“, „Лубби лубоб“, „Анвори Суҳайлий“, „Равзатуш шуҳадо“, „Даҳ, мажлис“, „Ахлоқи Муҳсиний“, „Маҳзанул иншо“, „Сабо“, „Кошифия“, „Асрори Қосимий“, „Ҳотамнома“, „Матлаъул анвор“, „Ихтиёрот“ ва бошқа бир қатор асарлари шундан далолат беради.

Хусайн Кошифий нотик сифатида ўз замонасининг машҳур нотикларидан бўлган. Унинг нутқини эшитиш учун шаҳарнинг

¹ Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Асарлар. Ҷн беш томлик, 12- том, 801- бет.

турли томонларидан йиғилишар, тингловчилар сони шу қадар кўпайиб кетиши натижасида орқада турганларга нотиқнинг овози етиб келолмаса ҳам, унинг ички руҳий ҳолатини турли ҳолатлар орқали ифодаланишини кузатар эканлар.

Бу ҳақда Воизнинг ўғли Фахриддин Али Сафий ўзининг „Латойфут—тавоиф“ номли асарида таъкидлаишича отаси масжиди Жомеда нутқ сўзлаётган экан, одам шунчалик кўп эканки мажлисга келаётган ўша даврнинг машҳур сўз усталаридан Мавлоно Сайид Фиёсиддин тасодифан ўша ердан ўтиб қолиб, мажлис аҳлига маҳлиё бўлиб, ўзи қатнашиш учун кетаётган мажлисдан кеч қолади. Иттифоқо, шу мажлисда Абдураҳмон Жомий иштирок этаётган бўлади. Саид Фиёсиддин кириб келиши билан ундан сўрайди:

— Нечун кечкидингиз, Мавлоно Фиёсиддин?

— Мени маъзур тутинг, устод, — дейди Фиёсиддин, — келаётган эдим, масжиди Жомеда Хусайн Воиз нутқ сўзлаётган экан, шунга маҳлиё бўлиб қолибман.

— Хўш, қандай янгилик эшитдингиз?

— Ҳеч қандай, — дейди Фиёсиддин.

— Сабаб?

— Сабаби шуки, — деди гуноҳкор, — одам жуда кўп экан. Оломон мени туртиб, бир чеккага чиқариб юборди. Мен шунчалик узоқ масофада эдимки, унинг баъзи-баъзи сўзлари зўрға қулоғимга чалинди.

— Ундай бўлса нима қилиб ўтирдингиз?

— Қараб ўтирдим, — деди Фиёсиддин, — Хусайн Воиз шундай нутқ сўзлаётган эдики, гапларини эшитмасам ҳам унинг маҳоратига маҳлиё бўлиб, нутқининг охиригача қараб ўтирдим.

Ўз замонасининг улкан сўз санъаткори Хусайн Воиз Кошифийнинг юксак маҳоратига ҳатто Алишер Навоий ва Султон Хусайн Бойқаролар ҳам қойил қолиб тан берганлар, ҳатто ўз асарларини расмий ижро этиш лозим бўлганда, бундай ишга Хусайн Воизни муносиб кўрганлар. Жумладан, 898 (1492) йил 8 ноябрь куни Абдураҳмон Жомийнинг дафн этиш маросимида Хусайн Воиз нутқ сўзлайди ва ана шу маросимда Алишер Навоий ўзининг қуйидаги таркиббанд — тарихини ва 7 банд, 140 мисрадан иборат ажойиб марсиясини ўқиб эшиттириш учун унга топширади:

„Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,
К-у ба ҳақ восил шуда дар дия набудали мосивоҳ.
Кошифи сирри илоҳи буд бешак з-он сабаб,
Ғашт тарихи вафоташ асрори илоҳ“¹.

ЯЪНИ:

Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат денгизининг дуриқим,
Ҳақиқатга эриша олди ва қалбида ундан ошқа нарса йуқ эди.
Шуҳасиз илоҳий сирнинг очувчиси эди, шу сабабдан,
Вафотининг тарихи „Кашфи асрори илоҳ“ булди.

¹ Алишер Навоий. „Хамсагул мутаҳаййирин“. Асарлар. Ҷн беш томлик 14-том. 66-бет.

Алишер Навоий томонидан Ҳусайн Воизга билдирилган ана шу ишончнинг ўзиёқ, мамлакатда, айниқса Воизлар ўртасида катта ишонч ва ҳурматга сазовор эканлигидан далолат беради.

Ҳусайн Воиз нотик сифатида шу қадар ҳурматга сазовор бўлганики, бунинг асосий сабабларидан бири, унинг овозининг ширлилиги, оҳанги, ички руҳий ҳолатни турли ҳаракатлар билан ифода қила билиши бўлган. Шунинг учун бўлса керак, уни доимо ҳар ерга таклиф этишаверган, шунинг натижасида у аниқ жаввал билан ишлашга мажбур бўлган.

Хондамирнинг айтишига қараганда, у жума куни эрталаб Ҳиротнинг марказий чорсусида жойлашган шоҳ намозгоҳида ваъз айтган, шу куни пешиндан кейин Алишер Навоийнинг масжидида, сешанба куни Султон Ҳусайннинг мадрасасида, чоршанба куни пир Мужаррад Хожа Абдул Валид Аҳмад мозори бошида, пайшанба куни Султон Аҳмад Мирзо мозори бошида нутқ сўзлаган.

Буларнинг барчаси, нотикнинг ҳар томонлама билимдонлигидан ва жаҳоннинг баланд-пастини яхши билганлиги, унинг нутқининг сермазмун бўлишини таъминлаган омиллардан биридир.

НУТҚ ВОСИТАЛАРИ

Ифодали ўқиш жараёнида нафас, овоз ва нутқ аъзолари фаол иштирок этади. Ифодали ўқиш киши нутқ фаолиятининг махсус эътибор бериладиган жабҳаси бўлганлиги учун у кундалик маиший нутқдан сезиларли фарқ қилади. Шунга кўра, ифодали ўқишда нутқ аъзоларининг иштироки ҳам кундалик, маиший нутқ жараёнидагига қараганда анчагина фаол бўлади. Нутқ аъзоларини фаоллаштиришга кўмаклашувчи машқлар мажмуасига эса *нутқ воситалари* дейилади.

Нутқ воситаларига оид машқлар усули жуда кенг кўламли бўлиб, уларнинг умумий мажмуаси мустақил бир қўлланмани ташкил этиши мумкин. Шунинг учун бу ерда, нутқ воситалари ҳақида умумий тушунча ва айрим машқларни тавсия этиш билангина чекланамиз¹.

Нафас Ифодали ўқишнинг муҳим воситаларидан бири нафасдир. У киши организми (турли аъзолари) учун ҳам асосий озуқа ҳисобланади. Шунинг билан бирга, нутқ сўзлаш жараёни, айниқса, ифодали ўқиш санъати нафас негизи (базаси) билан узвий алоқадордир.

Нафас олинганда ҳаво бурун бўшлиғидан кекирдакка боради ва (бронх) нафас йўли орқали ўпкага ўтади. Ўпкага кирган ҳаво қовурға мускулларини кенгайтиради, натижада қовурғалар қорин бўшлиғидан бирмунча узоқлашиб икки ёнга кенгайди. Аниқроғи, кўкрак қафаси ҳар томонга кенгайди. Шу билан бир вақтда қо-

¹ Нутқ воситалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга булиш учун қуйидаги адабиётларга мурожаат этиш мумкин: *Иномхужаев С.* Бадий ўқиш асослари. Тошкент, 1973; *Иномхужаев С., Зуннунов А.* Ифодали ўқиш асослари. Тошкент, 1978.

рин бўшлиғини кўкрак бўшлиғидан ажратувчи диафрагма ўпканинг ҳавога тўлиб кенгайиши ҳисобига пастга босилади. Нафаснинг бу хусусиятлари, айниқса, онгли равишда машқ қилаётган пайтда яққол сезилиб туради.

Тўғри нафас олиш инсон ҳаёти учун ҳам, ифодали ўқиш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Агар нотўғри нафас олинса — ўринсиз паузалар қилинса, ўқилаётган матн мантиқан бузилади. Матндаги муаллиф мақсади тингловчига тўғри етиб бормайди, фикр тушунарсиз бўлиб қолади.

Шунинг учун олий ва ўрта мактабларнинг ўқитувчилари ўзларининг ва ўқувчиларнинг нафас органлари мускулларини чиниқтириб боришлари лозим. Бу борада амалга ошириладиган чора ва тадбирлар инсонни соғлом ва бақувват қилади, товуш ва нутқнинг аниқ, равон, бурро ва жарангдош бўлишини таъминлайди.

Қуйида нафас олиш фаолиятини яхшилаш учун машқлар тавсия қилинади. Уларни мустақил равишда ҳар куни, энг аввал эрталабки бадантарбия машғулотларига қўшиб, колаверса, ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланиб бажариб туриш лозим.

1-машқ. Дастлабки ҳолат. Гавда тўғри тугилиб, оёқ товонлари бир-бирдан елка кенглигида узоқлаштирилади. Қўллар елка текислигида олдинга чўзилган ҳолда кўтарилади, кафтлар бир-бирига тегиб туради. Бир деганда, товон кўтарилиб, панжалар учида турилади ва қўллар икки ёнга йўналтирилиб, бурун орқали чуқур нафас олинади.

Икки деганда, гавда уз ҳолига қайтарилади, қўллар яна олдинга чўзилган ҳолда кафтлар бир-бирига теккизилиб, оғиздан нафас чиқарилади.

Шу тарзда, бир деганда, юқорида айтилган ҳолатга келиб, нафас олинади. икки деганда эса асл ҳолатга қайтиб, нафас чиқарилади. Бу машқ ҳар сафар 4 — 5 марта қайтарилади.

Эслатма: ҳар бир машқда нафасни фақат бурун орқали олиб, оғиздан чиқаришни унутманг.

2-машқ. Бу машқда гавдани тўғри тутган ҳолда товонлар бир-бирига яқинлаштирилади, панжалар бир оз кенгликда тугилиб, қўллар бўйинга олинади.

Бир деганда, товон кўтарилиб, оёқ учида турилади. Қўллар икки томонга чўзилиб, бурун орқали нафас олинади.

Икки деганда, оёқ учида турган ҳолатда ўтирилади. Тизза бир-бири билан жуфтлаштирилиб, қўллар олдинга чўзилади ва нафас чиқарилади.

Уч деганда, аста-секин ўша ҳолатда ўрнидан туриб, қўллар икки томонга чўзилиб, нафас олинади. Бу машқ ҳам ҳар сафар 4 — 5 марта қайтарилади.

3-машқ. Оёқлар елка кенглигида очилади. Қўлларнинг кафти пастга қаратилган ҳолда кўкракка қўйилади, тирсак елка текислигида кўтарилиб, бурун орқали чуқур нафас олинади.

Бир деганда, гавда тўғри тугилган ҳолда ўнг қўл ён томонга чўзилади, айнаи вақтда гавданинг белдан юқори қисми ҳам қўл билан биргаликда унг томонга бурилади, чап қўл эса кўкракда туради, сунгра нафас чиқарилади.

Икки деганда, ўнг қўл ва гавда оллинги ҳолатига қайтади, бурун орқали чуқур нафас олинади.

Уч деганда, чап қўл ён томонга чўзилади, айнаи вақтда гавданинг белдан юқори қисми қўл билан биргаликда чап томонга бурилади. Ўнг қўл эса кўкракда турганича қимирлатилмайди, сунгра нафас чиқарилади.

Тўрт деганда, гавда ва қўллар асл ҳолатига келтирилган ҳолда нафас олинади.

4- машқ. Оёқлар елка кенглигида очилиб, қўллар белга қўйилади. Сўнгра бурун орқали чуқур нафас олинади.

Бир деганда, гавда ўнг томонга эгилади, шу ҳолатда ўнг қўл белдан аста сирғалиб товонгача тушади, чап қўл эса гавдадан тепага қараб кўтарилади, айни вақтда нафас чиқарилади.

Икки деганда, олдинги ҳолатга қайтиб, чуқур нафас олинади.

Уч деганда гавда чап томонга эгилади, бу ҳолда чап қўл аста пасга — оёқгача тушади. Ўнг қўл эса, гавдадан тепага қараб кўтарилади, айни вақтда нафас чиқарилади.

Тўрт деганда, гавда ва қўллар асл ҳолатига қайтади ва чуқур нафас олинади.

Эслатма. Бу машқларни „Ифодали ўқиш“ дарсларида амалий машғулот ўтказишдан олдин бажариш мақсадга мувофиқдир.

Овоз ва унинг ҳосил бўлиш манбалари

Тўғри нафас олиш ҳаёт учун нақадар зарур бўлса, овоз ҳам кишиларнинг бир-бирлари билан бўладиган муомал сида катта аҳамиятга эгадир. Хўш, овоз қандай ҳосил бўлади?

Овоз олий асаб тизими сигналларининг маҳсулидир. Олий асаб тизими бирор нарсага тикилиш учун кўзларга, бирор нарсага олиш учун қўлларга, олдинга қалам ташлаш учун оёқларга буйруқ (сигнал) бергани каби овоз чиқариш, нутқ товушлари ёки сўзларни талаффуз этиш, овозни жаранглатиш ёки хириллатиш, паст ё баланд гапириш учун ҳам муайян аъзоларга сигнал беради. Бу аъзолар эса, олий асаб тизимининг буйруқларини бажаради. Ана шундай буйруқларни бажаришда, овознинг муҳим аъзолари бўлган ҳалқасимон, пирамидасимон ва қалқонсимон тоғайлар ҳамда овоз пайчалари асосий роль ўйнайди.

Ҳиқилдоқнинг ички девори овоз ёруғини ҳосил қилади. Уларнинг чети эса овоз бойламларини ташкил этади. Горизонтал ҳолатда ётган овоз бойламлари асосан эластик тўқималардан (пайлардан) тuzилган. Улар олдинги томонда қалқонсимон тоғай билан бирлашиб туради, орқада эса бир-бирларидан узоқлашади. Ана шу узоқлашган пайтда улар ўртасида бурчак ҳосил бўлади, бунини *овоз ёруғи* дейилади. Овоз ёруғи учбурчак шаклидадир.

Тоғайларни бир-бирига яқинлаштириб ва узоқлаштириб ҳаракатга келтириб турувчи куч қалқонсимон ва ҳалқасимон бир жуфт мускулдир. Бойламлар тортилиши, қисқариши ёки тебраниши мумкин. Улар тинч турганда эса деярли ҳаракатсиз бўлади, улар орасидаги товуш ёруғи кичик бўлиб нафас олинаётганда овозсиз ўтиб туради.

Дастлабки пайдо бўлган товуш заиф ва деярли тембрсиз бўлади. Овоз тембр ва кучга эга бўлиши учун қўшимча шароитлар талаб қилинади. Бунда ҳалқум, бурун-ҳалқум ва оғиз бўшлиғи резонаторлик, яъни қайтарғичлик вазифасини бажаради. Улар товушга маълум тус ва куч беради. Бундай тусланишнинг сири овознинг физик ҳассаси, яъни унинг қаттиқ жисмларга дуч келгач урилиб, қайтиб, ранго-ранг резонанс касб этиш табиати билан боғлиқ. Қаерда қайтарғичлар кўп бўлса, ўша ерда овоз кучли, жарангдор ва кўркам бўлади. Демак, овоз машқларида -нг аввал ана шу қонуниятни назарда тутиш керак.

Тембр ҳосил қилишда ҳиқилдоқдан чиқаётган товушнинг йўналиш даражаси катта аҳамиятга эга. Агар товуш фақат бурундан чиқса хунук, ёқимсиз, пўнғиллаган тембр ҳосил бўлади. Товуш фақат қаттиқ танглайдан чиқса, рангсиз „оқ товуш“, яъни шанги товуш ҳосил бўлади. Товуш юмшоқ танглайдан чиқиб, қатти танглайга тегиб ўтса, жарангдор, ёқимли товуш ҳосил бўлади.

Товушнинг сўнги хоссаси эса унинг баландлигига, овоз бойламларининг кенгайиши ва тортилиш даражасига ҳамда уларнинг тебраниш ҳолати (тезлиги ёки секинлиги) га боғлиқ. Бойламлар қанча кўп таранг қилиб тортилса, овоз шунча баланд, жарангдор: у қанча бўш бўлса, овоз шунча паст ва дўриллаган бўлади.

Демак, товушнинг асосий хоссалари, унинг кучи, тембри ва баланд-пастлиги овоз бойламларининг ўзигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, энг аввал олий асаб тизими сигналларига, қолаверса, товуш аппарати тааллуқлидир. Товуш аппарати эса, таъкидланганидек, олий асаб фаолиятининг умумий қонуниятига асосан ҳаракат қилади. Болаларнинг товуш аппарати катталарга нисбатан анча нозикдир. Айниқса, боғчада, мактабда тарбиячи ва ўқитувчилар болаларнинг бўлар-бўлмасга бақаришларига ҳамда бирорта бадий асардан олинган парчани кучлари борица бақариб-чақариб ўқишларига йўл қўймасликлари керак.

Агар бирор бадий парча нотўғри диапазон ва баландликда бақариб, кучаниб ўқилса, у ҳолда овоз мускуларининг ўзига хос бўлмаган ҳолатда ишлашга сабаб бўлади.

Овозни нормал ҳолга келтириш бир-икки машқ қилиш билан эмас, балки овоз машқларини мунтазам ўтказиш билан амаллаширилади. Шунинг учун ҳам овоз машқларига узоқ муддатли ва тизимли иш жараёни деб қараш керак.

Овоз машқлари ҳам бутун бир мураккаб тизимни ташкил этади. Уларни тўлиқ билиб олиш учун овозни йўлга қўйиш (овоз постановкаси) деб аталувчи махсус предмет билан боғлиқ адабиётларга мурожаат этиш мумкин. Қўйида шунга алоқадор айрим машқлар тавсия этилади.

1- машқ. Қўйилаги унлиларни алоҳида-алоҳида жарангдор тарзда талаффуз қилинг:

и, э, а, о, ў, у

2- машқ. Берилган унлиларнинг ўрнини алмаштириб, талаффуз қилинг. Бунда унли товушларнинг бир-биридан талаффуздаги фарқи ва жарангдорлигига эътибор беринг.

и — э, и — а, и — о, и — ў, и — у

и — э, и — а, и — о, и — ў, и — у о — н, о — э, о — а, о — ў, о — у

э — и, э — а, э — о, э — ў, э — у у — и, у — э, у — а, у — о, у — ў

а — и, а — э, а — о, а — ў, а — у ў — и, ў — э, ў — а, ў — о, ў — у

3- машқ. Бу машқда унлилар аралаштириб берилган. Уларни тўғри талаффуз қилинг.

а, э, и, о, у, ў о, у, ў, а, э, и

э, и, о, у, ў, а у, ў, а, э, и, о

и, о, у, ў, а, э ў, а, э, и, о, у

4- машқ. Бу машқда унлилар қатор оғиз очилиши, кенгайиши ва тораёиши (артикуляция) изчиллиги асосида берилган. Урғуси қўйилган ҳар бир унлини алоҳида бұрттириб талаффуз қилинг. Уларнинг силлиқ, жарангли ва қимли талаффуз этилишига эътибор беринг ва шу машқни турли темпда ба-
жариб кўринг.

и, э, а, о, ў, у, и и, э, а, о, ў, у, и
и, э, а, о, ў, у, и и, э, а, о, ў, у, и
и, э, а, о, ў, у, и и, э, а, о, ў, у, и
и, э, а, о, ў, у, и

Овоз ва нафасни бирлаштирувчи машқлар

Овоз ва нафасни тўғри йўлга қўйиш мақсадида м, н, нг, л, р сонор товушларга унлиларни қўшиб талаффуз этиш машқлари ҳам яхши натижа беради.

1- машқ. Берилган ҳарф бирикмаларини диққат билан ўқинг. Уларнинг талаффузига аҳамият беринг ва ҳар бир қаторни бир нафасда айтинг.

ми, мэ, ма, мо, мў, му, ми ли, лэ, ла, ло, лў, лу, ли
ни, нэ, на, но, нў, ну, ни, ри, рэ, ра, ро, рў, ру, ри

2- машқ. Қатор сонор товушлар ўртасидаги унли товушларни урғу бериб талаффуз этинг.

мммимм, мммэмм, мммамм, мммомм, мммўмм,
мммумм, мммимм; нннимм, нннэмм, нннамм,
ннномм, нннўмм, нннумм, нннимм, лллимм,
лллэмм, ллламм, ллломм, лллўмм, лллумм,
лллимм; ррримм, рррэмм, рррамм, ррромм,
рррўмм, рррумм, ррримм.

3- машқ. Тез айтиш машқлари ҳам маълум товушларни тўғри талаффуз этиш кўникмасини ҳосил қилади. Қуйидаги машқда берилган мисолларни олдин якка, сўнгра биргаликда ўқинг. Сўзларни тўғри талаффуз қилишга эътибор беринг.

Бир туп тут, тўрт туп турп

Тубсиз денгиз дедингизми?	Ҳасан Ҳусанга китоб берди,
Денгиз тенгсиз дедингизми?	Ҳусан Ҳасанга раҳмат деди.
Оқ чойнакка кўк қопқоқ,	Жаъфар Зафардан зарбдор,
Кўк чойнакка оқ қопқоқ.	Сафар Зарифдек донгдор.

Тилим-тилим тилла қовуннинг
Тўрт тилими тилимни тилди.

Эшик олдида булоқ, булоқдан сув ичар улоқ, узун қулоқ.
Тўп-тўп кўк копток, ҳар тўй кўк коптокда битта дан катта кўк копток.

Самарқанддаги уста Мусо пистапурушнинг 33 қоп пуч пиетаси бор экан шу 33 қоп пуч пиетаси бўлса ҳам ўша уста Мусо пуч пистапуруш экан, бұл маса ҳам ўша уста Мусо пуч пистапуруш экан.

Дурдонанинг маржони бир дона, у минг дона данақ мағзидан тузилган.

Юқоридагилардан ташқари, нутқнинг жозибали, яниқ ва ра-
вон бўлишида айрим товушларнинг талаффузи, нутқ темпи ҳам катта роль ўйнайди.

Дикция. Дикция латинча *distio* сўздан олинган бўлиб, сўзларни аниқ, бурро талаффуз қилиш деган маънони англатади. Бадий асарни ифодали ўқишда нафас ва овоз каби дикциянинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бадий асар ўқишда, мазмунини қайта ҳикоя қилишда ва умуман, оғзаки нутқда дикциянинг қонун-қоидаларига риоя қилинса, нутқнинг эмоционал таъсири яна ҳам ошади.

Дикция орфоэпия билан ҳам боғлиқдир. Орфоэпия қоидалари эса, нутқнинг табиий, аниқ, равон ҳаммага тушунарли бўлишини талаб қилади. Мактабларда, педагогика институтларининг филология факультетларида бу масалага катта эътибор бериш зарур, албатта.

Мактабларда ўқувчиларни ифодали ўқишга ўргатишдан олдин ҳар бир дарсда унли ва ундош товушларнинг, ҳар бир сўзнинг, ҳар бир жумланинг луғавий-фразеологик маъносини тушунтириб, сўнгра шу сўзнинг талаффузини ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Фонетик акустика. Бирор жисмнинг бошқа бир жисм таъсирида тебраниши ва бу тебранишнинг қулоққа эшитилиши товушнинг акустик (эшитилиш) томонидир. Жисмнинг тебраниши ҳавони тўлқинлантиради, натижада товуш ҳосил бўлади. Нутқ товушлари олий асаб тизими сигнали туфайли товуш пайчаларининг тебранишидан нутқ аъзоларида ҳосил бўладиган шовқиндан иборатдир.

Акустик жиҳатдан товушнинг баландлиги, кучи, тембри ва чўзиқлиги фарқланади. Товушнинг баландлиги тебранишнинг миқдорига боғлиқ: тебраниш қанча кўп бўлса, товуш ҳам шунчалик баланд бўлади ва, аксинча, тебраниш оз бўлса, товуш ҳам паст бўлади. Тебрангич қанча кичик бўлса, у шунча тез тебранади, бинобарин, товуш ингичка чиқади.

Нутқ товушларининг кучи тебранишнинг шиддатига боғлиқдир. Товушнинг кучи ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг нутқ органларига қандай зарб билан урилишига қараб ҳар хил бўлади.

Нутқ товушининг тембри (сифати) асосий тон билан ёрдамчи тонларнинг (обертон, резонатор тонлари) ва шовқиннинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Товушларнинг тембри резонаторлик вазифасини бажарувчи оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғининг ҳажми ҳамда шаклига, шунингдек, оғиз бўшлиғи ва бўғизда ҳосил бўладиган шовқинларга боғлиқ. Шунга кўра, бир кишининг овози бошқа кишининг овозидан фарқ қилади. Чунки ҳар кимнинг оғиз ва бурун бўшлиғининг тузилиши ўзига хос бўлади. Бундан ташқари, товуш пайчаларининг узунлиги ҳам турлича ва оғиз бўшлиғида, баъзан бўғизда ҳосил бўладиган шовқин ҳам ҳар хилдир.

Товушнинг чўзиқлик даражаси тебраниш давом этган вақт билан ўлчанади.

Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида иштирок этувчи аъзолар нутқ аъзолари, уларнинг жами эса нутқ мажмуи дейилади.

Нутқ мажмуига қуйидагилар киради: остки ва устки лаб, тишлар, тил, танглай, кичик тил, бўғиз усти, бурун бўшлиғи, ҳал-

қум (томоқ), бұғиз (ҳиқилдоқ), трахея (кекирдак, нафас йули) бронх ва бошқалар.

Нутқ мажмуаси уч қисмга ажралади. Биринчиси бұғиздан пастки қисм бўлиб, унга икки ўпка, икки бронх ва трахея киради. Улар ўздан товуш чиқара олмайди, балки юқоридаги нутқ мажмуига ҳавони йўналтирувчи восита сифатида хизмат қилади, ҳаво ўпкадан бронхлар орқали ўтиб, томоқдаги нафас йулидан нутқ товушларини ҳосил қиладиган вазиятда ташқарига чиқиб кетади. Ўпкадан чиққан нафасни товуш ҳосил қилиш ҳолатига келтиришда кукрак қафасини қорин бўшлиғидан ажратиб турадиган парда (диафрагма) мускулларининг хизмати катта. Аммо нутқ товушлари нутқ мажмуининг қуйи қисмида юзага келмайди. Бу бошқич товуш чиқариш учун бир восита вазифасини бажаради.

Иккинчиси бұғиз бўшлиғи бўлиб, унга, асосан, ҳалқасимон тоғай, икки пирамидасимон тоғай ва қалқонсимон тоғайлар жойлашган. Ҳалқасимон ва қалқонсимон тоғайлар товуш пайчаларининг ҳаракатларини бошқариб туради. Товуш пайчалари оралиғининг торайиши ва олий асаб тизимининг сигнали орқали товуш пайчалари титраши, тебраниши натижасида товуш юзага келади. Товуш пайчаларининг юқориги қисми ёпиқ, пастки чўмичсимон тоғайларга боғланган қуйи қисми озгина очиқ турган бир ҳолатда пайдо бўлган товуш шивирлашиб сўзлашаётган пайтдаги товуш сингари туюлади. Аммо, бу тоғайлар оралиғи беркилиб, товуш пайчаларининг юқориги қисми бирмунча очиқ бўлса, пайчалар титраши билан товуш пайдо бўлади. Умуман, нутқ аппаратининг ўрта қисмида жойлашган товуш пайчалари номи билан юритиладиган эластик мускуллар ва мускулларни ҳаракатга келтирувчи тоғайлар нутқ товушларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Нутқ аппаратининг учинчи қисмига бұғиз ва томоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари, тил ва танглай, лаб ва тиш, ҳиқилдоқ кабилар киради.

Булар турли товушларни вужудга келтириш билан бирга, шовқин, товуш ва овозни кучайтириш, қўшимча ранглар ҳосил қилиш каби хусусиятларга эга. Таъкидланганидек, томоқ, шунингдек, оғиз ва бурун бўшлиқлари товушни кучайтириб берувчи резонаторлик вазифасини бажаради.

Оғиз бўшлиғи юқори томондан қаттиқ ва юмшоқ танглай, пастдан оғиз диафрагмаси (жағ билан тил ости ўртасида жойлашган мускул) ён томондан лунжлар билан чегараланиб туради. Оғиз бўшлиғининг пастки тил ва унинг негизи, туби, тилнинг орқа, ўрта ва олд қисмлари, пастки қатор тишлари, сўнгра остки лаб жойлашган. Оғиз бўшлиғининг юқорисида кичик тил, юмшоқ танглай, танглай ва унинг олд қисми, юқори қатор тишлар ва устки лаб жойлашган. Агар юмшоқ танглай юқори тортилиб, кичик тил орқага сурилса ҳамда томоққа тақалса, бурун бўшлиғига ўтадиган ҳаво йўли тўсилади ва нафаснинг оғиз бўшлиғидан ўтиши натижасида оғиз товушлари пайдо бўлади. Юм-

шоқ танглай пастга туширилиб, кичик тил олдинга сурилса, оғиз бушлиғидан утадиган ҳаво йўли тўсилади, нафас бурун бўшлиғидан ўтади ва бурун товушлари ҳосил бўлади.

Бурун бўшлиғи бурун тешиклари орқали ҳаво кирадиган кеңг бўшлиқдир. Унинг пастки, юқориги ва икки ён девори бор. Бурун бўшлиғининг суяк деворини бурун тўсиғининг, ён деворининг ва бурун қанотларининг тоғайлари тўлдириб туради. Бурун бўшлиғи нутқ товушларини ҳосил қилишда ҳажм ва шакл жиҳатидан ўзгармайди. Аммо оғиз бўшлиғи кичик тил, юмшоқ танглай, тил, лаб сингари фаол, ҳаракатчан органларнинг узлуксиз таъсири натижасида ўзининг шакл ва ҳажмини ўзгартириб туради.

Жағнинг пастга тушиб ва кўтарилиб туриши натижасида паст лаб тез ҳаракатга келади ҳамда устки лабга тегиб п, б, м каби ундош товушларни пайдо қилади.

Тил нутқ аъзолари ичида энг серҳаракатларидан бири ҳисобланади. Тилнинг устки қисми нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўрнига кўра учга бўлинади: тил орқа, тил ўрта ва тил олди. Товуш ҳосил қилиш пайтида тилнинг ҳар бир қисми турлича меъёрда бўлади. Масалан, тил учининг юқори қатор тишларга тақалиши билан юмшоқ т, д, н, л, ц ундошлари ҳосил бўлади. Тилнинг олдинги қисми юқорига, қаттиқ танглай томон кўтарилиши ва ҳаво йўлининг торайиши натижасида эса ш, ж ундошлари вужудга келади. Тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглай уртаси томон кўтарилганда й, тилнинг саёз орқа томони қаттиқ танглайнинг орқароқ қисмига тўқнашганда к, г тилнинг чуқур орқа томони юмшоқ танглай билан тўқнашганда қ ва ўша жойдан ҳаво сиқилиб ўтганда х, тилнинг титраши натижасида ғ, бўғиздан сиқилиб ўтган нафас тилдан сирғалиб чиққанда ҳ товушлари пайдо бўлади.

УНЛИ ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИ

Ҳозирги ўзбек адабий тилида унли фонемалар, асосан олти-та: и, э, (е), а, о, у, ў. Ёзувда эса бу унлилар ўнта ҳарф билан кўрсатилади: и, э, е, а, я, о, ё, ў, у, ю.

Унли фонемаларни бир-бирларидан фарқлашда қуйидаги уч ҳолат ҳисобга олинади:

а) тилнинг юқорига, яъни қаттиқ танглай томонга кўтарилиши;

б) тилнинг олдинга ва орқа томонга қараб ҳаракат қилиши;

в) лабларнинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги.

Тилнинг танглайга томон кўтарилиши даражасига кўра, яъни тилнинг вертикал ҳаракатига қараб унли товушлар учга бўлинади:

1. Тил юқорига кўтарилиши натижасида ўпкадан чиққан ҳавонинг ўтиб кетиш йўли торайганда ҳосил бўлган унлилар юқори кўтарилиш унлилари ёки тор унлилар дейилади. Масалан, *и, у: киприк, кичик, киши, иқбол, иқлим, изчил; бурун, буткул, вужуд, кумуш, тун, уста.*

2. Тилнинг кўтарилиш даражаси ўрта вазиятда бўлган вақтда ийдо бўлган унлилар ўрта кенг унлилар дейилади. Масалан, (е) ў: *эга, эгар, эгат, эгиз, эшик, экран, эллик, элчи, эркин; бел, беш, кек, кенг, зев, сеп, тенг, безак, сезги, тезлик; ўч, узбек, уртоқ, уктам, улка, урик, урим.*

3. Тилнинг пастки жағ билан бирга энг қуйи ҳолатга тушишидан юзага келган унлилар қуйи кенг унлилар дейилади. Масалан, а, о: *агар, адиб, арра, асал, пат, бахт, вақт, пахта; алоқа, анжом, анор, асос, бода, бобо, бола, воҳа, дазмол, доно.*

Унли товушлар талаффузи и унлиси асосан тил олди (олд қатор), тор ва лабланмаган товуш бўлиб, турли фонетик мавқеда турлича талаффуз этилади. Буни қуйида алоҳида-алоҳида кўриб ўтамыз.

1. и унлиси чуқур тил орқа қ, ғ, х ундошлари билан ёнма-ён келганда қаттиқ, яъни рус тилидаги ы товушига ўхшаш айтилади. Масалан: *қилиқ, қизил, қиз, фишт, тарғил, хирмон, тахир, хислат.*

Мисоллар:

Қизгина, белинг толма,
Юзларинг қизил олма,
Элга ёқайин десанг,
Ҳалол меҳнатдан қолма.

(Халқ қўшиғи.)

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

(Халқ мақоли.)

2. и унлиси саёз тил орқа к, г товушлари ҳамда бўғиз ҳ товуши билан ёнма-ён келганда эса юқоридагига нисбатан юмшоқроқ айтилади: *ким, икки, киприк, гина, гилам, ҳиммат, ҳисса, ҳикоя.*

Мисоллар:

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.

(Алишер Навоий.)

Манга зулм айлаб ул қотил аён оҳишта-оҳишта,
Чекиб тиғини айлар қасди жон оҳишта-оҳишта.
Жафоси зўридин икки кўзимдин оқти дарёлар,
Ки қолғай остида онинг жаҳон оҳишта-оҳишта.

(Оғаҳий.)

3. и унлиси урғули бўғинларда (айниқса русча-интернационал сўзларда) ҳамда й ундошидан олдин келганда чўзиқ айтилади: *физика, химия, тир, диск, гимн, икс, фильм, гуманизм, лирика, тийрак.*

Адабий тахаллусларда ҳамда айрим сифатларда ий аффикслари кўпроқ ишлатилади ва бундай ҳолда ҳам и фонемаси чўзиқ ҳамда юмшоқ талаффуз қилинади. Масалан, *Навоий, Фир-*

давсий, Низомий, адабий, ижтимоий, илмий, маданий, оммавий, сиёсий, тарбиявий.

4. э унлиси — лабланмаган, ўрта кенг товуш бўлиб, тилнинг горизонтал ҳаракатига қўра, олд қатор унлидир. Ўзбек тилида э (е) унлиси доимо юмшоқ талаффуз этилади. Талаффуз вақтида тил учи пастга қайрилиб, тил олди бир оз орқага тортилади ва танглайнинг ўртароқ қисмига томон кўтарилади: *эртақ, эгаэтик, элак*.

э унлиси оғзаки нутқда баъзан а унлисига яқин талаффуз этилади ва бундай ҳодиса халқ оғзаки ижодига хосдир. Масалан, *бораканда йўқакан, очаканда тўқакан, бўри баковулакан тулки ясовулакан*.

Русча интернационал сўзларнинг урғу тушмаган бўғинларида эса е унлиси кўпинча и га яқинроқ талаффуз қилинади. Масалан:

ёзувда	оғзаки нутқда
конференция	конфиренция
театр	тиатр
телефон	тилифон
теорема	тиарема
декрет	дикрет

Аммо, ҳозирги ўзбек тилида қўлланадиган интернационал сўзларнинг барча урғусиз бўғинларида е ҳамма вақт ҳам бу қоидага бўйсунмавермайди. Масалан, *лексика, лектор, медаль, металл, метр, метод* каби сўзлар рус тилида қандай талаффуз этилишидан қатъи назар, ўзбек тилида қандай ёзилган бўлса, шундай талаффуз қилиниши керак, акс ҳолда нутқ сунъийлашади. Масалан:

ёзилиши	рус тилидаги талаффузи	ўзбек тилидаги талаффузи
лекторий	ликторий	лекторий
медадь	мидадь	медадь
меньшевик	миньшевик	меньшевик
металл	миталл	металл
метрик	митрик	метрик
метод	митод	метод

а унлиси тил олди (олд қатор), кенг, лабланмаган товушдир. Бу унли нутқда бир неча талаффуз шакллариغا эга.

1. к, г сингари саёз тил орқа ундошлари ҳамда бўғиз ҳ товуши ва юмшоқ ч, й, нг товушлари билан ёнма-ён келганда а унлиси юмшоқ (олд қаторда) талаффуз қилинади: *кам, катта, гал, гар, ҳам, ҳатто, жанг, чанг, яшил*.

Мисоллар:

Ингламай найлай бу кун девонадурмен, айрилиб,
Сабру хушу ақидин беғонадурмен, айрилиб.

(Мискин.)

Йуқ . . . болғалар, пўлат сафи
Ила бораман!
Ёнғин, кураш, жанглар сари
Кўкрак очаман!

(Ойбек.)

2. Чуқур тил орқа ғ, қ, х товушлари билан ёнма-ён келган а унлиси ҳамма вақт қаттиқ талаффуз қилинади: *қани, қалам, сато, хабар, ғам, ғаш*.

Мисоллар:

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фидо, ороми жоне топмадим.
Ғам била жонимга еттим ғамғусоре курмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситони топмадим.

(Алишер Навоий.)

Билмадим бу кеча ул ороми жоним қайдадур,
Сочи сунбул, юзи гул сарви равоним қайдадур.

(Чоқар.)

3. а унлиси ёзувда айириш белгисидан олдин келса, чўзиқ талаффуз этилади: *аъло, раъно, маъно, таъзир, таъзим, даъво*.

Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

(Ф. Фулом.)

4. а унлиси ёзувда айириш белгисидан сўнг келса, алоҳида иш билан талаффуз этилади: *бидъат, суръат, анъана, билъакс*.
Мисоллар:

Қадим тарих, кўҳна афсона
Қалъадаги туфроқ-вайрона —
У даврнинг варақларилар.

(М. Шайхзода.)

Муҳаббат йўлида қийналишнинг ҳам ўз олдига нашъаси бор. Нима делин-ди, Холмат охун?..

(Ҳамза.)

Оғзаки нутқда а унлиси баъзан и ёки е унлисига яқинроқ талаффуз этилади. Масалан:

ёзувда	оғзаки нутқда
муҳокама	муҳокима
мулоҳаза	мулоҳиза
мунозара	мунозира
муомала	муомила
муносабат	муносибат

о қуйи кенг, тил орқа, кучсиз лабланган унли бўлиб, бошқа унлилар каби к, г, ҳ, й, ч, ж ундошлари билан ёнма-ён келганда бир оз юмшоқ (*кон, гононар, ҳол, бугдой, чой, жой*); қ, ғ, х ундошлари билан ёнма-ён келганда эса қаттиқ талаффуз қилинади (*қон, ғор, хол*).

О унлиси саёз ёки чуқур тил орқа ундошларидан бошқа товушлар билан ёнма-ён келганда қаттиқ о билан юмшоқ о оралигида талаффуз этилади: *олма, рубоб, девор, нарвон.*

Мисоллар:

Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам,
Қари чолга қиз бериб,
Жабрини тортган отам.

(Ўзбек халқ қўшиғидан.)

Дилорому, Дилорою, Дилосо,
Гуландому, Суманбую, Сумансо,
Паричеҳра, Паризоду, Париваш,
Парипайкар — зиҳи ўн исми дилкаш.

(Алишер Навоий.)

Ў унлиси ўрта кенг, тил орқа, лаблаңган товушдир. Бу унли саёз тил орқа к, г ундошлари, ҳ бўғиз товуши ҳамда ч, к, й ундошлари билан ёнма-ён келганда юмшоқ талаффуз этилади: *кук, кўрмоқ, гул, ҳўл, ҳўкиз, чул, жур, йўл.*

Мисоллар:

Кўк юзини булут, чол кўзини ғазаб,
Аста босиб кела бошлади.

(Уйғун.)

— Ҳа, сигир йўқолдими?

— Йўқ ... Сигир эмас ... Ҳўкиз ... Ола ҳўкиз эди ...

— Ҳўкизми? ... Ҳўкиз ... экан-да. Ҳимм. Ола ҳўкиз. Тавба.

(Абдулла Қаҳҳор.)

Ў унлиси қ, ғ, х каби чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда қаттиқ талаффуз этилади: *қўл, ўқ, ғўр, ғўла, хуроз.*

Мисоллар:

Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол:
Қўлингга қурол ол!

(Ҳамид Олимжон.)

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.

(Ҳамид Олимжон.)

Булардан ташқари, қолган барча ўринларда ў унлиси юмшоқ ў билан қаттиқ ў оралигида талаффуз этилади:

юмшоқ	қаттиқ	ўрта ҳолат (юмшоқ ва қаттиқ ў ўртасида)
қўр	қўр	гур
гушт	хўш	шур

Машк. у унлисига урғу бериб талаффуз қилинг.

ў — и, ў — э, ў — а, ў — о, ў — у, ў — и

у унлиси тил орқа, тор ва лабланган товушдир. у унлиси талаффуз қилинганда, тил горизонтал ҳолда бўлади, танглайга қараб анча кўтарилади, лаблар чўччаяди ва доира шаклига келади. у унлиси бир неча хил талаффуз этилади:

1. у унлиси к, г каби саёз тил орқа ундошлари, ҳ бўғиз товуши ва й, ч, ж каби ундошлардан кейин келганда юмшоқ талаффуз этилади: кул, кун, гул, гунг, беҳуш, ҳужра, жуда, чумчуқ, чувалчанг.

Мисоллар:

Гул чоғи гулга бир булбул тараннум кўргузуб,
Тоza қонлиғ доғ ила кўнглум қуши аффон тузуб.

(Алишер Навоий.)

Бир ўлкаки, ҳуснга бойдир,
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир.

(Ҳамид Олимжон.)

2. у унлиси қ, ғ, х каби чуқур тил орқа ундошларидан сўнг келганда қаттиқ талаффуз этилади: қул, ғурбат, тухум.

Мисоллар:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

(Алишер Навоий.)

Давримизга, ҳуш вақтингизга
Қараб-қараб келар ҳавасим,
Завққа тўлиб жўшар нафасим,
Дейман, кошки туғилиб шу чор,
Ғунча бўлсам қувноқ,
 хушчақчақ ...

(М. Шайхзода.)

3. у унлисига урғу тушса, шунингдек, у унлиси айириш белгисидан олдин келса, чўзиқ талаффуз қилинади: сув, мажмун, мажнун, мафкура, мафтун, маъмур, тикув, ўқув, қувват, тур, тундра

Мисоллар:

Биламан!
Биз билан ўчакишган ким,
Ким у, зулматсевар,
У кўршапалак?
У — фашист,
У — жаллод,
У — разил, туркум,
Ҳалокат олдида бўлмиш жонсарак.

(Раъз Бобожон.)

Муқаддас, муътабар улуғ Ватаним,
Шарафлар, шонларга тўлиқ Ватаним,
Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан.

(Ўйғун.)

Машқ. у унлиси бошқа унлилар билан ёнма-ён талаффуз қилинганда қандай ўзгариш содир бўлишига эътибор беринг.

у — и, у — э, у — а, у — о, у — ў, у — и

УНДОШ ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИ

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундош фонемалар 25 та бўлиб, булар ёзувда қуйидагича шакллар билан ифодаланади: б, в, г, д, ж, (қоришиқ), ж, з, й, к, л, м, н (нг), п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.

Булар шовқин ва овознинг иштирокига кўра икки катта гуруҳга ажратилади: шовқинлилар, сонорлар.

I. Шовқинлилар пайдо бўлиш ўрнига кўра тил олди ва тилнинг саёз ёки чуқур орқа қисмида ҳосил бўлади.

Шовқинлилар учга бўлинади:

1. Портловчилар: п — б, т — д, к — г, қ.

2. Сирғалувчилар: ф — в, с — з, ш — ж, й, х, ғ, ҳ.

3. Аффрикатлар: ч, ц қоришиқ ж.

II. Ўпкадан чиққан ҳавонинг оғиз бўшлиғида маълум жойда қаршиликка учраши ва шу жойнинг ўзида тўқнашган икки нут органини ёриб ўтиши сонор товушининг артикуляцион базасинк белгилаб беради.

Сонорларда овоз кучли бўлади, шу сабабли улар жарангли товушлар жумласига киради. Айрим сонорлар оғиз бўшлиғида қаршиликка дуч келиб портлаш йўли билан ҳосил бўлади. Масалан, м, н, (нг). Аммо л ён товуши ва р титроқ товушларида бундай хусусият йўқ.

Умуман, бадий асарларни ифодали ўқишда, оғзаки нутқ маданиятини эгаллашда ундош фонемаларни тўғри талаффуз қилиш катта аҳамиятга эга.

Қўлланмада ундош фонемалар талаффузи асосан ифодали ўқишда қўлланиши лозим бўлган қонун-қоидалар асосида ёритилди. Шунинг учун маълум туркумга оид бўлган ундошларнинг талаффузида содир бўладиган умумий қонуниятлар: жарангсизланиш, жаранглилашиш, товуш орттирилиши, товуш туширилиши, ассимиляция, диссимиляция каби ҳодисалардан матнни ифодали ўқишда қай даражада фойдаланиш кераклиги ҳақида фикр юритилди.

Портловчи ундошлар

Портловчи п — б ундошлари остки ва усткни лабнинг тўқнашуви, қаттиқ бекилиб-очилиши натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун бу

ундошлар *лаб-лаб* ёки *лабиал ундошлар* деб аталади.

п — жарангсиз, лаб-лаб, портловчи ундош бўлиб, у сўзда қандай ҳолатда келишидан қатъи назар, доимо бир хилда — ўзгаришсиз талаффуз қилинади: *пок, топ, кўп, опа, попуқ, сула.*

Мисоллар:

Махтумқули ақлим бошимдан учди,
Иқболим тубандир, давлатим кўчди,
Пир-қозилар пора сўраб, кўл очди,
Ҳаром қилғил, аммо берма пулингил!

(Махтумқули.)

Йўл қувлаган хазинага йўлиқар,
Гап қувлаган — ҳар балога йўлиқар,

(Абай.)

б — жарангли, лаб-лаб, портловчи ундоши сўзда қандай товушлар билан ёнма-ён келишига қараб турли вариантларда айтилади. Масалан, сўз охирида ёки ўртасида жарангсизлар билан ёнма-ён келганда жарангсизлашиб, п тарзида талаффуз қилинади.

ёзувда

оғзаки нутқда

китоб

китоп

гулоб

гулоп

шароб

шароп

забт

запт

билиб

билип

сабабчи

сабапчи

шабқўр

шапқўр

абсолют

апсолют

абхаз

апхас

б товуши оғзаки нутқда *бунча*, *бундай*, *уни-буни* сўзларида м каби нотўғри талаффуз этилади: бунча — мунча, бундай — мундай, уни — буни, уни — муни.

Портловчи **б** ундоши сўз ўртасида икки унли орасида келганда кўпинча сирғалувчи **в** шаклида талаффуз қилинади: баробар — баравар, бебош — бевош, беданабоз — беданавоз, дорбоз — дорвоз, кабоб — кавоп, қўйиб юбор — қўйвор, айтиб юбор — айтор.

Машқ, п — б ундошларини тўғри талаффуз қилишга эътибор беринг. Машқни бир неча бор такрорланг.

пи, пэ, па, по, пў, пу, пи

би, бэ, ба, бо, бў, бу, би

пибби, пэббэ, пабба

поббо, пўббу, пуббу, пибби

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг ҳар бир қаторидаги товушлар иштирок этган сўزلарни топинг.

На м у н а: *пи — пиёла, пичоқ, пишт, пилла, пиёз,*
би — бино, биноан, бинойи, бинокор, бинт, биолог.

т — жарангсиз, портловчи ундош бўлиб, тилнинг олдинги қисмининг юқори қатор тишларга тўқнашувидан ҳосил бўлади.

т ундоши сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *табиат, тез, тикан, ота, забардаст, фотоаппарат, синдикат, сунт, хат* ва ҳоказо.

Давлатга этиб меҳнат элни унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.

Борғонни кел энди ёд қилмай, эй дўст
Бориш-келишини лутф этиб ўқсутма.

(Бобур.)

т ундоши ч товуши билан ёнма-ён келганда баъзан унга сингишиб ч каби талаффуз қилинади: *сутчи—суччи, тутчи — туччи, соатча — соачча, саватча — савачча.*

Сўз охирида ундош товушлардан кейин келган т ундоши оғзаки нутқда тушириб қолдирилади, натижада нотўғри талаффуз этилади, бу ифодали ўқишнинг қонун-қоидаларига тамомила зиддир. Масалан:

ёзувда	оғзаки нутқда
дўст	дўс
паст	пас
ғишт	ғиш
кишт	киш
мушт	муш
тўрт	тўр
дарахт	дарах

д — портловчи жарангли ундош бўлиб, тилнинг олдинги қисмининг юқори қатор тишларга тўқнашувидан ҳосил бўлади.

Бу ундош сўз бошида, унли ҳамда жарангли ундош товушларидан олдин ёки икки унли орасида аниқ талаффуз қилинади: *дам, дарё, дил, дев, дон, дур, дабдаба, вафодор, жадал, адл, адрас.*

Мисоллар:

Дардинг бўлса бўлсин,
Қарзинг бўлмасин.

(Мақол.)

Бор-борини ейди
Уятсиз — орини ейди.

(Мақол.)

д товуши сўз охирида унлидан кейин келса, жарангсизлашиб, т товуши тарвида талаффуз қилинади. Масалан:

ёзувда	оғзаки нутқда
обод	обот
озод	озот
савод	савот
даромад	даромат
мадад	мадат
автозавод	автозавот
бод	бот
беҳад	беҳат
йод	йот

д товуши сўз охирида ундошдан кейин келса, оғзаки нутқда гушиб қолади. Масалан:

ёзувда	оғзаки нутқда
хурсанд	хурсан
писанд	писан

монанд	монан
баланд	балан
Самарқанд	Самарқан

Агар т ундоши билан тугаган сўзларга жарангли ундош билан бошланган аффикслар қўшилса, аффикс бошидаги жарангли ундош т товушининг таъсирида жарангсизлашиб, қуйидагича талаффуз этилади: *от + га — отга = отка, пулат + га — пулатга = пулатка, пулат + сан — пулатдан = пулаттан, кет + ди — кетди = кетти, кет + ган — кетган = кеткан, кут + ди — кутди = кутти, кут + ган — кутган = куткан.*

Машқ. Берилган ҳарф бирикмаларидаги унли товушларга урғу бериб ўқинг.

ти, те, та, то, тў, ту, ти
ит, эт, ат, от, ўт, ут, ит
ди, де, да, до, дў, ду, ди
ид, эд, ад, од, ўд, уд, ид
тидди, телде, талда, тоддо, тўдду, тудду, тидди
литти, детте, датта, дотто, дўтту, дутту, дитти.

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг 1- ва 3- қаторидаги ҳарф бирикмалари қатнашган сўзлар топиб ёзинг, уларнинг талаффузига эътибор беринг.

На м у н а: *тин, тилсим, тингла, тинч, типик,
дил, дилбар, дилбанд, дилкаш, диловор.*

к — портловчи, жарангсиз, саёз тил орқа ундоши сўз бошида, ўртасида ва охирида келади: *калла, кам, якка, така, жияк, ипак, этак.*

Мисоллар:

Гар қуён юракли эр
Жазм ётар баҳодирлик,
Унга аргумоқ эссиз,
Тилла нақш камар зое.

(Эркин Воҳидов.)

г — портловчи, жарангли тил орқа ундоши сўз ёки бўғин бошида, унли ва жарангли ундошдан олдин ёки икки унли орасида келганда аниқ ва очиқ талаффуз этилади: *гал, гап, гул, тугун, тугма, магазин.*

Мисоллар:

Гоҳ сарв узра, гаҳи гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳни, мен гунгу дол ул сарви гул рухсорисиз.

(Алишер Навоий.)

Агар кўнгил кўнгилга тушса,
Шу узи бас, йўқдир ҳеч тусиқ.
Тамагир совчисиз ошиққа,
Ўзи айтар кўнглини маъшуқ.

(Уйғун.)

г ундоши сўз охирида келганда оғзаки нутқда к каби талаффуз қилинади. Бироқ, ифодали ўқиш жараёнида ёзувдагидек аниқ талаффуз этилишига эришиш керак. Масалан:

ёзувда	оғзаки нутқда
таг	так
марг	марк
барг	барк

Юқорида келтирилган мисолларга унли ёки жарангли товушлар қўшиб талаффуз қилинса, г ундоши аниқ айтилади: *так + дузи = тагдузи, марк + булмоқ = маргбулмоқ, барк + и = барги.*

Охири к билан тугаган сўзларга қ, г билан бошланган сўз ёки қўшимчалар қўшилганда к ассимиляциялашиб, г ёки қ талаффуз қилинади: тешик қоп — тешигқоп.

Машқ. Қуйида берилган бирикмаларни оқиста ўқинг ва такрорланг. к ва г ундошларининг талаффузига эътибор беринг.

ки, кэ, ка, ко, қў, ку, ки
ик, эк, ак, ок, ўк, ук, ик
ги, гэ, га, го, гў, гу, ги
иг, эг, аг, ог, уг, уг, эг

кигги, кэчкэ, качга, когго, кучгу, кучгу, кигги
гивки, гэкке, гакка, гокко, гуккў, гукку, гикки.

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг 1- ва 2- қаторидаги ҳарф бирикмалари иштирокида сўз ва жумлалар топиб ёзинг.

Намун а: кило, киймоқ, килограмм, кимда-ким.

кез, кейин, кек, кекс, кекса, келажак,
келгуси, келин, келишик, келмоқ, кема.

қ — жарангсиз, портловчи чуқур тил орқа ундоши тилнинг энг орқа томони танглайнинг орқа қисмига тўқнашуви ва ҳавонинг ўша жойдан ёриб ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

қ товуши сўзнинг барча бўғинида кела олади: *қош, қиш, қўл, булоқ, қишлоқ, ақча, чақалоқ.*

Мисоллар:

Қадаҳки, шаффоф қатра каби товланар,
Қадаҳки, йигитлигим қонимда ёнар,
Қадаҳки, кўпикланар ва тўлқинланар,
Ичаману, бўлмайман сарсари маддоҳ.

(Миртемир.)

Оқу қизил гуллар, кум-кук япроқлар,
Товланади атлас каби ранго-ранг.
Баланд шийпон, зарҳал шиор байроқлар,
Қувноқ халқим билан ҳамранг-ҳамоҳанг.

(Ҳабибий.)

Баъзи шеваларда қ товуши сўз охирида унли товушдан кейин келганда жаранглашади: *уртоқ — ўртоғ, тароқ — тароғ, қишлоқ — қишлоғ, суроқ — суроғ, булоқ — булоғ.*

Оғзаки нутқда бўғин охиридаги қ товуши ўзидан кейин ён-ма-ён келган сирғалувчи жарангсиз ундошнинг, шунингдек, сонор л товушининг таъсирида чуқур тил орқа сирғалувчи ж товушига айланади: *оқсил — охсил, оқсоқ — охсоқ, оқшом — охшом, тўқсон — тўхсон, мақсад — махсат, сақламоқ — сахламоқ. . .*

Сирғалувчи ундошлар

Сирғалувчи ундошлар лаб, тил олди ва тил ўртасида, тилнинг саёз ёки чуқур орқа қисмларида пайдо бўлади.

Лаб иштироки билан ҳосил қилинадиган сирғалувчилар талаффузига кўра иккига бўлинади: лаб-лаб ундошлари ва лаб-тиш (ф — в) ундошлари. Биз, асосан, ифодали ўқиш учун зарур бўлган лаб-тиш ундошлари ҳақида фикр юритамиз.

ф — сирғалувчи, жарангсиз, пастки лаб билан устки тишлар орасида ҳосил бўладиган ундош. Бу арабча-форсча ва русча-байналмилал сўзларгагина хос бўлиб, ўзбек тилидаги *пурф, куф, туф* каби тақлидий сўзлардагина учрайди.

Бошқа сўзларда ишлатиладиган ф товуши эса оғзаки нутқда п шаклида талаффуз этилади: *фан — пан, фарқ — парқ, фасл — пасл, улфат — улпат, кулфат — кулпат, сафар — сапар, соф — соп.* Бундай талаффуз қилиш нотўғри бўлиб, улар қандай ёзилган бўлса, шундай ўқиши керак.

в — сирғалувчи, лаб-лаб ундоши бўлиб, асосан, ўзбек ва араб-форс сўзларида ўзгаришсиз — бир хил талаффуз этилади: *вафо, водий, варақ, виқор, вазн, вайрон, даъво, тавфиқ, тавба, товуш, ундов, буров, сув, ов.*

Мисоллар:

Ваҳима-хавф — қурқоқнинг дўсти.

(Мақол.)

Тошни сиққан билан сув чиқмас,
Бюрократга ялинган билан иш битмас.

(Мақол.)

Ўзбек тили луғат таркибига кириб келган русча-байналмилал сўзлардаги жарангли в ундоши жарангсиз ундошлар билан ёнма-ён бўлганда ёки сўз охирида келганда жарангсиз ф каби талаффуз этилади: *актив — активф, пассив — пассивф, Петров — Петроф* каби.

в товуши жарангсизлардан олдин, сўз ўртасида келганда ф тарзида талаффуз этилади: *автол — афтол.*

Мащқ. Қуйида берилган бирикмаларни ўқинг ва такрорланг. ф ва в товушларининг талаффузига эътибор беринг.

фи, фэ, фа, фо, фў, фу, фи
ви, вэ, ва, во, вў, ву, ви

фивви, фэввэ, фавва, фовво, фуввў, фувву, фивви
виффи, вэффэ, ваффа, воффо, вуффў, вуффу, виффи

Уйга вазифа. Юқоридаги машқда берилган бирикмалар иштирокида сўзлар топиб ёзинг.

З — тил олди жарангли ундоши сўз бошида, унлилар орасида ва жаранглилар билан ёнма-ён келганда ўзгармасдан талаффуз этилади: *зебо, зар, азиз, ўзбек, тузук, забардаст, завод.*

Мисоллар:

Ҳаётда ҳам ҳеч тарих кўрмаган
Зафар китобидан варақ очади.

(Зулфия.)

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор қўзларда халқа-халқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, қуёш.

(Ғафур Ғулом.)

з ундоши сўз охирида ҳамда жарангсиз товушлар олдида келганда, **с** га яқинроқ талаффуз қилинади: *сўзсиз — сўссиз, изчил — исчил, тузсиз — туссиз.*

Бу сўзларга жарангли ёки унли билан бошланган сўз ва қўшимчалар қўшиб талаффуз қилинса, унда яна аслича талаффуз этилади: *сиз + ни = сизни, ишсиз + лик = ишсизлик.*

с — тил олди жарангсиз ундоши сўз ўртасида ва охирида ҳар вақт ўзгаришсиз талаффуз қилинади: *асос, бос, қасос, мавсум, асра, босим, босмахона, бостирма, босқон.*

Розимасман бир ёш томса кўзимдан,
Розимасман, сал ранг кетса юзимдан.
Йўл ошсаму, сал яшашдан адашсам,
Розимасман унда тамом ўзимдан...

(Ҳамид Олимжон.)

Русча-байналмилал сўзларда **ч** ундоши олдида келганда **с** товуши ш каби талаффуз қилинади: *счёт — шчут.*

Машқ. Берилган бирикмаларни ўқинг ва такрорланг. **з** ва **с** товушларининг талаффузига эътибор беринг.

зи, зэ, за, зо, зў, зу, зи
из, эз, аз, оз, ўз, уз, из
си, сэ, са, со, сў, су, си
ис, эс, ас, ос, ўс, ус, ис
зисси, зэссэ, засса, зоссо, зўссў, зуссу, зисси
сиззи, сээзэ, сазза, соззо, сўззў, суззу, сиззи.

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг 1- ва 2- қаторидаги бирикмалар қатнашган сўзлар топиб ёзинг.

ш сирғалувчи жарангсиз ундоши, **асосан**, тилнинг олдинги қисми юқорига кўтарилиши ва олд томон силжиши натижасида ҳавонинг тил билан танглайнинг олдинги қисми орасида сирғалиб ўтишидан пайдо бўлади.

ш ундоши сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади: *шоҳ, шўх, қошиқ, қашқа, дилкаш.*

Иш бор ерда — ош бор.

(Мақол.)

Жарангсиз ш ундоши билан тугаган сўзларга жарангли ундош билан бошланадиган аффикс қўшилса, қўшимча бошидаги ундош жарангсизлашади: *туш + ди — тушти, теш + ди — тешти, туш + ган — тушкан.*

ж — сирғалувчи, жарангли соф (ж) ундош товушнинг талаффузида пастки тишлар бир оз туширилиб, тил учи, тишлар ва овоз бойламлари энгилгина тортилади. ж товуши асосан, русчабайналмилал, шунингдек, араб ва форс тилларидан ўтган *аждар, аждод, гижда, мужда, виждон* каби сўзлардагина учрайди.

Ҳозирги талаффуз нормаларига биноан ж товуши сўзнинг бошида, ўртасида келганда доимо ўзгаришсиз талаффуз этиш керак. Масалан: *журнал, жюри, жанр, прожектор* каби.

Сўз охирида келган ж эса ш га мойилроқ айгилади: *саботаж — саботаш, метраж — метраш, тираж — тираш.*

Жонимга даво сўзунг эди сўзламадинг, оҳ,
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?!

(Бобур.)

Салом сизга, келажак, салом, янги бўстонлар,
Аён кўруб турибмиз, кўркем жамолингизни,
Яққол сезиб турибмиз, гул ҳидларига тўлиб,
Сахрога жон бағишлаб эсган шамолингизни.

(Уйғун.)

Машқ. Қуйида берилган бирикмаларни ўқинг ва такрорланг: ш ва ж товушларининг талаффузига эътибор беринг.

ши, шэ, ша, шо, шў, шу, ши
иш, эш, аш, ош, ўш, уш, иш
жи, жэ, жа, жо, жў, жу, жи
иж, эж, аж, ож, ўж, уж, иж

й — сирғалувчи, жарангли, тил ўрта ундоши бўлиб, тилнинг ўрта қисми танглайга томон кўтарилиши ва ўша ердан ҳавонинг сиқилиб ўтиши натижасида пайдо бўлади.

й ундоши ўзбек адабий тилида доимо бир хил талаффуз қилинади: *йигит, йил, йигирма, ёй, сой, тийрак, буйрак.*

Мисоллар:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

(Ҳамид Олимжон.)

Сенга мендан хабар берсалар,
„Муса ўлди, энди“, десалар,

Йўқ, ишонма, жоним!
Бу сўзни —
Дўстлар айтмас, мени севсалар.

(Муса Жалил.)

Айрим шеваларда й товуши г ундоши каби талаффуз қилинадики, бу ҳодиса адабий тил нормаларига зиддир. Масалан: *кейин — кегин, майиз — магиз, ундай бўлса — ундаг бўлса, шундайлигича — шундаглигича.*

Машқ. Ўқинг й ундошивинг талаффузига эътибор беринг.

Йиғилиш, йиғим-терим, йиғинди, йиғи-сиғи, йўлак, йулбарс, йўлбошчи, йўлдош, йўл-йўл, йўл-йўриқ, йўлланма, йўловчи, йўқ, ёй, ёйдирмоқ, ёйиқ, ёйма, ёйилма, ёйсимон.

х — сирғалувчи, жарангсиз ундош бўлиб, тилнинг энг орқа томони юмшоқ танглайнинг орқа қисмига яқинлашуви ва шу орадан ҳавонинг сиқилиб ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

Чуқур тил орқа жарангсиз х товуши сўзнинг бошида, ўрта-сида ва охирида кела олади: *хат, хабар, хавф, хаёл, тухум, шахс, шахсан, шох, шохобча, миҳ.*

Мисоллар:

Севги дарёсида тош бўлиб,
Хусусий мулк, тенгсизлик ётди.
Қанча ошиқ урилиб тошга,
Хароб бўлди, дарёга ботди.

(Уйғун.)

Ҳалқа қурубон қирма алола, эй шайх
Оламга ўзинг айлама расво, эй шайх,
Неки барча риёву ҳийлау макрингни
Фош этма улус аро саропо, эй шайх.

(Огаҳий.)

х ундошидан кейин келган унлилар қаттиқ талаффуз этилади. (э, (е) унлиси бундан мустаснодир). Бундай ҳол сўз таркибида чуқур тил орқа қ, х товушлари бўлганда янада яққолроқ сезилади: *халқ, хандақ, хирқа, хулқ, хушхабар, хўроз.*

ғ — сирғалувчи, жарангли, чуқур тил орқа ундоши бўлиб, у билан ёнма-ён келган унли товушлар (э (е) унлиси бундан мустасно) қаттиқ талаффуз қилинади: *ғовур-ғувур, ғолиб, ғунча, ғурур, ғусса, ғўза, ғазал, ғилоф, нағма, тоғ, ноғора.*

Яратилди бир шоҳ асар, ғўзал бир дoston,
Ғадир-будир меҳнат қўли битгандир буни,
Келажакнинг баҳоридан олинган куйи,
Хаёлларга сиғмайди ҳеч бунинг мазмуни,
Қофиядир фабриклар-ла қизлар қўшиғи,
Ўқи ва сев! Бунинг исми ёш Ўзбекистон.

(Ойбек.)

ғ ундоши билан тугалланувчи сўзларга аффикслар қўшилганда, сўз охири ва қўшимча бошидаги сирғалувчи ғ товуши жарангсизлашиб, портловчи қ товушига айланади: *тоғ+га = тоққа,*

буғ + га = буққа, оғ + ган = оққан, соғ + ган = соққан, туғ + ган = туққан, боғ + га = боққа.

Машқ. Ўқинг. х ва ғ товушларининг талаффузига эътибор беринг.

хи, хэ, ха, хо, хў, ху, хи
их, эх, ах, ох, ўх, ух, их
ғи, фэ, ға, фо, ғў, ғу, ғи
иф, эф, аф, оф, ўф, уф, иф

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг 1- ва 3- қаторидаги ҳарф бирикмалари иштирокида сўзлар топиб ёзинг. Ўқиганингизда уларнинг талаффузига эътибор қилинг.

Намуна: *хийнатчи, хизматкор, ғийбат, фирром, фирчиллама.*

ҳ — товуши х нинг акси бўлиб, ундан кейин келган унлилар (бунда ҳам э унлиси мустаснодир) доимо юмшоқ талаффуз этилади: *ҳавас, ҳаво, ҳад, ҳеч, ҳид, ҳижжа, ҳийла, ҳикмат, ҳилол, ҳовли, ҳужжат, ҳужра, ҳўкиз, ҳул, ҳуплам.*

Инсон меҳнатидан ранг олур ҳаёт,
Инсон меҳнатидан ўзгарур жаҳон.
Ҳақиқат хаёлдан туғилар илдам,
Бутун кучлилардан кучли ҳур инсон.

(Миртемир.)

Оғзаки нутқда ҳ ундошининг х билан алмаштирилиши нотўғридир.

Машқ. Ўқинг. ҳ товушининг талаффузига эътибор беринг.

ҳи, ҳэ, ҳа, ҳо, ҳў, ҳу, ҳи
их, эҳ, аҳ, оҳ, ўҳ, уҳ, их
хиҳхи, хэҳхе, хаҳха, хаҳхо, хўҳхў, хуҳху, хиҳхи
ҳиххи, ҳэххэ, ҳахха, ҳоххо, ҳўххў, ҳухху, ҳиххи

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг 1- ва 2- қаторидаги ҳарф бирикмалари иштирок этган сўзлар топиб ёзинг.

Намуна: *ҳид, ҳижжа, ҳижо, ҳижрий, ҳижрон.*

Аффрикатлар
(Қоришиқ ундошлар)

Аффрикатлар артикуляцион жиҳатдан анча мураккаб бўлиб, ҳам портловчилик, ҳам сирғалувчилик хусусиятига эга. Улар пайдо бўлиш усуллари жиҳатидан шовқинлиларнинг портловчи-сирғалувчи турига, пайдо бўлиш ўринлари жиҳатидан эса тил олди ундошлари гуруҳига киради.

ж — жарангсиз, тил олди қоришиқ ундоши, портловчи д ва сирғалувчи ж товушларининг қоришуви натижасида ҳосил бўлади.

ж ундоши сўз бошида, сўз ўртасида унли ёки жаранглилар орасида келганда аниқ талаффуз қилинади: *жон, жар, жудо, жой, ажрим, ажриқ, ажиб, ажин.*

Эмас бу мурда жисмим жонга муҳтож,
Вале юз шавқ ила жононга муҳтож.
Табассум лаъли жонбахшини кўргач,
Киши бўлмай қачон ҳайвонга муҳтож.

(Чокар.)

ж ундоши сўзнинг охирида келганда **ч** ундошига яқинроқ талаффуз этилади: *бож—боч, тож—точ, ганж—ганч, ланж—ланч, сатранж—сатранч, илож—илоч*. Аммо бундай сўзларга унли ёки жарангли товушлар билан бошланган сўз, қўшимча қўшиб айтилса, худди **г** ундоши сингари ж ундоши ҳам қайта тикланади. Масалан: *боч олмоқ—бож олмоқ, ланч + ланмоқ = ланжланмоқ, илинч + и = илинжи* каби.

Айрим вақтларда оғзаки нутқда ж ундоши **т** товуши олди-дан ш тарзида талаффуз этилади. Масалан: ижтимоий—ишти-мой.

ч—жарангсиз, тил олди қоришиқ ундош бўлиб, сўзнинг бо-шида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам келади: *чанқов, чама, ча-пақай, чевар, чечан, чизик, чигит, чунтак, чуян, очик, кеч, куч*.

Мисоллар:

Дўстлар учун дарвозамиз ланг очик,
Бошингизга гул япроғидан сочик,
Бу тоза сув, атир совун, оқ сочик,
Сулим айём, келишингиз ярашиқ,
Албат бизга қуниб утинг, дўстларим!

(*Гафур Гулом.*)

Ҳижрон кечаси, чархи фалакка етар, эй моҳ,
Охи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

(*Лутфий*)

ч ундоши ҳам худди ж ундоши каби жарангсиз ундошлар-дан олдин келганда баъзан ш лашиш хусусиятига эга: *уч сўм—ушсўм, кучсиз—кушсис*.

Булардан ташқари, оғзаки нутқда **ч** ундоши с ундошидан ол-дин келганда ассимиляцияга учраб, с лашуви ҳам мумкин: *уч-са—усса, уч сўм—уссўм, кучсиз—куссис*.

Машқ. Машқни ўқинг. ж ва ч ундошларининг талаффузига эътибор бе-ринг.

жи, жэ, жа, жо, жү, жу, жи
иж, эж, аж, ож, ўж, уж, иж
чи, чэ, ча, чо, чў, чу, чи
ич, эч, ач, оч, ўч, уч, ич

жиччи, жэччэ, жачча, жоччо, жүччў, жуччу, жиччи
чижжи, чэжжэ, чажжа, чожжо, чўжжў, чужжу, чижжи

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг 3- ва 4- қаторидаги ҳарф бирикмала-ри қатнашган сўзлар топиб ёзинг.

Намуна: *жиблажибон, жигар, жиддий, жизза, жийда жийрон, жез, жеркимоқ.*

ц жарангсиз ундоши фақат русча-байналмилал сўзлар ор-қали ўзбек тилига кириб келган. **ц** сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида кела олади: *цемент, цех, цилиндр, цирк, циркуль, ци-тата, ирригация, матрица, мотоцикл, эволюция, коңсти-туция* каби.

Ўзбек тилида ц иштирок этган сўзлар турлича талаффуз этилади: а) с товуши каби талаффуз қилинади: цирк — сирк, станция — станса, циркуль — сиркул, революция — ревалуссия;

б) оғзаки нутқда айрим сўзлардаги ц товуши тс бирикмаси билан алмаштириб талаффуз қилинади: социализм — сотсиализм, ассоциация — ассатсия, рация — ратсия.

ц ундошининг оғзаки нутқдаги бу икки хил кўриниши ҳозирги нутқ маданияти талабларига ва ифодали ўқиш қонун-қоидаларига тамомила зиддир. Чунки ўзбек тилига рус тили орқали ўтган ж ва ц ундошлари акустик жиҳатдан тамомила ўзлашиб кетган.

Машқ. Ўқинг. ц товушининг талаффузига эътибор беринг.

ци, цэ, ца, цо, цў, цу, ци
иц, эц, ац, оц, ўц, уц, иц

Машқ. Қуйилаги' сўзларни ифодали ўқинг. ц товушининг талаффузига аҳамият беринг. Сунгра ц билан бошланадиган сўзлар топинг.

Акция, ассимиляция, ацетон, вице-адмирал, диссертация, диссимияция, индукция, конденсация, конфедерация, конференция, концепция, концерт, мотоцикл, плацдарм, регенерация, репетиция, рицарь, синтомицин, социология, формация, фортификация.

Сонор товушлар м — лаб-лаб ундоши икки лаб орасида пайдо бўлади. Бу ундош, сўзнинг қаерида келишидан қатъи назар, доимо бир хилда талаффуз этилади: *арман, армия, армуғон, бирдамлик, билим, вазмин, гилам.*

Мисоллар:

Бир тутам гул тутиб боқдинг кўзимга,
Дедингки: „Эсдалик бўлсин буни ол“...
Ўзимни йўқотдим, не дединг менга?
Тутганинг гулмиди ва ёки хаёл?

(Ҳамид Олимжон.)

Машқ. Қуйида берилган сўзларни ўқинг. м ундошининг талаффузини кузатинг.

Маблағ, мабодо, мавжуд, мавсум, магазин, мадад, маданий, мадор, мадҳия.

н — тил олди ундоши ҳозирги ўзбек тилида турли хил талаффуз этилади: а) оғзаки нутқда н билан тугаган сўзга м билан бошланган қўшимчалар қўшилса, н ундошини м каби талаффуз этиш ҳоллари учрайди. Масалан, келган + ман = келгамман, тон + моқ = томмоқ, мен + ми = мемми, маймун + ми = маймумми макон + мас = макоммас;

б) н билан тугаган сўзнинг охирига б ёки п билан бошланадиган сўз ва қўшимчалар қўшилса ҳам н ундоши албатта оғзаки нутқда м каби талаффуз қилинади: *ун + беш = ўмбеш, ун + бир = ўмбир, кун + буйи = кумбўйи, илон + пусти = иломпўст.*

Танбур, сунбул, нонпар каби сўзларда ҳам н ундошининг м тарзида талаффуз этилишини кузатиш мумкин: *танбур — тамбур, сунбул — сумбул, нонпар — номпар.*

в) оғзаки нутқда н ундоши л ундошидан олдин келган сўзларда ассимиляцияланиб, л тарзида талаффуз этилади: *танла — талла, келганлар — келгаллар, кунлар — куллар*;

г) н ундоши билан тугаган сўзларга г ёки к билан бошланган қўшимчалар қўшиб айтилиши натижасида нг лашиш ҳодисаси содир бўлади. Масалан, *мен + га = менга, тун + ги = тунги, қун + ган = қўнган*;

д) оғзаки нутқда ни ва нинг (тушум ва қаратқич) шакллари, ди, ти тарзида (д ёки т шаклида айтилиши *ошти, нонди* каби) баъзи бир шеваларда ҳар хил ассимиляцияга учраши (*оиши, кўкки, сувви* каби) мумкин. Лекин булар адабий нормаларга таъмоман зиддир.

Умуман, бадий асарларни ифодали ўқишда -ни ва -нинг қўшимчаси ҳаминша ўз ҳолича ёзилишига кўра талаффуз этилиши керак.

Машқ. Қуйидаги ҳарф бирикмаларини ўқинг. Уларнинг талаффузига аҳамият беринг.

ми, мэ, ма, мо, мў, му, ми
ни, нэ, на, но, нў, ну, ни
мми, ммэ, мма, ммо, ммў, мму, мми
нни, ннэ, нна, нно, ннў, нну, нни

Уйга вазифа. Юқоридаги машқнинг 1- ва 2- қаторидаги ҳарф бирикмалари қатнашган сўзлар топиб ёзинг ҳамда уларнинг талаффузига аҳамият беринг.

Намуна: *мижоз, милк, миллат, нигоҳ, нидо, низо, низом, нимта, нисбат*.

нг — саёз тил орқа ундоши бўлиб, танглайнинг ўрта қисмидан орқароқда ҳосил бўлади. Бу ундош ўзбек адабий тилида фақат сўз ўртаси ва охирида учрайди.

Нутқимизда сўз ўртасида унли товушлардан олдин келганда, бирга қўшиб айтиш одат тусига кириб кетган: *кунгил, сингил, сўнган, ранги, тонги, чанги*.

Мисоллар:

Ўргилай кўзингдан, эрка фарзандим,
Новвотим, асалим, шакарим, қандим,
Умрингни тилайман, кўнги хурсандим,
Қўзичоғим, оппоғим, алла,
Ёниб турган чироғим, алла.

(Амин Умарий.)

Ухлай деса гул баргини ёпинар булбулларинг,
Кўкдан ой ҳам тушиб юрса арзийди, соз йўлларинг,
Гидамлардай ёйилибди бурунги қоқ чўлларинг,
Ўзин кўрай деса юлдуз, кўзгу бўлар кўлларинг.
Юрагимда расминг чиздинг, қадрдон Украина!

(Ҳасан Пўлат.)

Оғзаки нутқда, айниқса, айрим шеваларда нг маълум сўзларда й лашади: *сийним, кўйним*. Аммо бундай ўзгариш нутқ маданияти ва ифодали ўқиш қонун-қоидаларига зиддир.

Машқ. Қуйидаги сўзларни диққат билан кузатиб чиқинг ва ҳар бир сўзни ифодали талаффуз қилинг.

Ангина, ангидрид, ангишвона, англамоқ, англашилмовчилик, анграймоқ, бонг, гангимоқ, дангал, дангаса, энг, жанг, жингак, жингалак, занг, занггор, манглай, мангу, мангулик.

Машқ. Қуйидаги шеърни ифодали ўқинг. Ундаги бўлсанг, раҳматинг, гулларинг, кўзинг, изинг сўзларининг ўқилишига диққат қилинг.

Дарё бўлсанг тошни-тошга уриб оқ,
Қуёш бўлсанг сен осмондан қулиб боқ,
Булут бўлсанг раҳматинг қуй, чақмоқ чақ,
Чаман бўлсанг гулларинг соч хушчақчақ,
Чашма бўлсанг тиним билмай қайнаб тур,
Булбул бўлсанг саҳар туриб чақчақ ур,
Оҳу бўлсанг оҳу кўзинг яширма,
Арслон бўлсанг босган изинг яширма.

(Шуҳрат.)

л — сонор, сирғалувчи; ён товуши тилнинг учи танглай олди томон бир оз қайирилиб, унга тақалиши ва тилнинг икки ёнидан ҳаво ўтиб кетиши натижасида пайдо бўлади.

л — сўзнинг қаерида келишидан қатъи назар, доимо бир хил талаффуз қилинади: *лаб, лавлаги, лавозим, алам, аланга, албатта, алвасти, алвон, алдоқчи, мисол, таомил, ҳосил, жамол, ҳаёл, қизил, фил.*

Севги шундай тангридирки,
Унга тенгдур шоҳ, гадо,
Қулни айлаб шоҳу султон,
Шоҳни бўлса қул қилур.
Севги шундай бир оловки,
Жонга ундан йўқ омон,
Гулханида ўртаб-ўртаб,
Бир кун охир кул қилур.

(Эркин Воҳидов.)

1- машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва л ундошининг талаффузини кузатинг.

Адл, адолат, аёзли, ажал, ажралма, алам, алла, балиқ, балет, баллада, балли, бало, балчиқ, валдираш, валиаҳд, валламат, дилором, дилшод.

2- машқ. Қуйидаги ҳарф бирикмаларини ўқинг. Талаффузига эътибор қилинг.

ли, лэ, ла, ло, лў, лу, ли
ил, эл, ал, ол, ўл, ул, ил

Уйга вазифа. 2- машқдаги ҳарф бирикмалари қатнашган сўзлар топиб ёзинг.

Намун а: *либос, лента, лангар, лола, гул, лўли, луқма, линза.*

р — сонор, сирғалувчи тил олди титроқ товуш бўлиб, форсча, арабча ва русча-байналмилял сўзларнинг бошида, ўртасида ва охирида унли товушлар билан бирга кела олади. Тил олди товушлари билан ёнма-ён келганда юмшоқ (масалан *рад, ра-*

садхона, равшан, радио, ректор, руҳ, карра), чуқур тил орқа ундошлари ҳамда тил орқа унлилари билан ёндош ёки бир бўғинда келганда қаттиқ талаффуз этилади.

Машқ. Ўқинг. р товушининг талаффузига эътибор беринг.

ри, рэ, ра, ро, рў, ру, ри
ир, эр, ар, ор, ўр, ур, ир

Уйга вазифа. Юқоридаги берилган ҳарф бирикмалари қатнашган бир неча та сўз топиб ёзинг.

Намуна: *ривоя, риоя, рекорд, реалист, разряд, разъезд, рост, роҳат, руйхат, рубоб, руҳсат, руҳланмоқ.*

УРҒУ

Урғу ифодали ўқишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, у таъкидлаш, алоҳида эътибор қаратиш учун хизмат қилади. Урғу сўзларни тўғри талаффуз этишга, маънони тўғри ва тўла англашга ёрдам беради.

Урғу илмий адабиётларда лексик урғу, динамик урғу, ритмик урғу, мантиқий урғу, традицион урғу, психологик урғу каби бир неча турга бўлиб ўрганилади.

Бу бўлиниш лингвистик жиҳатдан тўғри, аммо биз ўқувчи-талабаларни ифодали ўқишга ўргатиш ва ифодали ўқишнинг назарий масалалари ҳақида маълумот олишларини осонлаштириш мақсадида урғунинг икки тури хусусида тўхталмоқчимиз: 1. Сўз урғуси. 2. Мантиқий урғу.

Сўз урғуси. Сўз урғуси тушган бўғиндаги унли шу сўзнинг бошқа бўғинларидаги унли товушларга қараганда кучлироқ, чўзиқроқ талаффуз этилади.

Сўз урғуси лингвистик адабиётларда лексик урғу номи билан ҳам юритилади.

Ўзбек тилида сўз урғуси, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушади. Сўзларга қўшимчалар қўшила бориши билан урғу ҳам кўча боради. Масалан: *бола, болалар, болаларга; ишчи, ишчилар, ишчиларга.*

Бу ҳодиса кўпроқ, туркий тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам хосдир. Аммо, бундан ўзбек тилида урғунинг ўрни ўзгармас экан деган хулоса чиқмайди. Ўзбек тилида шундай сўзлар ҳам борки, сўз бошида келган урғу сўнги бўғинларга тушмайди. Масалан: *қайси, қандай, қанча.*

Демак, ўзбек тилида урғу сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида ҳам келиши мумкин. Масалан:

а) сўз бошида: *келсин, кимдир, аллаким, доим, бэрча, ҳамма;*

б) сўз ўртасида: *албатта, мардларча, афсуски, яхшигина, аччиққина, ўқитувчиман;*

в) сўз охирида: *оққуш, отбоқар, тупроқ, бозор, Учқўрғон, Бешариқ.*

Адабий талаффузни нормаллаштириш ва нутқ маданиятини ривожлантириш, ўзбек тилига интернационал сўзларнинг тобора кўплаб кириб келиши ва кенг омма нутқига сингиб бориши тугайли урғунинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз урғусининг вазифаси анча кенгайган.

Ўзбек тилида урғу маънони фарқлаш хусусиятига эга: *олма*, (мева, от), *олма* (буйруқ феъли); *атлас* (мато), *атлас* (географик карта); *кесма* (овқат тури, от), *кесма* (буйруқ феъли); *тугма* (кийим тугмаси, от), *тугма* (буйруқ феъли); *гулсиз* (гули йўқ, сифат), *гулсиз* (гулдайсиз, ўхшатиш); *қизгина* (кичкина йиғча, кичрайтириш), *қизгина* (қизнинг ўзи, ажратиб кўрсатиш).

Булардан ташқари, ҳозирги ўзбек адабий тилида ўзлашиб кетган русча-байниалмал сўзларда ҳам урғу маънони фарқлаш хусусиятига эга. Урғу қуйидаги сўзларнинг биринчи бўғинига тушса от, иккинчи бўғинига тушса сифатга айланади. Масалан: академик — от, академик — сифат; математик — от, математик — сифат; техник — от, техник — сифат.

Шунинг учун ҳам ўқувчи — талабани матнни ифодали ўқишга ўргатишдан олдин, уларни матндаги сўзларнинг маъноси билан таништириш, сўзларнинг урғули бўғинини аниқлашга ўргатиш лозим

Машқ. Қуйидаги гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг талаффуздаги ва маъносидagi фарқни айтинг.

1. Биз академик Ойбек номидаги тарих ва археология музейига бордик. Маҳмуд Кошғарий номидаги тил институтининг ходимлари янги академик луғат тайёрладилар. 2. Маданият ҳақидаги бу ажойиб китобнинг муаллифи математик Қори Ниёзийдир. Наҳотки, сен оддий математик ҳисобни ҳам тушунмасанг? Бу ажойиб асар математик лингвистикага бағишланган. 3. Техник Озода иш кўзини яхши билади. Техник ишлар шунча кўпайиб кетдики, бош қашишга вақт йўқ.

Мантиқий урғу. Мантиқий урғу матнда яширинган бўлади. Бадий асарларни ифодали ўқишдан олдин яширинган мантиқий урғуни аниқлаш учун матнни аввал бир неча марта ўқиб, муаллиф мақсадини тушуниш, сўнгра мантиқий урғули сўзни аниқлаш мумкин. Мантиқий урғуни излаётганда бадий асардаги уюшиб келган ва маънони кучайтириш учун қўлланган такрорий сўзларга, эргаш гаплаги бир манзарани тасвирловчи бир хил бўлакларга ҳамда айрим гаплардаги таъкидловчи сўзларга алоҳида эътибор бериш зарур. Одатда мантиқий урғудан кейин қисқа пауза қилинади.

Мисоллар:

Эй Фарғона!

Мушкул кунлар боласини

Тишида тишлаб,

ювиб,

тараб,

севиб,

Ўпиб,
кучиб,
опичлаб,
Эй бахтларни балоғатга етказган она!

(Ҳамид Олимжон.)

Дустлар меннинг юртимни
Ўзбекистон, дейдилар.
Донғи тутган дунёни
Боғу бўстон, дейдилар.

(Зафар Дийр.)

Профессор А. Ғуломов мантиқий урғуга аниқлик киритиб шундай дейди: „Ўзбек тилида логик (мантиқий) урғу бошқа кўпгина тиллардаги каби фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган элементни ажратиш учун хизмат этади. Бу ажратиш умуман ўша элементнинг кучли айтилиши биландир. Бу кучайиш ўша элементнинг сўнги бўғинида ўзининг энг юксак нуқтасига этади. Бу ҳаво оқимининг кучайиши эмас, балки умумий тоннинг — оҳангнинг кўтарилишидир. Кўринадики, логик-мантиқий урғу семантика билан боғланган ҳодисадир. У элементларнинг муносабатини ойдинлаштиради, бош сўзни кўрсатади, бутун гапнинг фикрий йўналишини аниқлаб беради¹“.

Демак, ҳар бир нутқ бўғинида фикрни ойдинлаштириб кўрсатадиган марказий сўз мавжуд бўлади. Мантиқий урғу тушган бу сўз кучайтириб талаффуз этилади. Мантиқий урғунинг аҳамияти шундаки, у гапдаги асосий фикрни аниқлайди, ойдинлаштиради. Ёзувда эса, махсус белги билан кўрсатилмайди. Оғзаки нутқда мантиқий урғу тушган сўз овозни баландлатиш, пастлатиш каби воситалар билан ажратиб талаффуз этилгани учун тингловчининг диққатини тез жалб қилади.

Мантиқий урғу гапдаги исталган сўзга тушиши мумкин. Масалан: *Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сиғмай тошади.* (О.) Бу гапдаги сўзларнинг ҳар бирига мантиқий урғу бериб ўқиш мумкин. Масалан:

Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сиғмай тошади.
Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сиғмай тошади.
Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сиғмай тошади.
Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сиғмай тошади.
Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сиғмай тошади.
Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сиғмай тошади.

Машқ. Қуйидаги гапнинг ҳар бир сўзига алоҳида-алоҳида мантиқий урғу бериб ўқинг. Мантиқий урғу тушган сўзнинг талаффузига эътибор беринг.

Малоҳат бугун шанбаликда ишлади.

Машқ. Қуйида берилган шеъринг парчанинг сўз ва мантиқий урғуларини аниқланг. Сўз урғуси тушган унли устига урғу (/) белгисини қуйинг, мантиқий урғули сўзлар тагига бир тўғри чизиқ чизинг. Матнини ифодали ўқинг.

¹ Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. Тошкент. 1947, 28-бет.

Жаҳонда икки дилбарнинг
Бири сенсан, бири Лайло,
Жаҳонда икки ошиқнинг
Бири менман, бири Мажнун.

Жаҳонда икки юлдуз бор:
Бири сенсан, бири Зухро,
Мисоли икки нуқтамнинг
Бири остин, бири устун.

(Эркин Воҳидов.)

ПАУЗА

Кишилар гапириш жараёнида маълум даражада қисқача тўхтаб, нафас оладилар ва ўпкаларини қайта ҳавога тўлдириб, нутқини давом эттирадилар. Нутқдаги ана шундай тўхташ, тиниш ёки шундай кичик танаффусга *пауза* дейилалади.

Бадий асарларни ифодали ўқишда паузанинг ўзига хос ўрни бўлиб, у асарнинг жанр хусусияти, мазмуни ва синтактик қурилиши билан узвий боғлиқ. Бадий асарда пауза муаллиф фикрининг тингловчига аниқ ва тўла етиб боришига катта ёрдам беради.

Пауза шеърини асарларда аксарият сўроқларга тушади ва ҳис-ҳаяжон бағишлайди. Шеърдаги байт ёки бандлар асарнинг тугалланган бир бўлаги сифатида бир-биридан доимо пауза билан ажралади.

Масалан:

Кўм-кўк...
Кўм-кўк...
Кўм-кўк...
Меҳнат шараф ва шон бўлган
водийлар!
кўм-кўк...

(Ҳамид Олимжон.)

Паузанинг турлари ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Биз талбаларга тушунарли бўлсин учун уни уч кўринишга бўлиб ўрганамиз:

1. Грамматик пауза.
2. Мантиқий пауза.
3. Психологик пауза.

Грамматик пауза. Бадий асарлар ифодали ўқилганда тиниш белгиларида қисқа пауза қилинади. Бундай пауза *грамматик пауза* деб аталади.

Ўзбек тилида қуйидаги тиниш белгилари ишлатилади: нуқта (.), сўроқ белгиси (?), ундов белгиси (!), кўп нуқта (...), вергул (,), нуқтали вергул (;), икки нуқта (:), тире (—), қавс () ва қўштирноқ (" ").

Мисоллар: 1. Нуқтали пауза:

Аё дўстим, бир гапим бор, англаб ол,
Мен гапирай, зеҳнинни қўй, қулоқ сол.
Жаллодларга ялинмагин, бўйнингдан,
Гавҳарни не билсин ушланган сопол.

(Эргаш Жуманбулбул ўғли.)

Куз, жануб кузи. Саҳрода ҳеч қачон бўлмайдиган сукунат. На чигирткаларнинг чириллаши, на кўр каламушнинг чийиллаши ва на юмронқозиқларнинг ҳуштак чалиши эшитиларди. Тилла ранг куркинаклар, қалдирғочлар, чуғурчуқлар, тоғ чумчуқлари ҳамма вақт ҳашарот топиладиган юртларга аллақачонлар учиб кетган. Ҳамма ёқ бўм-бўш. (Виктор Авдеев.)

2. Сўроқ белгисида қилинадиган пауза:

Нега мунча гўзал кўринар олам?
Нега қараб тўймас кўзларим?
Нега жўш уради, кўпиради қон?
Нега мисдай қизир юзларим?

(Уйғун.)

— Бу ерни ким обод қилган? Бу оғир тошларни ким олиб келган? — деди Асқар ота ва ўз-ўзига жавоб берди. — Ким олиб келарди?! Бу ерга мени ким олиб келди? Шундай одамлар ҳам бўладики, туғилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганида бутун юрт аза тутади. Қизим, Баҳри, шундақами? Шундақами, Собирахон?

(Абдулла Қаҳҳор.)

3. Ундов белгисида қилинадиган пауза:

Ҳой ишчилар!
Эзилган меҳнатчилар!
Битсин золим бойлар!
Эркингни қўлдан берма,
Яша, хизматчилар!

(Ҳамза.)

Назира буви! Туринг, Тўхта бувиникига чиқамиз.

(Абдулла Қаҳҳор.)

4. Кўп нуқтада қилинадиган пауза:

Тушундим: у тотли хаёллар—хаёл,
Алданмас бу юрак ширин сўзингга.
Йўқол, э... алдамчи, ёндашма, йўқол,
Термилиш йўқ энди, орсиз юзингга!
Жилмайма, қарама, сўйлама менга,
Эски афсонани куйлама менга...

(Миртемир.)

Ўрмонжон мумкин қадар уни босишга ҳаракат қилди. — Ҳовлиқманг... гапираман десам, менда ҳам гап топилади...

(Абдулла Қаҳҳор.)

5. Вергулли пауза:

Умрим, эй, сен бўлиб шунча беғубор,
То абад айладинг мени бахтиёр.
Умрим, эй, сен билан қилиб ифтихор
Бўлайин ўлгунча мен ҳам миннатдор!

(Ғафур Ғулом)

Жамол бу землянкага бирон баҳона билан бир зум бўлсин, кўз ташлаб ўтар эди: гоҳ газета ташлаб кегади, гоҳ эшикдан бирор қизиқ хабарни билдиради.

(Ойбек.)

6. Нуқтали вергулда қилинадиган пауза:

Инграб ёгар эли ярадор...
Суянчиғи бўлди оқ қайин;
Унинг ҳолин кўриб, бошида
Тебратарди шохларин майин.

(Муса Жалил.)

Яна учта нарсани айтайин, қулоқларингга олиб, эсларингдан чиқарманглари биринчиси, тўғри бўлинлар — беҳавотир бўласиз; иккинчиси, мақтанчоқ бўлманглари — хижолат тортмайсиз; учинчиси, дангаса бўлманглари — бахтсиз бўлмайсиз.

(Эрчакдан.)

7. Икки нуқтада қилинадиган пауза:

Замонанинг зайтига қаранг:
Кўзи қийшиқ, юзи бурушиқ, зеҳни элдан паст
Пари қилиб кўрсатар денг, биздайга узин!

(Омон Матжон.)

Баҳор ҳаёлчанлик билан гапириб, ишонч билан қўшиб қўйди: — Қурилишдаги электр пайвандчи дугоналарим менга ўз ҳунарларини ўргатишди. Менинг учун қанчадан-қанча куч сарф этишди. Энди ҳунаримни ўзгартирсам, дугоналаримга ҳам, касбимга ҳам ҳурматсизлик бўлмайдими?

Врач узун мўйловини силаб, қизга меҳрибонлик билан қаради:
— Балли. Дилинг покиза экан, қизим...

(Шароф Рашидов.)

8. Тиреда қилинадиган пауза:

Ватан — она,
Ватан — жаннат,
Ватан — иқбол чироғи.
Ватан — жаҳон юрагидир.
Ватан — ҳаёт булоғи.

(Амин Умарий.)

Бахмал мактабининг ўқувчилари анча нарила — поёнсиз бугўдойзорларда туташиб кетадиган мактаб боғида ишлардилар. Мевазор боғ — Бахмал мактабининг ифтихори бўлиб, бутун районга шуҳрати кетган эди.

(Шароф Рашидов.)

9. Қавсларда қилинадиган пауза:

Олдин у билан армия қўмондони гапиришди, кейин (буни Озеров сира кутмаган эди) генерал-майор Бородин гапиришди. Маълум бўлишича, Бородиннинг дивизияси (Озеровнинг полки шу дивизияга қарашли эди) қўшни ўчастькани озеровчилар фронт линиясидан ўтган жойдан сал шимолроқни мудофаа қилиб турар экан.

(М. Бубенов.)

10. Қўш тирноқда қилинадиган пауза:

Шунда Олег сураб қолди: „Қани айтингиз,
Қаердадир жон ўртоғим, чопқирим, отим?
Омон борми. у ҳали ҳам буй бермасми — тез
Ўша-ўша ўйноқими, худди елдимир?“

(А. С. Пушкин.)

Узоқдаги тепаликда шамол тегирмон кўринади. Ворошилов тегирмонни кўрсатиб: „Хужум ўша ёқдан...“ — деди.

(А. Толстой.)

Машқ. Қуйидаги матнларни ўқинг. Ундаги грамматик паузаларга эътибор беринг.

жим. қойил. ҳа.	жим! қойил! ҳа!
жим, қойил, ҳа.	жим... қойил... ҳа...
жим? қойил? ҳа?	жим?! қойил?! ҳа?!

Машқ. Султон Жўранинг „Тиниш белгиларининг мажлиси“ номи асарини ифодали ўқинг. Унда ишлатилган тиниш белгиларининг паузаларини талаффузда ифодаланг.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

„ ? ! , “ —

Беш-олтита тиниш белги келиб бугун,
Ўтказмоққа қарор қилди жиддий йиғин.
Раис бўлди ундов белги — мирза терак,
Деди, ҳар ким ўз ролини айтмоқ керак.

Тшунтиринг, недур сизнинг вазифангиз?
Сўз минутин кўпроқ берай, оз десангиз.
Ўз жойида ишлатмасдан Турғун, Ғани,
Балки сизни хафа қилган? Сўзланг, қани.

Биринчи сўз Нуқтавойга. — У бош, катта,
Нуқта чиқди бир думалаб мисли копток.
— Фикрларнинг бекатима — нуқтадирман,
Ҳар дарак гап охирида тўхтайдурман.

Бошқа фикр бошланажак мендан кейин,
Баъзан қулоқ солмасалар, мен не дейин?
Паровозлар йўл олгандек ҳар бекатдан,
Менга етгач, олмок керак тўлиқ бир дам.

Ўзимдан сўнг қўймоқ зарур зўр бош ҳарф,
Бироқ баъзан унутади бизни Зариф.
Ҳар бир бош ҳарф ёнимдаги бир соқчидир,
Қайси бола буни қўйса, зап яхшидир.
Гапим тамом, бундан бўлак менга не бор?
Ўйлайманки, сўзим қолмас безътибор.

?

Энди Сизга гап навбати, ўртоқ Сўроқ!
Ана, чиқди сўроқ белги мисли ўроқ.
У қоқилиб аранг қолди кетмай қулаб,
Ё бу белги, ёки зирак таққан қулоқ.
— Сен сингари ролим айтсам, Нуқта дўстим,
Ҳар суроқ гап битган менинг постим.
Мендан сўнг ҳам катта ҳарф қўймоқ шартдир,
Бунга одат қилинмаса, ёмон дарддир.
Уқдингизми? Етадимми? Борми савол?
Ёки ўзим сурайними сиздан савол?

Ундов повча ўзи олди сўз галини,
 Михдай туриб баён қилди ўз ҳолини:
 — Мазмунидан ундов, севинч, нафрат, газаб,
 Ё ҳаяжон маъносини англатса гап,
 Шунда жумла адоғида бўлар жойим.
 Мендан сўнг ҳам бош ҳарфлар келар доим.
 Эҳ! Нақадар соз бу кунги йиғилишимиз!
 Бу яхши иш, ҳар чоқ шундай йиғилишингиз!

— Ўртоқ раис, энди менга навбат бергин,
 Деб сўз олди кичик тўқмоқ — бизнинг Вергул.
 — Жинқарча деб, мени деманг норасида,
 Ўрним тенглош бўлакларнинг орасида.
 Фикрлар „айрилици“ ман, менда бир пас
 Олиб ўтар ҳар ўқувчи ярим нафас.
 Ундалма сўз кела қолса гап бошида,
 Ундан кейин мен тураман ёнбошида.
 Гар ундалма гап келса қоқ ўртада,
 Уни икки ёнбошида мен жўрттага,
 „Қани энди, Ундалмахон, қочиб боқчи“ —
 Деб бўлурман юбормайин унга соқчи.
 Гар ундалма гап сўнгида келса, у чоқ,
 Ундан олдин қўйилармиш, тушун, ўртоқ!

“ “

Циркдан қизиқчидек қўштирноқлар
 Бир маҳалда кулиб чиқди хушдиҳоғлар:
 — Завод, фабрик, колхоз, газета, журнал —
 Ҳоказо от қўйилган бўлса дарҳол,
 Уни қуршаб оладирмиз икки ёндан,
 „Тошкент оқшоми“ га чиқдик биз хандон.
 Кўчирма гап кетолмайди биздан қочиб,
 Уни доим оламиз қучоқ очиб.
 Мана, раис — „Вақт тамом, тўхтатингиз“, —
 Деб қолдику. Майли энди йўқ гапимиз.

Энг охирида шошиб-пишиб, нари-бери,
 Жиндаккина сайраб олди гугурт — Тире:
 — Диалогда менинг энг кўп турар жойим,
 Яна маъно такрорланса, мен бор доим...
 — Кўп чўздингиз, англайсизми, ўртоқ Тире?
 — Майли, битди, қарор бўлса ўқий беринг.
 Шунда раис деди: — Энди мажлис ёпиқ!
 Ҳар бир вакил жўнаб кетди йўлин топиб.

Мантиқий пауза. Сўз гуруҳларини бир-биридан ажратиб, матн маъносини аниқ ва тўла ифодалашга хизмат этувчи паузага мантиқий (логик) пауза дейилади. Мантиқий пауза матнни кесиб ўтган тўғри чизиқча (/) билан белгиланади. Масалан: Аммо (эрта саҳар пайтда) жуда узоқдан бир мақомда гулдирган товуш (аранг қулоққа чалинди), бу товуш (ўрмондаги шовур-шувурлар орасидан) зўрға эшитиларди. (Б. Полевой.)

Шеърятда мантиқий паузалар асарнинг композициясига қараб ҳам белгиланади. Масалан, Уйғуннинг „Тонг“ шеъри ифодали ўқилганда қуйидагича мантиқий пауза қилинади:

Сахар чоғи. . . /кумуш каби шудрингдан/
 Сирға тақиб /япроғига бош қуйиб/
 Гуллар туннинг кучоғида мудрайди./
 Титраб-титраб унда-бунда юлдузлар/
 Шошиб-пишиб ётоғига кетгали./
 Даргоҳига етгали/
 Олтин шоҳи этагини судрайди./

Мантиқий пауза ифодали ўқишнинг ўзига хос энг муҳим унсурларидан бири бўлиб, у фақатгина мантиқ қонуниятига риоя қилади, лозим бўлса, тиниш белгиларини ҳам мутлақо инкор этали

Мантиқий пауза гапнинг мазмунини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Мисол учун қуйидаги жумлаларни икки хил пауза билан ўқиб, маъно ўзгаришига эътибор беринг:

1. Ярамас / итдай ўлиб кетди.
 Ярамас итдай / ўлиб кетди.

(Н. В. Гоголь)

2. Алдасам / сизни ер ютсин.
 Алдасам сизни / ер ютсин.

(„Майсаранинг иши“ операсидан.)

Мантиқий паузанинг бундай жозибадор кучидан халқ донишмандлари унумли фойдаланганлар. Масалан:

Бир куни Афанди аълам билан гаплашиб ўтирганда, уларнинг гаплари бир-бирига тўғри келмай қолади. Шунда Афанди аъламини: „Сиз ахмоқ одамсиз“, — дейди. Аълам уни подшонинг олдига судрайди. Подшо Афандига дўқўписадан кейин:

— Дарров узр айт, сиз ахмоқ одам эмассиз, кечирасиз, дегин, йўқса, ҳозир жаллодни чақираман, — дейди.

Афанди аъламга қараб:

— Сиз ахмоқ, одам эмассиз! — дейди.

Бу ўринда Афанди „Сиз ахмоқ, одам эмассиз“ гапи билан олдин айтган „Сиз ахмоқ одамсиз“ деган фикрини таъкидлаган — аъламини „ахмоқ“ дейишдан ташқари „одам эмас“ га ҳам чиқарган.

Топшириқ. Паузанинг ҳар бир турига бир нечтадан гап тузинг.

Психологик пауза. Муаллифнинг матида яширинган кучли ҳис-ҳаяжонини психологик пауза орқали ифодалаш мумкин. Психологик пауза ўқувчи ва нотик нутқига жонлилик киритиб, асарнинг таъсирчанлигини оширади. Психологик пауза икки чизиқча (//) билан белгиланади.

Бадий асарларнинг ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, истиора ва бошқа тасвирий ифода воситалари қўлланган ўринларда психологик пауза катта роль ўйнайди. Масалан, Уйғуннинг „Назир оганинг ғазаби“ асаридан олинган парчани кўрайлик:

Тавба. . .

Бу лаънати, асти нима қилади?!

Қани энди. . . бўға бошласам!

Иложи бўлса-ю, лаънатини

Тилка-тилка қилиб ташласам! . . .//

Маълумки, нутқ тафаккур маҳсулидир. Киши фикри ёки мақсадини иккинчи бир кишига сўзлар воситасида етказиб, ўзаро фикр алмашади, алоқада бўлади ва кайфиятини ифода этади. Фикр-туйлар, мақсад-интилишлар, ҳис-ҳаяжонлар бошқаларга овоз товланиши орқали ҳам етиб боради. Муайян истак, ният интилиш, ҳаракат натижасида юзага келувчи ана шу овоз товланишларига *интонация* дейилади.

Ифодали ўқиш жараёнида интонациянинг аҳамияти катта.

Бадиий асарда интонация орқали қаҳрамонларнинг турли кайфияти, лички кечинмаси ифодаланади. Айниқса, поэтик асарларнинг ритмик оҳангдорлигини тингловчига етказишда интонация катта роль ўйнайди.

Интонациянинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, таъкидланганидек, у асар мазмуни, автор мақсади, фикр-туйғуси ҳамда кайфиятидан табиий равишда келиб чиқади.

Машқ. Қуйидаги матнларни ўқинг. Интонациянинг психологик вазифа-мақсад, ният, интилиш орқали ифодаланишини кузатинг.

1. „Неча пул берай? — баққол бидирлаб, деҳқоннинг қўлини ушлади. Эсхушини йўқотиб гарангланган деҳқон дастлаб индамади. Ёш баққол вайсайвергандан сўнг, бир уҳ тортиб, секингина деди:

— Ўн тўрт сўм берасиз...

— Э? Ўн тўрт сўм? Тушингизни сувга айтинг.

— Шаҳарда ўн саккизга „ғнинг“ лемай олади. Номложликдан дейманда. Қовунга қаранг. Ҳар бири туянинг калласидай. Жуда сараланган.

— Шаҳарга бора олмайсиз, — бидирлади баққол, — қовунни ҳам кўрдим. Ўртача. Агар яхши бўлса, халқ еб, сизни дуо қилади, мен ўзим емайман. Кейин, ким билади, бир палакдан ҳар хил қовун етишади. Деҳқон бўлмасак ҳам буни фаҳмлаймиз. Уч сўлкавой бераман, хўп денг!..

— Саксонга қовунга-я? Уч сўм? — деҳқон тескари бурилди.

— Инсоф қилинг. баққол ака! — кичқирди Йўлчи.

Яна бирмунча одамлар Йўлчининг сўзини тасдиқладилар. *(Ойбек.)*

2. Ботирали ётган ерида, душман томонга қараб, бор овози билан яна кичқирди.

— Таслим бўлмасаларинг, ҳаммангни қириб ташлаймиз *(баланд овоз билан)*! Қўрбоши томондан жавоб бўлмади. Бир оз сукунатдан сўнг Ботиралининг командаси янгради.

— Огонь *(баланд овоз)*!

Пулемёт сайради, милтиқлар тилга кирди. Тоғ бағрини тутун қоплади. Жангчилардан алакимнинг:

— Таслим бўлишди *(баланд овоз)*, — деган кичқирғи эшитилди. *(Ҳамид Фулом.)*

3. — Кўп олифталик қилаверма. Ўзинг адабингни еб қолсань.

— Кимдан? — деди кўзини кисиб пўрим бола.

— Мендан.

— Сендан-а? Ёшлик қиласан, ука.

— Сендан ёш эмасдирман.

— Нечага кирдинг ўзинг?

— Ишинг бўлмасин. Сен-чи?

— Ўн тўртга — деди бола, бир оз ёлғон қўшиб.

— Ҳе! — деди Ваня хуштак чалиб.

— Нима ҳе!

— Ундай бўлса, қанақа солдатсан?

— Бошқаларга ўхшаган солдатман.

(В. Катаев.)

Оламда ҳаёт мавжуд экан, „ҳаёт бор жойда ҳаракат, ҳаракат бор жойда — қимирлаш, қимирлаш бор жойда эса — темп, темп бор жойда ритм бор“¹. Демак, ҳаёт ва меҳнатни маълум темп ва ритмсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Меҳнат маълум бир меъёрида такрорланса чарчатмайди. Шунинг учун ҳам меҳнат жараёнида айтиладиган ашулалар оҳанги ўша иш-ҳаракатга ҳамоҳан бўлади.

Бадий адабиёт ҳаётни инъикос эттирар экан, унда ҳам темп ва ритм сақланади. Бу, ёзувда тиниш белгилари орқали ифодланади.

Бадий адабиётда темп ва ритм асарнинг ғоявий-эстетик моҳиятини очишга хизмат қилади, шутқнинг эмоционал таъсирчанлигини кучайтиради, эстетик завқ уйғотади. Демак, темп ва ритм ифодали ўқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай асарда ўзига хос темп ва ритм яширинган бўлади. Шунинг учун ўқувчи тўғридан-тўғри ифодали ўқишга киришмасдан, аввал асар билан пухта танишиб чиқиши зарур. Сўнгра, асарнинг темп ва ритми ўзгарадиган ерларини қалам билан белгилаб олгач, ифодали ўқишга киришса, асар мазмуни, муаллиф мақсади тингловчига тўлиқ егиб боради.

Темп лотинча (*tempus* — темпус) сўздан олинган бўлиб, суръат, даража, вақт деган маъноларни англатади.

Темп — ифодали ўқишнинг ҳис-ҳаяжон жиҳатдан интенсивлиги, унинг изтиробли, ҳаяжонли нафасидир. Асарда темп қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, ҳис-ҳаяжон, воқеалар ривожланишининг кескинлиги даражасига кўра ўзгариб туради.

Ифодали ўқиш жараёнида темпни кўтариш ховлиқиш деган гап эмас, аксинча жонлантириш демакдир.

„Агар бирор ҳаракат маълум бир вақт меъёрида бажарилса, темпни кўтариш уша вақтни бир оз қисқартиришга олиб келади. натижада яшаш (кечинма) ни ҳам, шу орада айтиладиган сўзни ҳам бир оз тезлаштириб, қисқартирилган вақт миқёсига жойлаштиришга тўғри келади“².

Агар ифодали ўқиш жараёнида темп инobatта олинмаса, нутқ сўлгин, жонсиз бўлиб, таъсир кучи пасаяди. Бунга Фафур Ғулломнинг „Сен етим эмассан“ шеъридан олинган қуйидаги парча яхши мисол бўла олади.

Нега чўчиб тушдинг?
Мурғак тасаввур,
Гўдак ҳаёдингга
Нималар келди? } Ўрта темп

Балки Одесс даҳшати,
Керч фожиаси,
Ёввойи маҳлуқлар,
Қонхур ваҳшийлар... } Душманга бўлган нафрат кучайиб борганлиги туфайли темп ҳам кўтарилди боради

¹ Станиславский К. С. Собр. соч., т. III. М., „Искусство“, 1955, 152-бет.

² Иномхужаев С. Бадий ўқиш асослари, „Ўқитувчи“, Тошкент, 1973, 172-бет.

Маммаси кесилган
 Шурлик онангининг
 Пажмурда гавдаси
 Кузинг унгида
 Бутун даҳшати-ла
 Акс этар энди.

темп кўтарилади

Онанг хўрландими,
 Отанг ўлдими,
 Сен етим қолдингми,
 Қайғурма, қузим,
 Кузим усти,
 Миннатинг бошимга дурра.

темп пасаяди

Ота-онасининг
 Тайини ҳам йўқ,
 Суг кўр қилгур, ҳароми
 Гитлер оқпадар
 Фарзанднинг қадрини
 Қаердан билсин?!
 Бир қўнғиз мўйловли,
 Бароқ соч малъун,
 Жигар ранг бир мундир
 Истаги учун
 Наҳотки еримиз
 Чаппа айланиб,
 Наҳотки дарёлар
 Оқар тескари,
 Наҳотки одамлар
 Кезар дарбадар?!

темп кўтарила боради

Ахир жуда яқин
 Қонли интиқом,
 Алҳазар, алҳазар,
 Кўпирар томирларда қон
 ва портлар ҳадемай
 Бу ўтли вулқон.

темп юқори даражада кўтарилади

Диалогик нутқда темп персонажларнинг характер хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг „Ўғри“ ҳикоясидан олинган қуйидаги матнда Аминнинг сўзлари бир оз кўтаринки, Қобил бобонинг сўзлари эса нисбатан пастроқ темпда ўкилади:

— Ҳа, сигир йўқолдими?

— Йўқ. . . сигир эмас, ҳўкиз, ола ҳўкиз эди.

— Ҳўкизми? . . . Ҳўкиз экан-да! Ҳимм. Ола ҳўкиз? Тавба!

— Бор-йўғим шу битта ҳўкиз эди. . .

Амин чинчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кулди.

— Йўқолмасдан олдин бормиди? Қандақа ҳўкиз эди?

— Ола ҳўкиз. . .

— Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?

— Қўш маҳали. . .

— Яхши ҳўкиз биров етакласа кета берадими?

— Бисотимда ҳеч нарса йўқ. . .

— Ўзи қайтиб келмасмикан? . . . Биров олиб кетса, қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!

Қобил бобо ерга қараб тек қолди.

(Абдулла Қаҳҳор.)

Шундай қилиб, нутқ темпи асар мазмуни ва муаллиф мақса-
дига кўра гоҳ пасаяди, гоҳ кўтарилади. Бадий асарларни ифо-
дали ўқиганда ўқиш темпининг ўринсиз кўтарилиши ёки пасайиши
асарнинг гоаявий-эстетик таъсир кучини сусайтиради.

Ритм. Ритм грекча (rhythmos — ритмос) сўзидан олинган бў-
либ, вазидош, оҳангдош деган маъноларни англатади. Ритм ифо-
дали ўқишда катта ўрин туттади.

Бадий адабиётда, айниқса, шеърятда мисрадаги кичик бў-
лакларнинг бир-бирига монанд равишда такрорланиб келиши
ритмни ҳосил қилади. Масалан, бармоқ тизимидаги шеърларда
ритм, туроқ, қофия, радифлар ёрдамида ва мисралардаги ҳижо-
ларнинг бир текисда такрорланишидан майдонга келади. Аруз
tizimига мансуб шеърларда эса, ритм чўзиқ ва қисқа ҳижолар-
нинг бир хил тартибда такрорланишидан ҳосил бўлади. Эркин
шеърларда ҳар бир сатр зинапоя шаклида бўлакларга бўлиб ёзи-
лади ва уларни ўқиганда мазмунга қараб, ритм сақланади.

Поэзияда ритмни бир неча ички турларга бўлиб кўрсатиш
мумкин. Масалан, банд (строфа) ритми, аллетерацион ритм, ана-
фора ритми, интонацион ритм, ижрочилик паузаларига боғлиқ
бўлган ритмлар ва бошқалар. Биз булардан банд ритми, аллете-
рацион ритм ва анафора ритми ҳақида фикр юритиш билан чек-
ланамиз.

Банд ритми. Ўзбек поэзиясида банд қурилиши билан боғлиқ
ритм *банд ритми* деб аталади. Бандларнинг қофияланиш тарти-
би ҳар хил бўлиб, улар ўзига хос ритм ҳосил қилади. Масалан:

М а с н а в и й

Водийларни яёв кезганда,	= а
Бир ажиб ҳис бор эди, манда...	= а
Чаппар уриб гуллаган боғин,	= б
Ўпар эдим Ватан тупроғин.	= б
Одамлардан тинглаб ҳикоя,	= в
Ўсар эди шоирда гоая...	= в

(Ҳамид Олимжон.)

Му ра б ба ь

Эмди сандек жона жонон қайдадур	= а
Кўруб гул юзингни боғда бандадур.	= а
Сақлай ишқинг токим, жоним тандадур.	= а
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.	= а
Меҳринг ўги ногоҳ тушди жонларга,	= в
Парвойим йўқ зарра хону монларга,	= в
Лола, янглиғ тўлиб бағрим қонларга,	= в
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.	= а

(Муқимий.)

М у х а м м а с

Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг, = а
Яна кўнглим олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг, = а
Жамолинг партавин солиб, ажойиб жилвалар қилдинг, = а
Масиҳдек бир боқнишда мурда жисмим зиндалар қилдинг, = а
„Санга мен то қиёмат ошно“, деб вавдалар қилдинг, = а,
Қани манга вафои аҳд қилғонинг, гули ғунча, = б

Қани булбул сифат олдингда турғоним очилгунча, = б
 Қани бизларга ҳамсүхбат рақиблардек, тонг отгунча, = б
 Сани дарди фироқинг айгиб-айтио йиғлай ўлгунча, = б
 На деб әй меҳри йуқ, мен хаста қулға *ғамзалар қилдинг.* = а

(Завқий.)

Мусаддас

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мандек, = а
 Ол домини бўйнидин, бечора экан мандек, = а
 Ўз ёрини топмасдан овора экан мандек, = а
 Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мандек, = а
 Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек, = а
 Куйган жигари-бағри садпора экан мандек, = а
 Кес риштаниким, қилсун чапаклар *отиб жаста* = б
 Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари *хаста*, = б
 Тоғларға чикиб бўлсун ёри била *пайваста*, = б
 Кел, қўйма бало доми бирла они *побаста*, = б
 Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек = а
 Куйган жигари-бағри садпора экан мандек. = а

(Фурқат.)

Аллитерацион ритм бир хилдаги оҳангдош товушларнинг такрорланиши натижасида ҳосил бўлади:

Бу йуллар
 кўп қадим йуллардир...
 Узала тушган чўл каби сокиг.
 Устидан
 шабада эсмаган
 тиниқ кўл каби,
 Оғзи қон бир бўри
 ё оқсоқ бир ит:
 Ҳайқирса,
 увласа,
 Ҳар тонгда
 бир донг деб
 бонг урса,
 довуллар...

(Ғафур Ғулом.)

Анафора ритми — поэтик асарларнинг мисралари бошида ёки прозаик асарлардаги гапларнинг охирида бир хил товуш, оҳангдош сўз ёки ибораларнинг такрорланиб келишидан ҳосил бўлади. Масалан:

Кўм-кўк
 Кўм-кўк
 Кўм-кўк...
 Кўклам қуёшидан
 кукарган қирлар
 Пўлат яғринларни
 кўтарган ерлар
 кўм-кўк.

(Ҳамид Олимжон.)

Қора зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор,
 Юзунгнинг иштиёкида не сабру қарорим бо.
 Лабинг бағримни қон қилди, кузумдин қон равон қилди,
 Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор...

(Бобур.)

Анафора ритми — бир неча гапнинг синтактик жиҳатдан бир хилда боғланиб келишидан ҳам пайдо бўлади:

Меникидир келажак, чаман,
Меникидир мактаб, ижод, фан,
Меникидир соғ ақл, бадан,
Кўнглим тўлин ой каби равшан.

(Ҳасан Пўлат.)

Темп ва ритм бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бадий матнни ифодали ўқишда уларга қатъий амал қилингандагина муаллиф мақсадига тўла тушуниш мумкин.

Машқ. Қуйидаги матн билан тўла танишиб чиққач, унинг мазмунига хос ўқиш темпини, пауза ва ургуларини аниқлаб, ифодали ўқинг.

Куз. Япроқлар аста тўкилмоқда. Тунлари изғиринли совуқ. Бир-икки ёғин ҳам бўлиб ўтган. Бугун ҳаво яхши, осмон зангори.

Дадам Янгибозордан келдилар. У киши уйга ҳар кун ўтин, кўмир, ёғ, мош, хуллас, рўзғорга керакли икир-чикирни ташийди. Нархи наво ошган, баҳорда ёмғир бўлмаганидан арпа-бугдой битмаган. Дадам бозордан жўхори олиб келди. Фақир одамлар, қосиблар, мардикорларнинг аҳволлари хароб.

Эрталаб мен чойдан кейин отни миниб жарга жўнайман. Жарда толлар, қайрағочлар тула. Жимжит. Отни суғориб турсам, тўсатдан даҳшатли милятиқ задолари янграйди. Бу нима бўлди? Янги шаҳарданмикан? Садолар яқиндан янграйди

Жардан чиққанимда милтиқ овозлари кучаяди. От чоптириб бир зумда гузарга етиб келаман. Баққоллар, чайхонада ўтирган одамлар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарайдилар: „Нима ғайво?“

Уйда дарров отхонага отни боғлаб чиқаман.

— Нима бало, милтиқ отилаяптими?— дейдилар онам кир ювиб ўтирган жойлариди.

— Гузардагилар, қўзғолонга ўхшайди, дейишяпти!..

Онам ҳайрон бўлганча анграйиб қоладилар. Мен яна гузар томон югураман. Гузардаги халойиқ ҳамон саросимада. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Баққоллар, қассоблар бирин-кетин дўконларини йиғмоқдалар. Лекин самоварда одам тула. Отишма овозлари борган сари кучайиб авжига чиқмоқда. Извошчилар бирин-кетин Эски шаҳар томон кетмоқдалар. Қатор-қатор бўш трамвайлар Янги шаҳар томон ўтмоқда.

Қўзғолон! Катта қўзғолон! — дейдилар извошда келаётганлар олдиларидан тусиб сураган одамларга.

(Ойбек.)

Машқ. Қуйидаги асарни ичингизда ўқиб, сўнгра темп ва ритминини аниқланг.

Эй, дил, ўзингга илму адабни шиор тут!
Ахлоқу илмсиздин ўзингни канор тут.

Бўлсун ҳамиша ҳамдамингу пеша мардлик
Номардга ҳеч мусоҳиб ўла кўрма, ор тут.

Номардлар ото, онони, дўстни билмагай,
Қил яхшилик, натижа ёмон интизор тут.

Номардлар илму халқ ва аҳабдин эрур узоқ,
Номардга ҳеч сир айтма, ўзинг устивор тут.

Номардлар энг яқин дўст ўлуб сиринг ўрганур,
Сақла ўзингни, ақл ила ҳушингни ёр тут.

Номард агар қилур эрса бир жон сенга фидо,
Юз жондин уз умиду балога дучор тут.

Номард ўз, ёмонлигини сенга ағдарур,
Ҳар қанча ўзни тоза, тиниқ беғубор тут.

Мардликдур олиҳиммату олижаноблик,
Ахлоқ, илминг ила они барқарор тут.

Номард кўз ёғинг еб олиб ғийбатинг қилур,
Билмайдур унга қанчаки мол-жон нисор тут.

Беилмик қилур кишини хор ҳам разил,
Илму адоб билан абадий ифтихор тут.

Номард билан муомила Хуршидга берди дарс,
Эй дил, бас эмди илм ила мардлик шиор тут.

(Хуршид.)

МАТНИНИ ЎҚИШ, ҲИКОЯ ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ИЖОДИЙ ҲИКОЯЛАШ

Умуман, бадиий асарлардаги маттни ўрганиш авваламбор уни тўғри ўқиш билан бошланади. Бадиий асарларни тўғри ўқиш ифодали ўқиш дарсларининг асосини ташкил қилади.

Ўқувчилар бадиий асарларни ёки улардан олинган парчаларни тўғри ифодали ўқисалар, уларнинг кўз олдиларида алоҳида янги манзаралар, ҳодиса ва воқеалар намоён бўлади.

Бунинг учун ифодали ўқиш дарсларини тўғри ташкил қилиш ўқитувчи зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам ўқитувчидан адабий асарнинг бадиий хусусиятини ақс эттириб эмоционал завқ берадиган қилиб ўқиш талаб қилинади. Агарда ўқитувчи маттни юқорида қўйилган талаб асосида ўқий олса, унда асарнинг бадиий таъсир кучини, ёзувчининг мақсад ва руҳий ҳолатини, тасвирланаётган ҳаёт манзарасини тингловчининг кўз ўнгига тўғри гавдалантира олади.

Шунга кўра ўқувчи ҳам худди ўз ўқитувчиси сингари ўқишга ҳаракат қилади, унга тақлид қилади, унинг йўлидан боргиси келади.

Маттни тўғри ўқишнинг асосий йўлларида бири, аввал матн билан танишиб чиқиш заруриятини туғдиради. Ўқувчи маттни бир марта ичда ўқиб, нотаниш сўзларни аниқлаб олгач, сўнгра маттни овоз чиқариб ифодали ўқишга киришса қўйилган мақсадга тезроқ эришиши мумкин.

Бундан ташқари, бадиий маттни ўқиб, уни оғзаки ҳикоя қилиб бериш, асар мазмунига тўла тушунишга олиб келади. Асар мазмунини тўла тушунган ўқувчи, маттни тўғри, ифодали ўқиши мумкин.

Ифодали ўқиш билан қайта ижодий ҳикоялаш бир-бирига жуда яқин туради. Бирор бадиий асарни ёки ундан олинган парча-ни ифодали ўқиган вақтда ўқувчи-талаба иложи борича муал-

лифнинг фикрига яқинлаштириб сўзлаб беришга, ёзувчининг нутқ услубини, матннинг сюжет чизигини ва композициясини сақлашга ҳаракат қилади. У тингловчиларнинг асар мазмунини яхшироқ тушунишларига, ундан таъсирланишларига эришиш учун ифодали ўқиш воситаларидан бири бўлган интонациядан мимика ва имо-ишоралардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Талаба-ўқувчи бадиий асар матнини сўзма-сўз ҳикоя қилиб берса, қайта ижодий ҳикоялашда эса, у билим қобилиятини ишга солиб, ҳикоя қилинадиган асарга нисбатан эркинроқ мувосабатда бўлади. Асосий эътиборни асардаги бирор воқеага қаратмай, муайян ғояни биринчи ўринга қўяди. Ҳикоя қилиш жараёнида талаба-ўқувчи матнни қисқартириши, ундаги тушунилиши қийин бўлган сўзларни ўз сўзларига алмаштириб ҳикоя қилиши мумкин. Талаба-ўқувчи ўқилган матнни ижодий қайта ишлаб, асосий мазмунни сақлаган ҳолда уни янги шакл да баён қилишга одатланади. Ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш учун янги-янги шакл ва ибораларни ишлатишга ҳаракат қилади, уларни исботлаш мақсадида матндан парчалар—цитаталар келтиради. Шу йўл билан уларнинг оғзаки нутқи бирмунча яхшиланади, фикр юритишлари эса равонлашади.

Талабаларимиз мумтоз асарни ўқиётган вақтда бирмунча қийналадилар. Бунинг асосий сабабларидан бири шевага берилиб кетиш бўлса, иккинчиси эски ўзбек сўзларини яхши билмасликдир.

Бунинг учун иложи борича шевадан қочиб, адабий сўзлашишга интилиш, сўзларни тўғри талаффуз этишга уриниш лозим. Айрим талаффузи қийин сўзларни ёд олиш керак.

Мумтоз асарларни ифодали ўқишдан олдин, матн билан яхшилаб танишиб чиқиш жараёнида, ёзувчи ёки асар қаҳрамонининг кечинмаларини чуқур ҳис этиб, асар мазмуни ва мантиқини тўла тушуниш лозим, бу меҳнатталаб ва мураккаб бир ишдир.

Талабаларга ёрдам мақсадида қуйида Алишер Навоийнинг „Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади“ ғазалининг матнини намуна сифатида берамиз.

Шеърнинг матни, вазни, байтларнинг насрий баёни:

1. Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга неча тонг откунча уйқу келмади.
2. Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.
3. Орағидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронгу, келмади.
4. Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.
5. Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча су(в) келмади.
6. Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқа ўтру келмади.
7. Эй, Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглум уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайгу келмади.

(Алишер Навоий.)

Ғазалнинг вазни

Бу ғазал „рамали мусаммани маҳзуф“ вазнида ёзилган бўлиб, тиқтиъи-парадигмаси:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Байтнинг ҳижолаарга бўлиниши:

Ке-ча-кел-гум дур-де-бон-ул сар-ви-гул-ру кел-ма-ди

Кўз-ла-рим-га ке-ча-тонг-от кун-ча-уй-қв кел-ма-ди

Байтларнинг насрий баёни:

1. Ул сарвқомат, гул юзли гўзал ёр тунда келаман деб ваъда берди-ю келмади.

Тун билан то тонг отгунча унга мунтазир бўлиб, ухламай чиқдим.

2. Дам-бадам кўчага чиқиб, унинг йўлини пойлаб ўтирдим, жоним ҳалқумимга келиб, ўлар ҳолга келсам ҳам, ул феъли ёмон, шўх гўзал келмади

3. Ойдин кеча унинг юзи каби ёруғ бўлиб турганда, ўзини эҳтиёт қилиб ойдинга чиқмаган бўлса, кеча худди менинг қора куним, хаётим каби қоронғи бўлганда ҳам келмади.

4. Ул гўзал ҳажрида (ҳижронда) худди девона, жиннилар каби йиғладим-ки, мени кўрганда, аҳволимга кулгуси келмаган бирор киши бормикан

5. Кўзларингдан қанча сув (ёш) оқиздин, деб мендан сўраб ўтирманг, бу кеча кўзимдан ёш эмас, фақат кон оқди.

6. Кўшига муносиб садоқатли дўстни топиб бўлмайди, бўлмаса нўлга аввал кадам қўйганинг қаршисидан ёр келмасинди

7. Эй, Навоий, кўнглунг (юрагинг) уйини бода (май) билан шоду хуррам эт, чунки май кирган уйга ғам-қайғу келмайди.

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали севги мавзусида ёзилган бўлиб, ошиқ-ёр висолига ингилали, шоир ёрнинг садоқатсизлиги ва шафқатсизлигидан шикоят қилади. Изтироб чеккан ошиқ садоқатли ёрнинг топилишига шубҳа қилади ва ниҳоят, қайғудан қутулиб хуррам бўлиш учун майга мурожаат этади. „май“ эса, асарла шодлик рамзи сифатида қайғу-аламга қарши қўйилади. Ғазални ифодали ўқишда худди шу оҳанг-ритм сезилиб туриши керак, акс ҳолда асар вазнига, ритмига п.тур етиши мумкин.

БАДИИЙ АСАРЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Шеъринг асарларни ўқиш

Тингловчига асарнинг ғоявий мазмунини, муаллифнинг ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, қаҳрамонларнинг ички ҳиссиётларини етказиш ифодали ўқиш олдида қўйиладиган асосий вазифадир. Шу мақсадда ҳар бир талаба ифодали ўқишнинг ўзига хос хусусиятларини мукамал ўрганиши керак. Уни пухта ўзлаштирган кишининг нутқи раво, ширали бўлиб, ўз фикрини тингловчиларга тўғри ва изчил етказа олади.

Тўғри, бадиий асарларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда ўқилавермайди. Ҳар қандай асарни ифодали ўқиш унинг жанр хусусиятлари ва композицион тузилишига кўра белгиланади. Ўқитувчи асарни ифодали ўқишга киришишдан олдин унинг ғоявий мазмунини, образлар тизимини ва бадиий хусусиятларини чуқур ўрганиши лозим.

Шеъррий асарларни ифодали ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари ўқиладиган асарнинг жанри, ритми, қофияланиш тартиби ва банд қурилишига боғлиқ.

Биз қуйида бармоқ ва аруз шеъррий тизимига мансуб асарларни ўқиш ҳақида қисқача фикр юритиб, мисоллар келтирамиз. Бармоқ тизимидаги шеърлар аруз тизимидаги шеърлардан тузилиши ва ўқилиши жиҳатидан фарқ қилади.

Бармоқ тизимидаги шеърларни ўқиш

Бармоқ тизимидаги шеърлар чўзиқ ва қисқа бўғинларга ажратилмайди, балки ҳижола миқдорига асосланади. Унда мисралардаги ҳижо (бўғин) ларнинг сони бир хилда, текис такрорланиши натижасида муайян ритм ҳосил бўлади.

Қизик, ҳар йил январда
Мен туғилган бир кун бор.
Келишади меҳмонлар,
Ёғиб турганда ҳам қор.

(Зулфия)

Бу шеърнинг ҳар бир мисрасида ҳижола сони еттитадандир

Қи-зиқ, ҳар йил январда
1 2 3 4 5 6 7
Мен ту-ғил-ган бир кун бор.
1 2 3 4 5 6 7
Ке-ли-ша-ди меҳ-мон-лар,
1 2 3 4 5 6 7
Ё-ғиб тур-ган-да ҳам қор.
1 2 3 4 5 6 7

Бармоқ тизими туркий халқлар поэзиясининг энг қадимги тури бўлиб, халқ оғзаки ижоди ҳам шу шеъррий тизим асосида яратилган.

Бармоқ тизими шунчалик узоқ тарихга эга бўлишига қарамай, ҳозиргача эскирган эмас, балки ҳозир ҳам ўзбек поэзиясида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбек поэзиясида бармоқ тизимининг тўрт ҳижоли вазндан тортиб, ўн олти ҳижоли вазнгача бўлган ўн уч тури мавжуд. Мисрадаги ҳижолаарнинг турлича келиши натижасида вазннинг сони ҳам кўпайиб бораверади. Масалан, Мирмуҳсиннинг шеърдан олинган парча тўрт ҳижода ёзилган.

Ватан кўркам, —4
Баҳор ўлкам. —4

(Мирмуҳсин.)

Қуйидаги парча эса беш ҳижоли вазнга мисол бўла олади:

Уртоғим Турғун —5
Мен билан юргин. —5
Бизнинг боғчани —5
Бир бориб кўргин. —5

(Қурат Ҳикмат.)

Ойбекнинг шеъридан олинган қуйидаги парча эса олти ҳижолидир:

Қиш оқшоми кескин,	—6
Ел бирла қор ўйнар.	—6
Турмуш яна тошқин,	—6
Порлади чироқлар.	—6

Севимли шоирамиз Нозимахонимнинг „Нигорим“ номли қуйидаги шеъри етти ҳижода ёзилган:

Кузи сузук нигорим,	—7
Сузи чучук нигорим,	—7
Боқмай қиё утарсан,	—7
Айбим нечук нигорим!	—7

Эркин Воҳидовнинг „Рубобим тори иккидур...“ номли асаридан олинган ушбу парча эса саккиз ҳижоли вазн учун мисол бўла олади:

Рубобим тори иккидур:	—8
Бири қувноқ, бири маҳзун.	—8
Ки байтим сатри иккидур:	—8
Бири дилхуш, бири дилхун.	—8
Нигорим чашми иккидур:	—8
Бири яғмо, бири жоду,	—8
Бу жодудан икки кўзим	—8
Бири Сайҳун, бири Жайхун.	—8

Уйғуннинг „Ўқувчига“ номли шеъри тўққиз ҳижода битилган:

Шеърим агар бўлса бир лола	—9
Сиз парвариш, қилувчи офтоб,	—9
Юрагимни айлаб пиёла,	—9
Сизга тутдим ишқимдан шароб.	—9

Қуйидаги шеърий парча ҳам шоир Уйғун қаламига мансуб бўлиб, ўн ҳижоли вазнда ёзилган:

Марҳабо, янги йил, омон келдинг,	—10
Яхши кунлар кутар яна олдда.	—10
Кўзимга жаҳонни кўрсат кенг.	—10
Кўрайлик ҳар, на бўлса иқболда.	—10

Ҳамид Олимжоннинг „Муқанна“ драмасидан олинган қуйидаги парча ўн бир ҳижолидир.

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,	—11
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ,	—11
Мен элимнинг юрагида яшайман,	—11
Эрк деганнинг тилагида яшайман!	—11

Ойбекнинг „Днепрострой“ номли шеъри ўн икки ҳижоли вазнга мисол бўла олади:

Биз яратиш даврининг қаҳрамонлари,	—12
Қуёш алангалари қонларда ёнар.	—12
Асрларнинг ишини йилимиз қилар,	—12
Йиллар билан ўзишар кураш онлари.	—12

Собир Абдулланинг „Қиз севгиси“ номли шеъри ўн уч ҳижода ёзилган:

Менинг севгим ҳар кил гула ўхшамас асло,	—13
Ҳазон бўлмас гуллар каби куз бўлган чоғда.	—13
Мени севган ёр булбулга ўхшамас асло,	—13
Баҳор келиб, ташлаб кетмас куз бўлган чоғда.	—13

Ҳозирги ўзбек поэзиясидаги шеъринг асарларнинг кўпи 7, 9, 11, 12, 13 ҳижолидир. 4, 5, 6 ҳижоли шеърлар кўпроқ болалар поэзиясида учрайди.

Юқорида тилга олинган шеърлар вазни бир туркумга кирувчи ҳижолар гуруҳидан ташкил топган ва шунинг учун улар содда вазнга мансубдир.

Ўзбек поэзиясида содда вазн билан бирга қўшма ва эркин вазнлар ҳам мавжуд.

Агар шеърнинг ҳар байти икки туркумга кирувчи бўгинлар сонидан ташкил топса қўшма вазн майдонга келади. Масалан:

Меҳнатда меҳнатчилар,	—7
Эзилди бу танлар.	—6
Бизларда чин озодлик	—7
Буларкин қачонлар?	—6

(Ҳамза.)

Грузин шоири Шота Руставелининг Мақсуд Шайхзода ва Миртемир томобидан таржима қилинган „Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон“ номли асарлари ҳам қўшма вазн намунаси.

Топшириқ. Шукур Саъдулланинг куйида берилган шеърини аввал ичингизда ўқинг, сунгра қайси вазнда ёзилганлигини аниқлаб, ҳар бир сатрини ҳижоларга бўлинг.

Ёмғир ёғалоқ

Ёмғир ёғалоқ,	Сув сероб экан,
Ям-яшил утлоқ,	Кўп пахта унар.
Энди экинлар	Ёмғирдан фойда
Чиқарар қулоқ.	Майсага, донга,
Тарновдан ошиб	Юрт сероб булар
Тушади шошиб.	Оқ бугдой понга.
Сўнг жилгалардан	Ёмғир ёғалоқ,
Оқади тошиб.	Томчи юмалоқ.
Ариқлар тўлар,	Ёмғир тишанда,
Зўр анҳор булар.	Чиқар камалак.

Уйга вазифа. Абдулла Ориповнинг „Ҳар нечук“ номли асарини ҳижоларга ажратган ҳолда кучиринг. Шеърнинг қайси вазнда ёзилганлигини аниқланг.

Дунёда ҳар кимнинг бор ўз матлаби,
Туя сураб оўлмас эчкибоқардан.
Писмиқдан файласуф чиқмаган каби,
Хаққуй ҳам чиқмайди бетгачопардан.
Ким узар уйнасанг тошбақа билан,
Бўйинингга олурсан унга тенгликни.
Дунёнинг ишлари шунақа экан,
Ҳар нечук одат қил феъли кенгликни.

Бармоқ тизимидаги шеърларни ифодали ўқишга фақат ҳижоларнинг тартибигагина эмас, балки туроқларга ҳам катта аҳами-

ят берилмоғи лозим. Чунки туроқ шеърнинг мусиқийлигини тартибга солиб турувчи асосий восита ҳисобланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, туроқ шеърнинг ритмини ва ўйноқилигини тартибга солиб турувчи асосий омиллардан биридир.

Мисоллар:

Раҳмат ака	Боғчадан қиз,
Муборакка	Юриб тез-тез,
Магазиндан	Борса уйига,
Олди бирдан	Тайёр унга
Қўзичоқ,	Қўзичоқ,
Қўғирчоқ,	Қўғирчоқ,
Қўнғироқ.	Қўнғироқ.

(Қудрат Ҳикмат.)

Тоғ устида /ажойиб боғ,
Кўм-кўк майса /худди гилам,
Болажонлар /ўйнар қувноқ,
Чодирларда /дўстлар билан.

Баланд осмон /беғубср, соф,
Оқар, қайнар /булоқдан сув,
Кумуш тонгни /қутлар офтоб,
Бизнинг Чимён /лагери бу.

(Қудрат Ҳикмат.)

Кўрилажак /масала ҳам/ нозик экан:
Колхозчилар /қурултойи/ келиб етган,
Ана шунга /вакил сайлаш/ қаралармиш
Ва колхознинг /ишларидан/ рапорт бериш.
Анча жиддий /ҳамма эркин/, ҳамма тийрак
Масалага /уз фикрини/ берса керак...

(Ғафур Ғулом.)

Сўзимнинг /энг аъло/ жумласи/ билан
Энг буюк /қардошга/ энг буюк/ салом!
Қуёшнинг /илк жило/ жумласи/ билан
Туғилган /бу халққа/ энг етук/ салом.

(Ғафур Ғулом.)

Юқорида бармоқ тизимида ёзилган шеърларда биттадан тўрттагача туроқ борлигини кўриб ўтдик. Ҳар бир туроқда эса бир неча ҳижо бўлиши мумкин. Масалан:

3	3	3
На кўкнинг /фонари/ ўчмасдан,		
3	3	3
На юлдуз /сайр этиб/ кўчмасдан,		
3	3	3
На уфқ /ўрамай/ ёқут зар,		
3	3	3
На булут /силкитмай/ олтин пар,		
3	3	3
Тонг кулиб /боқмасдан/ Жонтемир,		
3	3	3
Қуюқ бир /завқ билан/ турарди.		

(Уйғун.)

Бу парчада туроқлар ичидаги ҳижола 3—3—3 шаклида келган бўлса, ўзбек халқ қўшиқларидан „Рўмолим“ да 4—4 шаклида гуруҳланган.

⁴ ⁴
 Рўмолим бор/, рўмолим бор,
⁴ ⁴
 Рўмолимда/ туморим бор,
⁴ ⁴
 Бир кўришга /хуморим бор,
⁴ ⁴
 Дол, алимдан /кетди рўмол.

Мақсуд Шайхзоданинг „Муҳаммад тўпчи“ балладасида эса туроқлар ичидаги ҳижола 4—5 шаклида келган:

⁴ ⁵
 Кўза олиб /чиққан яхши қиз,
⁴ ⁵
 Ғўзаларнинг /ҳусни нақши қиз,
⁴ ⁵
 Бир жом сув бер/, сувинг кўп совуқ,
⁴ ⁵
 Ким учун бу / айтганинг кўшиқ?
⁴ ⁵
 У қаҳрамон /булиб келажак,
⁴ ⁵
 Тез келмаса/ келар бир ларак!

(М қсуд Шайхзода.)

Юқориди келтирилган парчалар бармоқ тизимига мансуб. Шунга қарамай, улардаги туроқ ва ҳижола­рининг сони турлича­дир. Бундай тузилиш асарнинг ўзига хос ритмини таъмин этади. Бу эса, ифодали ўқишда ўз инъикосини топиши лозим.

Эркин шеърни ўқиш. Эркин вазндаги шеърнинг тарихи В. В. Маяковский номи билан боғлиқдир. Йигирманчи йиллар мафкуравий кураш жараёнида эркин вазнга эҳтиёж туғилди. Санъаткорларнинг кўпчилиги шу вазнда ўз кучларини, имкони­ятларини синаб кўрдилар. В. В. Маяковский шундай санъаткор­ларнинг байроқдори бўлди.

„Поэзияни баланд минбар, катта майдон, тингловчиларнинг буюк уюшмаларига етказиш нияти В. В. Маяковскийни шеърда янги шакл, хитоб ва нидо шаклини излашга, минбар шеърининг янги приёмларини ишлашга, ҳужра шеърларида бўлмаган ба­ландликларга чиқаришга мажбур қилди“¹. У мисраларни янги-ян­ги сатрларга бўлиб ташлади. Бунинг натижасида поэтик тилни жонли сўзлашув тилига янада яқинлаштирди. Уларни ифодали ўқиганингизда ритмнинг турланиб туришини, лирик қаҳрамон­нинг қайфияти тез-тез ўзгариб боришини сезиш қийин эмас.

Эркин вазнда яратилган шеърларнинг ўзига хос хусусиятла­ридан бири ритмик паузанинг мўл­лигидир. Эркин вазндаги шеър­ларда жумлаларнинг қисқа-қисқа бўлиши унинг жанговарлик ру­ҳини оширади. Бундай асарларда оҳанг, ритм, интонация, урғу кучли бўлганлиги учун уларни адабий кечаларда ўқиш, декла­мация қилиб айтиш қулайдир.

¹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар, 3- том, Ўздавнашр, Тошкент, 1960, 268- бет.

Эркин вазнли шеър тузилиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, мисралар ҳижолярнинг сонига эмас, балки оҳанг, ритм ва интонация мутаносиблигига асосланади.

Эркин вазн ҳозирги ўзбек поэзиясига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг жанговар поэтик асарлари орқали кириб келган бўлса, кейинчалик Ҳамид Олимжон, Фафур Гулом ва бошқа шоирлар ижодида янада камол топди. Ҳамид Олимжоннинг „Бахтлар водийси“ шеъри бу вазннинг гўзал намунаси:

Диллар,
 ҳавас билан тўлади,
 Юзлар
 севинч сепиб кулади.
 Тўрт томони осмон билан
 ўралган волий
 Кундан-кунга,
 ҳусни ортган ойдек
 тулади.
 Кўм-кўк . . . Кўм-кўк . . . Кўм-кўк . . .
 Янги кунга чиққан
 волий оёқларида
 Оч ит каби
 судралгувчи
 давр ўлади.
 Эй, Фарғона!
 Мушкул кунлар боласини
 тишида тишлаб,
 Ювиб,
 тараб,
 севиб,
 ўпиб,
 қучиб,
 опичлаб,
 Эй, бахтларни балоғатга
 етказган она!

Бу шеърни ифодали ўқиганда, шеърнинг мазмуни ва ўзига хос эркин шаклидан келиб чиққан маъқулроқ. Бунинг учун шоирнинг фикри, ҳаяжонини чуқур ҳис этишга интилиш керак.

Муаллиф бунёдкор халқимизнинг фидойи меҳнати туфайли диёримизнинг гуллаб-яшнаётганини зўр пафос билан куйлайди. Лирик қаҳрамоннинг жўшқин кайфиятини, ҳаяжонини тўлароқ ифода этиш учун унга мос сўзлар танлайди ва сатрларни зина-пояларга бўлиб юборади. Зеро фикрнинг жўшқинлиги ва публицистик руҳда баён этилиши эркин шеърга хос муҳим хусусиятлардан биридир.

Мирзо Турсунзоданинг „Осиё овози“ номли шеъри юқоридаги фикрларнинг ёрқин далилидир.

Осиё сўйлайди
 тингланг овозин!
 Жўшқин дарё мавжин,
 ҳайқириқ созин.
 Осиё уйғонди,
 ухламас, уйғоқ,
 Ростлик, дўстлик бўлди
 у билан ўртоқ.

Умуман эркин вазндаги шеърларни ҳам ифодали ўқишдан олдин туроқ ва ҳижолари аниқланиб, пауза ва ургули сўзлар белгилаб олинсагина асар гоёсига тушуниб етиш осон бўлади.

Уйга вазифа. Фафур Гуломнинг „Турксиб йўлларида“ номли шеърдан олинган ушбу парчанинг хижо ва туроқларини, пауза ва ургули сўзларини аниқлаб, матни аудиторияда ўқишга тайёрлаб келини.

ТУРКСИБ ЙЎЛЛАРИДА

Бу йўллар
 кўп қадим йўллардир...
 Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,
 Рум қайсари,
 қотил Чингиз,
 Боту, Жужу,
 Темурланг
 колдириб кимсасиз из,
 Чиндан муғул учи
 борлиқни
 жонлига қилиб танг,
 —Қон!—дея,
 —Қон!—дея,
 босароқ кечмишдир.

 Бирдан хотира:
 кўҳна бир деворким—занжир...
 Бирдан:
 Балчиғи қон-ла
 ийланган
 кўк упувчи тоқ,
 Бирдан:
 Ўз асрин кечмиш
 тумтароқ...
 Ном учун,
 шон учун
 савлат сотароқ,
 Ҳам-ма-си,
 Ҳам-ма-си,
 Шу йўлдан кечмишлар.
 Бу йўллар
 кўп қадим йўллардир.
 Бу йўлдан
 эзилган
 юз миллион нафар.
 Бошда,
 энг бошда
 битта музаффар—
 кирли гоҳ,
 Бармоғини ишорати-ла
 бир бутун улка
 дов учун хирож,
 Пекиндан Румгача
 Бумбойдан то Масков,
 Қон,
 суяк устига
 тикилган ялов:
 Енгиш довулин чалароқ
 Гурур-ла кечмишдир.

Бу йўллар
 кўп қадим йўллар—
 Қани, эй тарих!
 Шунчаким, оу йўлдан
 зафар
 қозонган фотиҳлар,
 қайсарлар,

Музаффар зилли султонлар
 устидан
 сийнангда бирор эсдалик
 ё из хабар қолганми?
 Каҳрабо тугмадай,
 бағри доғ лоладай.
 Айтганларидай—

Ким,
 Бир лавҳанг қон эса,
 Бир лавҳангмиш зар...
 Йўқ, албат,
 биламан, фақат бир тушдай
 Ё тутун—хаёл
 келаркан кечмишдир
 Бу йўллар
 кўп қадим йўллардир...

Аруз тизмидаги шеърларни ўқиш

Аруз бир қатор Шарқ халқлари поэзияси, жумладан, ўзбек классик поэзиясида асосий ўрин тутади. У фақат ҳижоларнинг миқдорига эмас, балки талаффуздаги узун-қисқалигига ҳам асосланган бўлади. Шунга кўра, аруз тизими бармоқдан тубдан фарқ қилади. Аруз мисрадаги ҳижоларнинг гуруҳланиб такрорланиши асосида эмас, балки қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг — ритмик бўлақларнинг маълум тартибда такрорланиб келишидан ҳосил бўлади, ўзига хос оҳангдорликни, муסיқийликни вужудга келтиради.

Аруз илми нуқтаи назаридан қараганда ҳижо асосан икки хил: қисқа ва чўзиқ бўлади. Лекин айрим ҳолларда ҳижоларнинг ўта чўзиқлиги кўзга ташланади. Бундай ҳижоларни ўта чўзиқ ёки бир ярим ҳижо деб номлайдилар. Масалан, қуйидаги мисолни ўқиб кўрайлик:

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
 Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.

(Нодира.)

Агар шартли равишда қисқа ҳижони (✓) шаклида, чўзиқ ҳижони (—) ва ўрта чўзиқ ҳижони (~) шаклида кўрсатилса, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Қил-ма-ғил-зин ҳо-р-из-ҳор эҳ-ти-ёж
 ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓
 фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо и-лон
 ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓
 Ким-а-зиз-эл ни-қи-лур-хор эҳ-ти-ёж
 ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓
 фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лон
 ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓ ✓

Одатда о дан ташқари унлилар билан тугалланувчи ҳижолар қисқа, барча ундош товушлар ва о билан тугалланувчи ҳижолар

чўзиқ ҳижо бўлиб келади. Баъзан қисқа ҳижоларнинг чўзиқ ҳижога, чўзиқ ҳижонинг қисқа ҳижога ўтиш ҳоллари ҳам юз беради. Бу арузда *имола* деб номланади. Шунини ҳам эсдан чиқармаслик керакки, имола ҳодисасига кўра а билан тугаган очиқ бўғинлар сўз ўртасида қисқа, сўз охирида эса чўзиқ ва қисқа бўлиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, қолган барча унлилар билан битган очиқ ҳижолар ҳам қисқа ва чўзиқ бўлиши мумкин. Борди-ю ҳижоларнинг охирида икки ундош қатор келса (масалан: *шайх, чарх, халқ, талх, завқ, баҳс, бахт*), ҳижолар ҳам ўта чўзиқ ҳисобланади. Айрим ҳолларда бир ундош билан тугаган ҳижолар ҳам ўта чўзиқ ҳижога айланиши мумкин. Масалан, *ёр, бор, зор, тож, нур, шер, ғам*. Булар оғзаки нутқда *йoor, boor, zoor, тоож, нуур, шээр, ғаам* сифатида талаффуз этилади.

Ўта чўзиқ ҳижолар ундош билан бошланувчи ҳижодан олдин келса, бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижо ўрнига ўтади.

Аруз системасининг характерли хусусиятларидан яна бири шундаки, унли билан бошланадиган сўз ундош билан тугаган сўздан кейин келса, вазн талабига биноан қўшиб ҳам ўқиладеради. Масалан қуйидаги „карам айлаб“ сўзларининг ўқилишига диққат қилинг:

Ка-рам-ай-лаб
Ма-фо-ий-лун
Ка-ра-май-лаб
Фо-и-ло-тун

Демак, аруз тизимидаги шеърларнинг ҳижолари уларнинг ёзилишига қараб эмас, балки ўқилишига, оҳангига, қандай талаффуз қилинишига кўра аниқланади.

Шеърятда мисралар маълум бир тартибда бўлганлиги учун, улар бир неча ҳижодан иборат бўлакларга бўлиб талаффуз этилади. Мисранинг худди ана шу бўлаклари арузда *рукн*¹ дейилади. Рукн биттадан тортиб, то беш ҳижогача бўлиши мумкин. Ҳар бир мисрадаги руكنларни бир-биридан ажратиш учун қисқа пауза қилинади. Масалан, Алишер Навоийнинг „Меҳрибоне топпадим“ номли ғазалидан олинган қуйидаги парчани кўрайлик:

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фидо, ороми жоне топмадим.
Ғам била жонимға еттим ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.

Бу парча аруз вазни талабларига кўра қуйидагича руكنларга ажратилади.

Меҳ-р-кўп-кўр/гуз-ди-мам-мо/меҳ-ри-бо-не/топ-ма-дим
Жон-ба-се-қил/дим-фи-до-о/ро-ми-жо-не/топ-ма-дим

¹ *Рукн*—арабча сўз бўлиб, устун маъносини ифодалайди. Мазмун ва шакл жиҳатидан узвий боғланган тугал икки мисра „байт“ дейилади. Байтнинг асл маъноси уй бўлиб, гўё икки мисра бир шеърини уйни ташкил этади. Уйнинг устунни бўлганидек, шеърини байтнинг ҳам устунни—рукнлари бўлади.

Рукнлар ҳижоларнинг миқдори ва чўзиқ-қисқалигига қараб саккиз аслга бўлинади ва уларнинг ҳар бири махсус ном билан юритилади.

1. фаулун—уч ҳижоли рукн: фа-у-лун
- Биринчи ҳижо қисқа, иккинчи ва учинчи ҳижолар эса чўзиқдир.
2. фоилун ҳам уч ҳижоли рукн: фо-и-лун
3. фоилотун—тўрт ҳижоли рукн: фо-и-ло-тун
4. мафойилун—тўрт ҳижоли рукн: ма-фо-ий-лун
5. мафъулоту—тўрт ҳижоли рукн: мафъ-у-ло-ту
6. мустафъилун—тўрт ҳижоли рукн: мус-тафъ-и-лун
7. мутафоилун—беш ҳижоли рукн: му-та-фо-и-лун
8. мафоилотун—беш ҳижоли рукн: ма-фо-и-ло-тун

Санаб ўтилган саккиз рукннинг турлича бирикиши натижасида баҳрлар вужудга келади. Баҳрлар эса аруз тизимидаги шеър ўлчовларининг асоси ҳисобланади. Рукнлар ўзгаришсиз такрорланса, солим (аслий), борди-ю рукнларнинг такрорланишида ўзгариш ҳосил бўлса, тармоқ (фаръий) баҳрлари ҳосил бўлади. Улар арузда *солим* ва *тармоқ баҳрлари* деб юритилади.

Бу баҳрлар ҳам турлича тармоқларга бўлиниб кетади ва натижада рукнларнинг бутун бир гуруҳини ташкил этади¹.

Арузнинг хусусиятлари, туркумлашиши ифодали ўқишни хийла мураккаблаштиради. Чунки шеърнинг вазни, рукнлари ва парадигмасини топиш учун назарий билим талаб этилади. Умуман, аруз тизимидаги шеърларни ифодали ўқиш муттасил амалий машғулотлар олиб боришни тақозо қилади.

Арузнинг мураккаб томонларидан бири шўки, айрим асарларни икки хил вазнда ҳам ўқиш мумкин. Масалан, Оғаҳийнинг „Келдилар“ ғазалини олиб кўрайлик:

Келдилар қарам айлаб кулбам ичра жонлар,
Ҳар бириси жонимдин ҳам азиз меҳмонлар.
Тийра шоми ҳижроним равшан эттилар кундек,
Юзларин очиб ҳар ён неча моҳи тобонлар.

Гулшан эттилар базмим равзаи эрам янглиғ,
Орози гулидин ул рашки ҳуру гилмонлар.
Ўлтуруб қуруб ҳалқа ичкали майи ишрат,
Бердилар қалаҳларга мажлис ичра давронлар.

Нуш этиб неча соғар ҳар бири булуб сарқуш,
Бода тобидин очти юзлари гулистонлар.
Мастлиқ била уйнаб бир-бирига даҳл айлаб.
Қилдилар тақаллумдин лабларин дурафшонлар.

Келтуруб тўла соғар манга ҳам дели ар: Ич,
Ман делим ибo айлаб: ким мани кўюнг жонлар,

¹ Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қуйидаги асарларга мурожаат қилишнинг мумкин: *Ҳамидий Ҳ, Абдуллаева Ш, Иброҳимова С* Адабиётшунослик терминлари луғати. „Ўқитувчи“. Тошкент, 1970; *Фустамов А*. Аруз ҳақида сўхбатлар, „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1972, *Ҳожиаҳмедов А*. Мактабда аруз вазнини урганиш, „Ўқитувчи“, Тошкент, 1978.

Дедилар: ибо қилмай бодани сумургилким,
Қулга иш қабул этмак, не буюрса султонлар.

Ложарим ичиб бода ман аларнинг илгидин,
Кеча тонггача қилдим ишрати фаровонлар.

Улчаким эди комим айшдан бўлуб ҳосил,
Ҷолмади яна андак кўнглим ичра армонлар.

Оғаҳий, бу ажзингким бор санга хануз, оздур,
Қилса хўблар шоҳи неча лутфу иҳсонлар.

Бу ғазалнинг биринчи хил ўқилиши тубандагича (ҳижо ва
рукнларга бўлиб ифодали ўқинг):

Кел-ди-лар-ка/рам-ай-лаб/кул-ба-мич-ра/жо-нон-лар
Ҳар-би-ри-си/жо-ним-дин/ҳам-а-зи-з/меҳ-мон-лар
Тий-ра-шо-ми/ҳиж-ро-ним/рав-ша-нэт-ти/лар-кун-дек
Юз-ла-рин-о/чиб-ҳар-ён/не-ча-мо-ҳи-то-бон-лар
Гул-ша-нэт-ти/лар-баз-мим/рав-за-и-э/рам-янг-лиғ
О-ра-зи-гу/ли-дин-ул/раш-ки ху-ру/ғил-мон-лар
Ўл-ту-руб-қу/руб-ҳал-қа/ич-ка-ли-ма/йи-иш-рат
Бер-ди-лар-қа/даҳ-лар-га/маж-лис-ич-ра/дав-рон-лар
Нў-шэ-тиб-не/ча-со-ғар/ҳар-би-ри-бў/луб-сар-хуш
Бо-да-то-би/дин-оч-ти/юз-ла-ри-гу/лис-тон-лар
Маст-лик-би-ла-ўй-наб/бир-би-ри-га/дах-лай-лаб
Қил-ди-лар-та/кал-лум-дин/лаб-ла-рин-ду/раф-шон-лар
Кел-ту-руб-тў/ла-со-ғар/ман-га-ҳам-де/ди-лар-ич
Ман-де-дим-и/бо-ай-лаб/ким-ма-ни-қў/юнг-жон-лар
Де-ди-лар-и/бо-қил-май/бо-да-ни-су/мур-гил-ким
Қул-га-иш-қа/бу-лэт-мак/не-бу-юр-са/сул-тон-лар
Ло-жа-рам-и/чиб-бо-ла/ман-алар-ни/нгил-ги-дин
Ке-ча-тон-га/ча-қил-дим/иш-ра-ти-фа/ро-вон-лар
Ул-ча-ким-э/ди-ко-мим/ай-ш-дин-бў/луб-ҳо-сил
Қол-ма-ди-я/на-ан-дак/кўнг-лу-мич-ра/ар-мон-лар
О-га-ҳий-бу/аж-зинг-ким/бор-са-нга-ҳа/нуз-өз-дур
Қил-са-хў-б/лар-шо-ҳи/не-ча-лут-фу/иҳ-сон-лар

Иккинчи хил ўқилиши тубандагича:

Кел-ди-лар/ка-ра-май-лаб/кул-ба-мич/ра-жо-нон-лар
Ҳар-би-ри/си-жо-ним-дин/ҳам-а-зи-з-меҳ-мон-лар
Тий-ра-шо/ми-ҳиж-ро-ним/рав-ша-нэт/ти-лар-кун-дек
Юз-ла-рин/о-чиб-ҳар-ён/не-ча-мо-ҳи-то-бон-лар
Гул-ша-нэт/ти-лар-баз-мим/рав-за-и-э-рам-янг-лиғ
О-ра-зи/гу-ли-дин-ул/раш-ки-хур/у-ғил-мон-лар
Ўл-ту-руб/қу-руб-ҳал-қа/ич-ка-ли-ма-йи-иш-рат
Бер-ди-лар/қа-даҳ-лар-га/маж-ли-сич/ра-дав-рон-лар
Нў-шэ-тиб/не-ча-со-ғар/ҳар-би-ри/бў-луб-сар-хуш
Бо-да-то/би-дин-оч-ти/юз-ла-ри/гу-лис-тон-лар
Маст-лик/би-ла-ўй-наб/бир-би-ри/га-дах-лай-лаб
Қил-ди-лар/та-кал-лум-дин/лаб-ла-рин/ду-раф-шон-лар
Кел-ту-руб/тў-ла-со-ғар/ман-га-ҳам-де-ди-лар-ич
Ман-де-дим/и-бо-ай-лаб/ким-ма-ни/қў-юнг-жон-лар
Де-ди-лар/и-бо-қил-май/бо-да-ни-су-мур-гил-ким

Қул-га-иш/қа-бул-эт-мак/не-бу-юр/са-сул-тон-лар
Ло-жа-рам/и-чиб-бо-да/ман-алар-ни/нг-ил-ги-дин
Ке-ча-тонг/га-ча-қил-дим/иш-ра-ти/фа-ро-вон-лар
Ул-ча-ким/э-ди-ко-мим/ай-ш-дин/бў-луб-ҳо-сил
Қол-ма-ли/я-на-ан-дак/кўнг-лу-мич/ра-ар-мон-лар
О-га-ҳий/бу-аж-зинг-ким/бор-са-нга/ҳа-ну-оз-дур
Қил-са-ҳу/б-лар-шо-ҳи/не-ча-лут/фу-иҳ-сон/лар¹.

Мазкур ғазални ифодали ўқишдан олдин, унинг икки хил вазда ўқилиши мумкинлигини аниқ тасаввур қилиш, фарқ-тафовутларини аниқлаш ва шундан кейингина намунали—ифодали ўқиш лозим. Асарни биринчи вазда ўқиганда 5-, 7-, 8-, 9-, 10-, 13-, 14-, 15-, 16-, 18-, 19- ва 20 мисралардаги *равзаи, ҳалқа, ичкали, майи, қадаҳларга, неча, бири, юзлари, тўла, манга дедилар, бодани, не, ишрати, эди, қолмади, яна* каби сўзларнинг қайси ҳижолирига урғу тушаётганини аниқлаб олинади. Ғазални иккинчи вазда ўқиганда эса 5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 11-, 13-, 14-, 15-, 17-, 18-, 19-, 20-, 21-, 22- мисралардаги *равзаи, орази, гулидин, ҳалқа, ичкали, қадаҳларга, неча, бири, била, тўла, дедилар, мқни, дедилар, бодани, илғидин, кеча, тонггача, ишрати, эди, қолмади, яна, санго, шоҳи* сўзларига урғу тушади.

Ғазални биринчи вазда ўқилганда ўн еттита сўздаги унли товушларга урғу тушган бўлса, иккинчи вазда йигирма учта сўздаги унли товушларга урғу берилганини кўрамиз.

Шундан иккинчи ўқишда, биринчи вазда ўқилган сўзларнинг ўн учта унли товушига тушган урғу такрорланса, тўртта унли товушга (*майи, излари, не, ишрати*) тушган урғу уз хусусиятини йўқотди. Аммо, биринчи вазда ўқилганда урғу олмаган ўн та сўздаги (*оразидин, гулидин, била, дедилар, илғидин, кеча, тонггача, ишрати, сонга шоҳи*) айрим унли товушлар иккинчи вазда урғу олиш хусусиятига эга.

* * *

Алишер Навоий ижодиёти ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишда мислсиз манба, ёрқин кўзгудир. Вазн жиҳатидан ҳам А. Навоий шеърини арузнинг барча асосий масала ва хусусиятларини, баҳр ва вазнларини ўрганишда бош манбадир. Алишер Навоий „Хамса“ ва „Лисонут-тайр“ да салафлари қўллаган вазн турларидан фойдаланган бўлса, „Ҳазойинул-маоний“ ва „Девони Фоний“ да жуда кўп янги баҳр ва вазиларни қўлади². Бу баҳр ва вазнлар ўзбек ҳамда форс-тожик шеърини поэтикасининг ўзига хос қомусидир. Алишер Навоий аруз тизимининг такомиллиги ҳам шоир, ҳам аруз назариячиси сифатида катта ҳисса қўшди.

¹ *Ҳусамов А.* Аруз ҳақида суҳбатлар. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1972, 48—50-бетлар.

² „Ҳазойинул-маоний“ даги шеърлар вазни арабшунос олим, филология фанлари номзоди Солиқ Мирзаев томонидан тадқиқ қилиниб кўрсаткич тузилган. Бу кўрсаткични проф. Ҳамид Сулаймон „Ҳазойинул-Маоний“ девонлари нашрида келтирилган („Фан“ нашриёти, Тошкент, 1959—1961).

Арузнинг бир-бирига яқин вазн туркумлари бўлиб, бу туркумлар *бахр* деб номланади. Баҳрлар сони арузда 19 та: тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарех, музореъ, муқтазаб, мужтасс, сареъ, жадид, қариб, ҳафиф, мушокил, мутақориб, мутадорик.

Баҳрлар асосан байтдаги рукнларнинг миқдори билан бирга қуйидагича айтилади:

а) Ражази мурабба — тўрт рукнли ражаз:

Мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун
Мағрур, хасису бешу кам,
Ҳар гапла юз ичгай қасам.
Мағ-рур-ха-си/субе-шу-кам
Ҳар гап-ла-юз/ич-гай-қа-сам

б) Рамали мусаддас — олти рукнли рамал:

Фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун
Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Лаъ-ли-дин-жо/ним-ға-ўт-лар/ё-қи-лур
Қо-ши-қад-дим/ни-жа-фо-дин/ё-қи-лур

в) Рамали мусамман — саккиз рукнли рамал:

фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун
Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳам ким сенинг ишқингни пайдо айласа.
Кўнг-лум-ўр-тан/сун-а-гар-ғай/ринг-га пар-во/ай-ла-са
Ҳар-кўнг-ул-ҳам/ким-се-нинг-иш/қинг-ни пай-до/ай-ла-са

Буларнинг ҳар бири бир неча хил вазнларга бўлинади ва улар моҳиятига қараб махсус номлар билан юритилади. Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг „Ҳазойинул-маоний“ асарида қўллаган айрим баҳрлардан намуналар келтирамиз. Бу вазн кўрсаткичи ғазалларни ифодали ўқиганда ҳар бир сатрдаги сўзларни тўғри талаффуз этишга ҳамда шоир лирикасини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Ҳазаж баҳри

Ҳажзаи мусаммани солим (1—2—22)¹

Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун

Сиҳи ҳуснунг зуҳуридин ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавфо.

Си-ҳи-ҳус-нунг/зу-ҳур-и-дин/туш-уб-ҳар-ким/га-бир-сав-до
Бу сав-до-лар/би-ла-кав-на/йн-бо-зо-ри/да-юз-ғав-фо

¹. Биринчи рақам девон томини, иккинчи рақам шу томдаги ғазалнинг тартиб рақамини, учинчи рақам эса китоб саҳифасини аъжлати.

Ҳазажи мусаммани мақсур (1—256—274)

Ма-фо-и-лун ма-фо-и-лун ма-фо-и-лун ма-фо-и-лун

Не ажаб гар бор эсам девонавашлиғ бирла хаш,
Ким кўнгул олгон парирўйум эрур девонаваш.

Не-а-жаб-гар/бор-э-сам-де/во-на-ваш-лиғ/бир-ла-хаш
Ким-кўнг-ул-ол/гон-па-ри-рўй/ум-э-рур-де/во-на-ваш

Ражаз баҳри

Ражази мусаммани солим (1—415—433)

Мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун

Вайронаидур масканим, андин манга бисёр ғам,
Оҳим била эшикта ўрт, ашким била девор нам.

Вай-ро-на-и/дур-ма-с-ка/ним-ан-дин-ман/га-бис-ёр-ғам
О-ҳим-би-ла/э-шик-та-ўрт/аш-ким-би-ла/де-во-р-нам

Ражази мусаммани матвийи махбун (III—616—616)

Муф-та-и-лун ма-фо-и-лун муф-та-и-лун ма-фо-и-лун

Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай,
Гар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.

Гар-а-ла-мим/ға-чо-ра-йўқ/бўл-ма-са-бўл/ма-сун-не-тай
Гар-ғам-и-ма/шу-мо-ра-йўқ/бўл-ма-са-бўл/ма-сун-не-тай

Рамал баҳри

Рамали мусаммани мақсур (1—412—430)

Фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лон

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фидо ороми жоне топмадим

Меҳ-р-кўп-кўр/гуз-ду-мам-мо/меҳ-ри-бо-не/топ-ма-дим
Жон-ба-се-қил/дим-фи-до-о/ро-ми-жо-не/топ-ма-дим

Рамали мусаммани маҳфуз (1—239—257)

Фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Чок этиб кўнглумни очилсун демак имкон эмас,
Ғунчани эмлан очиб, гул айламак осон эмас.

Чок-эт-иб-кўнг/лум-ни-оч-ил/сун-де-мак-им/кон-э-мас
Ғун-ча-ни-эм/дан-о-чиб-гул/ай-ла-мак-о/сон-э-мас

Мунсариҳ баҳри

Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф
(1—264—282)

Муф-та-и-лун фо-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун

Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш.
Йўқса Хутан жайрани мушк ичида ағнамиш.
Сур-ма-би-лан/му-ул-ой/кўз-ни-қа-ро/ай-ла-миш
Йўқ-са-Ху-тан/жай-ра-ни/мушк-и/чи-да/ағ-на-миш

Мунсарихи мусаммани матвийи мақшуфи
мавкуфи аруз ва зар (I—274—292)

Муф-та-и-лун фо-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун
Бода мени айлади зуҳду риёдин халос,
Зуҳди риё йўқки, минг ранжу анодин халос
Бо-да-мен-и/ай-ла-ди/зу-ҳ-ду-риё/дин-ха-лос
Зу-ҳ-ду-риё/йўқ-ки-минг/ран-жу-а-но/дин-ха-лос

Музорий баҳри

Музоиръи мусаммани ахраб (I—382—400)

Мафъ-у-лу фо-и-ло-тун мафъ-у-лу фо-и-ло-тун
Бўйнулға қайд қилғай ул ой қўлини мойил,
Ким басдурур қулода ит бўйниға ҳамойил.
Бўй-нул-ға/қайд-қи-л-ғай/ул-ой-қў/ли-ни-мой-ил
Ким-бас-ду/рур-қу-ло-да/ит-бўй-ни/ға-ҳа-мой-ил

Музорийи мусаммони ахраби макфуфи мақсур
(I—171—189).

Мафъ-у-лу фо-и-ло-ту ма-фо-и/лу фо-и-лон
Холу хатниг хаёлидин, эй сарви гуль узор,
Гоҳи кўзумга хол тушуптур, гаҳи ғубор.
Хо-лу-хат/инг-ха-ё-ли/дин-эй-сар-ви/гуль-уз-ор
Га-ҳи-кў/зум-га-хол-гуш/уп-тур-га-ҳи/ғу-б-ор

Мужтасс баҳри

Мужтасси мусаммани махбун (I—612—630)

Ма-фо-и-лун фо-и-ло-тун ма-фо-и-лун фо-и-ло-тун
Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни ётибон кулумни кўкка совурди.
Я-на-ба-ло/чо-қи-нин-ишқ-тел-ба-жо/ни-ма-ур-ди
Фа-но-қу-ю/ни-ет-иб-он/ку-лум-ни-кўк/ка-сов-ур-ди
Мужтасси мусаммани мақсур (I—202—20)
Ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун ма-фо-и-лун фа-и-лон
Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз,
Бошимда бордурур ул сарвқад ҳавосу ҳануз.
Рам-и-да-кў/нг-лум-эр-ур/ишқ-муб-та-ло/си-ҳа-нуз
Бо-ши-м-да/бор-дур-ур-ул/сарв-қад-ҳа-во/си-ҳа-нуз

Сариъ баҳри

Сариъи мусаддаси матвийи макшуф (IV—22—28)

Муф-та-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун

Ёр лаби акси тушуб жон аро.

Бодаға жон таъми берур ком аро.

Ё-р-ла-би/ак-си-ту-шуб/жон-а-ро

Бо-да-ға-жон/таъ-ми-бе-рур/ком-а-ро

Хафиф баҳри

Хафифи мусаддаси махбуни маҳсуф (I—235—253)

Фо-и-ло-тун ма-фо-и-лун фо-и-лун

Хаста кўюнгда ётмишам бекас,

Тутқучим, қопқуқум итингдур бас.

Хас-та-кў-ю/нг-да-ёт-ми/шам-бе-кас

Тут-қу-чи-м/қоп-қу-чим-ит/инг-дур-бас

Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ (I—510—528)

Фо-и-ло-тун ма-фо-и-лун фаъ-лун

Ҳарён ул юзда тер окиздингму,

Ё окар меҳр чашмасидин сув?

Ҳар-ён-ул-юз/да-тер-оқ-из/динг-му

Ё-оқ-ар-ме/ҳр-чаш-ма-си/дин-сув

Мушокил баҳри

Мушокили мусаддаси солим (II—14—20)

Фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун ма-фо-и-лун

Неча ким куяр ҳажр аро жон манго,

Эмас таркини қилмоқ имкон манго.

Не-ча-ким-ку/яр-ҳа-жр-а/ро-жон-ман-го

Э-мас-тар-ки/ни-қил-моқ-им/к-он-ман-го

Мутақориб баҳри

Мутақориби мусаммани солим (I—160—178)

Фа-у-лун фа-у-лун фа-у-лун фа-у-лун

Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур,

Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлуптур.

Я-на-сен/сиз-ин-му/нис-им-ғам/бў-луп-тур

Кў-зум-га/ю-рак-қо/ни-ҳам-дам/бў-луп-тур

Мутақориби мусаммани мақсур (II—309—313)

Фа-у-лун фа-у-лун фа-у-лун фа-ул

Қоши узра қавси кузах ўсмаси,
Вафо рангидин келди, албатта, тоқ.
Қош-и-уз/ра-қав-си/ку-зах-ўс/ма-си
Ва-фо-ранг/и-дин-кел/ди-ал-бат/та-тоқ

Мутадорик баҳри

Мутадорики мусаммани солим (II—225—229)

Фо-и-лун фо-и-лун фо-и-лун фо-и-лун
Жонға лаълинг майи жомидур мултамас.
Не хизр суйи, не жоми Жамдур ҳавас.
Жон-ға-лаъ/линг-ма-йи/жо-ми-дур/мул-та-мас
Не-хи-зр/су-йи-не/жо-ми-Жам/дур-ҳа-вас
Мутадорики мусаммани мақтуъ
Фаъ-лун фаъ-лун фаъ-лун фаъ-лун
Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнглум итмиш, топқил они.
Бор-ғил/эй-ҳам/дам-ҳар/ё-ни
Кўнг-лум/ит-миш/топ-қил/о-ни

Комил баҳри

Комили мусаммани солим (II—339—343)

Му-та-фо-и-лун му-та-фо-и-лун му-та-фо-и-лун му-та-фо-и-лун
Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимға ҳар саридин хаданг отибон анга қафас айладинг.
Не-ха-ёл-эд-и/я-на-ким-кўнг-ул/қу-ши-сай-ди-ни/ҳа-вас ай-ла-
динг
Ба-да-ним-ға-ҳар/са-ри-дин-ҳа-данг/от-и-бон-ан-га/қа-фас ай-ла-динг

Тавил баҳри

Тавили мусаммани солим (II—166—170)

Фа-у-лун ма-фо-и-лун фа-у-лун ма-фо-и-лун
Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.
Юз-унг-дек/қа-мар-йўқ-тур/қад-инг-дек/ша-жар-йўқ-тур
Ша-жар-бўл/са-ҳам-ан-да/лаб-инг-дек/са-мар-йўқ-тур

Биз юқорида Алишер Навоийнинг „Ҳазойинул-маоний“ да қандай баҳрлардан фойдалангани ва қайси вазнларда ижод этганини кўриб чиқиш билан бир қаторда, уларнинг рукнлари ва схемаси — тақтиъи (парадигмаси) ни ҳам аниқлаб олдик. Энди

шоирнинг эпик асарлари — „Хамса“ га кирган дostonлари ҳамда „Лисонут-тайр“ асарининг вазни ва тақтиъини кўриб чиқайлик¹.

Ҳайратул-аброр. Бу дoston сариъ баҳрининг „мусаддаси матвийи макшуф“ вазнида ёзилган бўлиб, унинг тақтиъи қуйидагича:

Муф-та-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун

Ганж таманносига биркитти тиш,
Бўлди анга тоғ тубин қазмоқ иш.

Ган-ж-та-ман/но-си-га-бир/кит-ти-тиш
Бўл-ди-а-нга/то-ғ-ту-бин/қаз-моқ-иш

„Фарҳод ва Ширин“ дostonи эса, ҳазаж баҳрининг „ҳазажи мусаддаси“ маҳсуф вазнида ёзилган. Тақтиъиси:

Ма-фо-и-лун ма-фо-и-лун фа-у-лун

Қаю уй ичра бўлса шуъла мавжуд
Эмастур уйга боқи гар чиқар дуд.

Қаю-уй-ич/ра-бўл-са-шуъ/ла-мав-жуд
Э-мас-тур-уй/га-бо-қи-гар/чи-қар-дуд

„Лайли ва Мажнун“ дostonи ҳам ҳазаж баҳрининг „ҳазажи мусаддаси ахбари мақбузи макфуф“ вазнида ёзилган бўлиб, тақтиъиси қуйидагича:

Мафъ-у-лу ма-фо-и-лун ра-у-лун

Мен худ бу сифат бало асири,
Юз меҳнату ибтило асири.

Мен-худ-бу/си-фаг-ба-ло/а-си-ри
Юз-меҳ-на/ту-иб-ти-ло/а-си-ри

„Сабъаи сайёр“ дostonи ҳафиф баҳрининг „ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъ“ вазнида ёзилган. Тақтиъиси:

Фо-и-ло тун ма-фо-и-лун фаъ-лун

Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен сенга кўргузай йигитликни

Сен-а-гар-зо/ҳир-эт-тинг-ит/лик-ни
Мен-сен-га-кўр/гу-зай-йи-гит/лик-ни

„Садди Искандарий“ дostonи мутақориб баҳрининг „мутақориби мусаммани мақсур“ вазнида битилган бўлиб, тақтиъиси қуйидагичадир:

Фа-у-лун фа-у-лун фа-у-лун фа-ол

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки ондин жаҳон аҳли вайрон эрур.

Бу-гў-ё/жа-ҳон-ич/ра-тў-фон/э-рур
Ки-он-дин/жа-ҳон-ах/ли-вай-рон/э-рур.

¹ Намуналар Алишер Навоийнинг „Хамса“ асаридан олинди.

„Лисонут-тайр“ достони классик адабиётимиздаги бошқа достонлар каби маснавий йулида қофияланади. У рамал бахрининг „рамали мусаддаси маҳфуз“ вазнида ёзилган. Тақтиъиси:

Фо-и-ло-туи фо и-ло-тун фо-и-лун

Кўрдилар ўзни қайнким тушли кўз,
Олло-олло, не ажойбдур бу сўз.

Ким қилиб Симури ўтгуз қуш ҳавас.
Ўзларин кўрдилар ул Симури, бас.
Кўр-ди-лар-ўз/пи-қа-ён-ким/туш-ди-кўз
Ол-ло-ол-ло/не-а-жо-йиб/дур-бу-сўз
Ки-м-қи-либ/Си-мурғ-ўт-туз/қуш-қа-вас
Ўз-ла-ри-и/кўр-ди-лар-ул/Си-мурғ-бас

Ифодали ўқиш машғулотларида Алишер Навоий шеърятини ўрганиш—арузда шеър ўқиш малакасини оширишда гоътада аҳамиятлидир.

Биз қуйида мисол тарзида Алишер Навоийнинг „Ҳайратул-аброр“ ҳамда „Фарҳод ва Ширин“ достонларидан олинган иккита ғазалнинг вазни устида машқ қиламиз.

Шоир „Қошу ёсинму дейин . . .“ деб бошланувчи ғазалида ёрдан шикоят қилиш орқали яшаган муҳитдан нолийди, ўз даврининг айрим иллатларини фош этади, инсоннинг ички-ғам-ғуссаси, алам-изтиробларини вазмин ва мунгли бир оҳангда ифодалайди. Бу ғазални рукнларга ажратиб кўрсатганда қуйидагича манзара вужудга келади:

Қо-ши-ё-син/му-де-йин-кў/зи-қа-ро-син/му-де-йин
Кўнг-лу-ма-ҳар/би-ри-нинг-дар/ду-ба-ло-син/му-де-йин
Кў-зи-қаҳ-рин/му-де-йин-кир/пи-ки-зах-рин/му-де-йин
Бу-ку-ду-рат/а-ро-рух-со/ри-са-по-син/му-де-йин
Ишқ-и-дар-дин/му-де-йин-ҳаж/ри-на-бар-дин/му-де-йин
Бу-қа-тиқ-дард/лар-а-ро-вас/ли-да-во-син/му-де-йин
Зул-фи-до-мин/му-де-йин-лаъ/ли-ка-ло-мин/му-де-йин
Би-ри-нинг-қай/ди-я-на-бир/нинг-адо-син/му-де-йин
Тур-фа-хо-лин/му-де-йин-қад/ди-ни-ҳо-лин/му-де-йин
Мо-вий-кўнг-лак/у-за-гул-ранг/қа-бо-с-ин/му-де-йин
Чарх-и-ран-жин/му-де-йин-лаҳр/ши-ка-н-жин/му-де-йин
Жо-ни-ма-ҳар/би-ри-нинг-ж-ив/ру-жа-фо-син/му-де-йин
Эй-На-во-ий/де-ма-ко-шу/кў-зи-нинг-вас/фи-ни-эп
Қо-ши-ё-син/му-де-йин-кў/зи-қо-ро-син/му-де-йин

Алишер Навоийнинг бу ғазали рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, унинг тақтиъиси қуйидагичадир

Фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Ғазални тўғри ифодали ўқиш учун ҳар қайси мисрадаги 1, 3, 4, 7, 8, 11, 12, 15-ҳижола қўзиқ, 2, 5, 6, 9, 10, 13, 14-ҳижола эса қаъда талаффуз эгилади.

Шоирнинг „Гар жафо қил . . .“ деб бошланган ғазали эса, „рамали мусаммани мақсур“ вазнида ёзилган бўлиб, тақтиъ-иси қуйидагича:

Фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Ғазални ифодали ўқишдан аввал уни ҳижо рукиларга бўлиб чиқамиз.

Гар-жа-фо-қил/гар-ва-фо-ким/дил-си-то-ним/сен-ме-нинг
Гар-ме-ни-ўл/тур-а-гар-тир/гуз-ки-жо-ним/сен-ме-нинг
Хо-ҳи-раъ-но/қад-би-ла-бор/ғил-ё-ним-дин/жил-ва-гар
Хо-ҳи-кел-қо/шим-ға-ким-сар/ви-ра-во-ним/сен-ме-нинг
Кўнг-лум-ич-ра/сен-се-ну-иш/қинг-ни-дей-ҳо/лим-сен-га
Чун-бу-янг-лиғ/маҳ-ра-ми-ро/зи-ни-ҳо-ним/сен-ме-нинг
Жил-ва-ай-лаб/ҳар-за-мон-аф/ҳо-ну-о-ҳим/қил-ма-айб
Ҳам-се-нўқ-чун-бо-и-си-о/ҳу-фи-ҳо-ним/сен-ме-нинг
Лаъ-ли-дин-бир/ик-ки-сўз-маз/ку-р-қил-эй/хас-та-жон
Бо-ри-бу-бир/ик-ки-дам-ким/ме-ҳ-мо-ним/сен-ме-нинг
Тел-ба-лар-дин/гар-чи-рад-қил/динг-ме-ни-леқ/анг-ла-ғил
Ким-па-ри-рух/со-ра-лар-дин/тан-ла-ҳо-ним/сен-ме-нинг
Ўл-ди-меҳ-ринг/дин-На-во-ий/бе-ва-фо-деб/сан-а-ни
Эр-та-ги-но/зук-ми-зо-жи/бад-гу-мо-ним/сен-ме-нинг

Бу ғазални ифодали ўқиганда ҳам ҳар бир мисрадаги 1, 3, 4, 5, 7, 8, 9, 11, 12, 13, 15-ҳижолар чўзиқ, 2, 6, 10, 14-ҳижолар қисқа талаффуз этилади. Ҳар иккала ғазалнинг ўқилишида айрим ундошларнинг алоҳида ҳижо ҳосил қилишига эътибор бериш керак. Жумладан, „Қоши ёсинму дейин . . .“ номли ғазалнинг 10-ва 11-мисраларидаги „қа-бо-с-ин“, „ши-ка-н-жин“, „Гар жафо қил . . .“ номли ғазалнинг ҳам айнан ўша мисраларидаги „ку-р-қил-эй“, „ме-ҳ-мо-ним“ сўзларида шундай ҳолатни учратиш мумкин.

Алишер Навоийнинг „Ҳайратул-аброр“ номли достони ҳам ифодали ўқиш учун анча қулай. Қисқа ҳижоларнинг руки ўртасида келиши асарнинг ифодавийлигини, мусиқийлигини оширган. Мисол сифатида дostonдан бир парча олиб кўрайлик:

Форс навоҳийсивин икки рафиқ
Айладилар Чин сори азми тарик,
Бир и азал қисмиға қониъ эди,
Қисмидин ортиқ бири томиъ эди.
Борур эдилар қилибон пўя фош,
Булди аён йўл уза бир сода тош,
Ёрими ерда, ёрими юққори,
Ул ёримидаки, буллуб тошқори.
Нуктан бас турфа қазилған эди,
Чун уқудилар—бу ёзилған эди:
„Ким киши гар эмгак утин куйдурур,
Тошни яна юзига айландурур.
Анда битиклик дурур афсонаэ,
Ким бу навоҳий аро вайронаэ“ . . .

Дostonдан келтирилган бу парчани ҳижо ва рукиларга бўл-сак, қуйидагича манзара ҳосил бўлади:

Фо-рс-на-во/ҳий-си-ди-ник/ки-ра-фиқ
Ай-ла-ди-лар/Чин-со-ри-аз/ми-та-рик
Бир-и-а-зал/қис-ми-ға-қо/ниъ-э-ди
Қис-ми-дин-ор/тиқ-би-ри-то/миъ-э-ди

Бо-ру-рэ-ди/лар-қи-ли-бон/пў-я-фош
 Бўл-ди-а-ён/йўл-у-за-бир/со-да-тош
 Ё-ри-ми-ер/да-ё-ри-ми/юқ-қо-ри
 Ул-ё-ри-ми/да-ки-бў-луб/тош-қо-ри
 Нуқ-та-и-бас/тур-фа-қа-зил/ған-э-ди
 Чун-ў-қу-ди/лар-бу-ё-зил/ған-э-ди
 Ким-қи-ши-гар/эм-га-гў-тин/куй-ду-рур
 Тош-ни-я-на/юз-и-га-ай/лан-ду-рур
 Ан-да-би-тик/лик-ду-ру-раф/со-на-э
 Ким-бу-на-во/ҳий-а-ро-вай/ро-на-э

Буюк шоирнинг „Фарҳод ва Ширин“ достони ҳам ўзига хос оҳанг билан ўқилади. Асарда ҳар бир мисра уч рукнга бўлинади, биринчи ва иккинчи рукнлар тўрт, учинчи руки уч ҳижолидир. Барча рукнларнинг биринчи ҳижоси қисқа бўлиб, қолган ҳижолари чўзиқ. Бу ҳодисанинг такрорланиши, яъни қисқа ҳижолардан кейин қаторасига чўзиқ ҳижоларнинг келиши ўзига хос ритми. мусиқийликни вужудга келтирган. Достондан бир парча келтирайлик:

Тариқи ишқ ихфосида моҳир,
 Бу янглиғ ишқ сиррин қилди зоҳир:
 Ки Фарҳод айлабон ишқин ниҳоний,
 Хираддин кўргузур эрди нишони
 Қаю уй ичра бўлса шуъла мавжуд,
 Эмасдур уйга боқи гар чиқар дуд.
 Ёниб ут чиқмас ўлса дуди мутлақ,
 Ул уй девориға бўлмоқ керак шақ.
 Фалак ҳам меҳрин оқшом айламас фош,
 Булур зоҳир чу анжумдан тукар ёш.
 Ёшурғай нофа худ мушки татори.
 Ёйилмоқда иси, на ихтиёри.
 Чу лола гунчаси зоҳир булур чоғ,
 Неча кунлида асрар ёшурун доғ.

Бу парча ҳижо ва рукнларга ажратилганда, қуйидагича манзара вужудга келади:

Та-ри-қи-иш/қ-их-фо-си/да-мо-ҳир
 Бу-ян-г-лиғ-иш/қ-сир-рин-қил/ди-зо-ҳир
 Ки-Фар-ҳод-ай/ла-бон-иш-қин/ни-ҳо-ни
 Хи-рад-дин-кўр/гу-зур-эр-ди/ни-шо-ний
 Қа-ю-уй-ич/ра-бўл-са-шуъ/ла-мав-жуд
 Э-мас-дур-уй/га-бо-қи-гар/чи-қар-дуд
 Ё-ниб-ўт-чиқ/ма-сўл-са-ду/ди-мут-лақ
 У-луй-де-во/ри-ға-бўл-моқ/ке-рак-шақ
 Фа-лак-ҳам-меҳ/ри-ноқ-шо-май/ла-мас-фош
 Бў-лур-зо-ҳир/чу-ан-жум-дин/тў-кар-ёш
 Ё-шур-ғай-но/фа-худ-муш-ки/та-то-ри
 Ё-йил-моқ-да/и-си-не-их/ти-ё-ри
 Чу-ло-ла-гун/ча-си-зо-ҳир/бў-лур-чоғ
 Не-ча-кўн-г-ли/да-ас-рар-ёш/у-рун-доғ

Аруз шеърин системаси ўзбек классик поэзиясининг асосини ташкил этади. У ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳамза, Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустий ва Эркин Воҳидовлар арузнинг катта имкониятларга эга эканлигини амалда намойиш этдилар. Аруз шеърин тизими адабиётимизни янги мазмун ва янги образлар билан бойитди.

Қуйида аруз тизимида ёзилган ғазаллардан намуна келтирамиз.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг „Ўзбек хотин-қизларига“ номли шеъри арузнинг „ҳазажи мусаммани аштар“ вазнида ёзилган бўлиб, тақтиъиси қуйидагича:

Фо-и-лун ма-фо-ий-лун фо-и-лун ма-фо-ий-лун

Келди очилур чоғи ўзлингн намоён қил,
 Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.
 Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи,
 Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.
 Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
 Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.
 Чўриликни муллолар сенга қилдилар тақдир,
 Кел бугун бу захмингга маърифатни дармон қил.
 Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни
 Юзларин қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.
 Ой юзинг қора чиммат зулмидан кутултирғил,
 Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичида жавлон қил.
 Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
 Нурларин олиб кўзга сурмайи сулаймон қил.

Бу ғазални ҳижо ва рукнларга ажратганда тубандагича бўлади:

Кел-ди-о/чи-лур-чо-ғи/ўз-ли-гинг/на-мо-ён қил
 Пар-ча-лаб/ки-шан-лар-ни/ҳар-то-мон/па-ри-шон-қил
 Мак-таб-ан/жу-ман-бор-ғил/ун-да-фикр/о-чиб-го-ҳи
 Ил-му-фан/ти-ғи-бир-лан/жаҳ-л-бағ/ри-ни-қон-қил
 Со-я-лар/да-сар-ғай-ган/юз-ла-ринг/қи-либ-гул-гун
 Сен-ҳам аҳ/ли-до-ниш-лар/баз-ми-ни/гу-лис-тон-қил
 Чу-ри-лик/ни-мул-ла-лар/сен-га-қил/ди-лар-тақ-дир
 Кел-бу-кун/бу-зах-мин-га/маъ-ри-фат/ни-лар-мон-қил
 О-на-лик/ҳу-қу-қинг-ни/ҳур-мат-эт/ма-ган-лар-ни
 Юз-ла-рин/қа-ро-ай-лаб/феъ-ли-дан/пу-шай-мон-қил
 Ой-ю-зинг/қа-ро-чим-мат/зул-ми-дан/қу-тул-тир-ғил
 Чиқ-қо-рон/ғи-тур-муш-дан/ну-ри-чи/да-жав-лон-қил
 Сен-қа-чон/ма-о-риф-нинг/дар-го-ҳи/га-йўл-топ-санг
 Нур-ла-рин/о-либ-кўз-га/сур-ма-йи/су-лай-мон-қил.

Эркин Воҳидовнинг куйидаги шеъри эса, арузнинг „рамали мусаммани мақсур“ баҳрида ёзилган. Унинг тақтиъиси тубандагича:

Фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Тун билан йиғлабди булбул гунча ҳажри доғида,
 Кўз ёши шабнам бўлиб қолмиш унинг япроғида,
 Кўз юмар бўлсам кўзим олдида пайдо гул юзим,
 Гунча кўз очмоғи бор булбул кўзин юммоғида.

Аста барг остида тинглаб ётган эрмиш шум сабо,
Гунча булбулдап муҳаббат дарсин олган чогида.
Севги саҳросида қолмиш неча Мажнундан губор,
Неча Фарҳод гарди ётгай Бистуннинг тогида.
Гунчадек чеҳранга Эркин жон фидо этгай, санам,
Қатра қонидин гул унсин то муҳаббат боғида.

Бу ғазал қуйидагича ҳижо ва рукнларга бўлинади:

Тун-би-лан-йиг/лаб-ди-бул-бул/гун-ча-хаж-ри/до-ғи-да
Кўз-ё-ши-шаб/нам-бў-либ-қол/миш-у-нинг-яп/ро-ғи-да
Кўз-ю-мар-бўл/сам-кў-зим-ол/ди-да-пай-до/гул-ю-зим
Гун-ча-кўз-оч/мо-ғи-бор-бул/бул-кў-зин-юм/мо-ғи-да
Ас-та-бар-гос/ти-да-тинг-лаб/ёт-га-нэр-миш/шум-са-бо
Гун-ча-бул-бул/дан-му-ҳаб-бат/дар-си-нол-ган/чо-ғи-да
Сев-ғи-саҳ-ро/си-да/қол-миш/не-ча-Маж-нун/дан-гу-бор
Не-ча-Фар-ҳод/г-ар-ди-ёт-гай/Би-с-тун-нинг/то-ғи-да
Гун-ча-дек-чеҳ/ранг-га/Эр-кин/жон-фи-до-эт/гай-са-нам
Қат-ра-қо-ни/дан-гу-лун-син/то-му-ҳаб-бат/бо-ғи-да.

Машқ. Фурқатнинг „Сайдинг қўябер, сайёд“ мусаддасини ҳижо ва рукнларга ажратиб дафтарингизга кўчиринг.

Уйга вазифа. Муқимийнинг „Танобчилар“ асарининг тақтиъсини топинг. Уни ифодали ўқишга тайёрланг.

Масални ифодали ўқиш Ахлоқий, ҳажвий ва кесатик мазмунни киноявий мажозий образларда акс эттирадиган тараққиётимизга халақит берадиган иллатларни, бюрократ, товламачи ва маиший бузуқ кишиларни танқид қилишга қаратилган кичик шеърӣй ва насрий асарларга масал дейилади.

Масал, асосан, эпик асар турларидан бири бўлиб, унда кишилар характериға хос хусусиятлар ҳайвонлар ва ўсимликларга кўчирилади. Ёзувчи халқ оғзаки ижодидан, айниқса мақоллар, ҳикматли сўзлар ҳамда халқ ўртасида кенг тарқалган турли хил иборалар—пичинг, кесатиш ва бошқалардан усталик билан фойдаланиб, инсонга хос бўлган у ёки бу салбий белги—хусусиятлардан кулиш орқали панд-насихат қилади.

Масал бадий адабиётнинг шеърӣй ва насрий шаклларида яратилади. Масални ифодали ўқиш катта маҳорат талаб қилади. Унда тулки—алдоқчи, бўри—очкўз, чаён—гили захар, илон—маккор, тўтиқуш—гапдон, булбул ғазалхон ва хушовоз кишиларга ўхшатилади.

Масалларда яширинган ўткир киноя, воқеаларнинг тез-тез ўрин алмаши туриши уни бир матнда ўқишга халақит беради. Шунинг учун ифодали ўқишга етарли малака ҳосил қилмаган ўқувчи аввал матн билан яхшилаб танишиб чиқмоғи лозим. Танишиш жараёнида ўқувчи персонажларнинг характер хусусиятлари ва муаллифнинг ғоявий ниятини аниқлайди. Масалан, И. А. Криловнинг „Бўри билан қўзичоқ“ масалини олиб кўрайлик:

„Ёғочнинг бушини қурт ейди доим“.
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.
Тарих тўғрисида қолайликда жим,
Эртак сўзлайлик қулоқ бер шунга.

Муаллиф биринчи мисранинг ўзидаёқ „кучлилар“ олдида „кучсизлар“ айбли деган тезисни илгари суради ва асардан келиб чиқадиған ғояға ишора қилади.

Масалда ҳукмрон синф вакиллари билан уларға қарам бўлган меҳнаткаш омма ўртасидаги азалий зиддият рамзий тарзда тасвирланади. Жумладан, катта ер эгаси бўри образи орқали гавдалантирилса, ҳуқуқсиз деҳқон эса, ҳеч кимға зарари тегмайдиған қўзичоқ мисолида ифода этилади.

И. А. Крилов „Бўри билан қўзичоқ“ масали орқали ўз замонасининг ажойиб манзарасини яратади. Бўри ҳеч қандай айбсиз қўзичоққа дўқ уриб тўхмат қилади:

— „Сен ифлосни биламан ман,
Тумшўғингни сувға тикиб,
Тоза сувни бўлғатасан!
Сув юзига қолар чикиб
Ғагилаги ҳамма лойлар.
Ғоза бир сув ичолмайман.
Бу ариқдан йиллар, ойлар.
Бу ишингга чидолмайман,
Тутиб олиб бир ямлайман!

Бу парчани ифодали ўқиганда кўз ўнгимизға очкўз бўрининг қўзичоққа даҳшат билан ҳамла қилаётгани келади.

Қўзичоқ ҳеч қандай айби йўқлигини қайта-қайта айтса ҳам, фойдаси бўлмайди, чунки у ювош ва кучсиз эди. Шунинг учун ҳам қуйидаги парча ифодали ўқилганда овозда қўзичоққа хос майинлик, сустлик, ялиниш ва илтимос оҳанги сақланади.

Эй ҳурматли, Юз қадамча пастламан ман
Арзимни бир тингласалар, Жанобин из ичган жойдан,
Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ, Менинг ҳеч бир хабарим йўқ
Менга ғазаб килмасалар. Сув бетига чиққан лойдан!

И. А. Крилов масални яқунлашда ҳам ўз фикрини эзувчи синф вакили ҳисобланган бўри тилидан айтади:

„ . . . Суриштириб ўтиришға вақтим борми?
Қорин очса, овқат бўлса—танланарми?
Айбинг шуки, учраб қолдинг қорним очганда!“—
Шундай қилиб қўзичоқни еди ўрмонда.

Бу парчада охирги мисра муаллиф сўзи бўлганлиги учун ҳам у вазмин, ҳукм тарзида ўқилади.

Умуман, масални ўқиган вақтда бўрининг йиртқичдик хусусиятлари, қўзичоқнинг эса беозорлиги ҳамда шоирнинг қўзичоққа бўлган хайрихоҳлиги сезилиб туриши керак.

Машқ. Қуйидаги масални аввал ичингизда ўқиб чиқинг, сўнгра диалогларни ажратиб, персонажларнинг характер хусусиятини аниқлаб, ифодали ўқинг.

Булбул билан олашақшақ

Булбул берди зиёфат кеча,
Тенқурларин кутиб олди хуш.
Келди Саъва, Майна, Қизилтўш,
Қумри, Какку, шўх Читтаккача...
Базм қизгин, дастурхон мўл-кўл.
Кўп тортилди шарбат билан гул,
Сўнгра қушиқ бошлади Булбул.
Шу чоғ
Учиб келиб бир Олашақшақ,
Ўзин урди тўрдаги жойга.
Гап бошлади у Каккубойга:
— Ҳолин сўргин Бургут бойқишдан,
Бугун олиб ташланди ишдан!
Зағча бу йил чиқмайди қишдан!..
Ва ҳоказо... Гапи пойма-пой,
Олашақшақ валдирар тинмай.
Олдин қушлар қилди илтимос;
— Бас қил жонга тегдинг,
рост!
Олашақшақ гапирар, тинмас.
— Хўроз калтак еди товуқдан,
Тўрғай майиб бўлди совуқдан!..

Булбул тўхтаб, қушиқ узилди,
Яхши базм совиб, бузилди.
Учиб кетди Саъваю Майна,
Хайрлашмай кетди Бедана...
Ҳеч ким энди кулмас хушчақчақ,
Фақат ичиб. ер Олашақшақ,
Шоҳда туриб, ялинар мезбон:
— Қара, тарқаб кетяпти меҳмон,
Йўқол, безбег. уйимдан шу он!
Олашақшақ кетмай шунда ҳам
Деди муттаҳам:
— Билдим: баринг яқин, ҳамтумшук,
Ичкиликбоз, маиший бузуқ!
Тегиш жойга борар аноним,
Шуни билиб қўй, иним!..
Меҳмон тарқаб, бузилди базм.
Энди нима қилмоқлик лозим?
Шафқатсиз бўл Олашақшаққа,
Ҳайдаб чиқар дуч келган ёққа!
Токи бўлиб... ҳалиги Бузоқ,
Гурунг бузиб юрмасин узоқ!
(Сами Абдуқаҳҳор.)

Машқ. Қуйидаги насрий масални ўқинг. Шеърый масал билан насрий масалларнинг ифодали ўқилишида қандай фарқ борлигини тушунтиринг.

Олмаҳон ва бўри

Олмаҳон у шоҳдан бу шоҳга сакраб юриб, тўппа-тўғри уйқуда ётган бўрининг устига йиқилиб тушди.

Бўри сапчиб турди ва уни емоқчи бўлди.

Олмаҳон:— „Мени қўйиб юбор“,— деб ялина бошлади.

Бўри бўлса: „Хуп, майли, мен сени қўйиб юборай, сен менга фақат шуни айт, нима учун сиз, олмахонлар жуда қувноқсиз. Мен бўлсам доим зерикаман, лекин сизга қарасам, сиз дарахт тепасида ҳамиша ўйнайсиз ва у ёқдан-бу ёққа сакраганингиз сакраган“— деди.

Олмаҳон айтди: „Олдин мени дарахтга қўйиб юбор, у ердан туриб сенга айтиб бераман, булмаса сендан қўрқаман“.

Бўри уни қўйиб юборди. Олмаҳон дарахтга чиқиб олди ва у ердан туриб шундай деди: „Сен шунинг учун ҳам зерикасанки, сенинг ваҳшийлининг юрагингни сиқади. Биз шунинг учун қувноқмизки, биз ювош ва ҳеч кимга озор бермаймиз“.

(Л. Н. Толстой.)

Насрий асарларни ифодали ўқиш

Насрий асарларни ифодали ўқиш ҳам катта маҳорат талаб қилади. Чунки, адабий асарнинг бадий хусусиятлари, унда олдинга сурилган фикрлар ёзувчи дунёқарашини каби муҳим масалаларни аниқлашда ифодали ўқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун ўқитувчи матнни танлашда жуда эҳтиёт бўлмоғи лозим. Матн юқори савияга, юксак бадий қимматга эга

бўлган, шу билан бир қаторда, таълим-тарбияга оид бўлмоғи керак. Олинган парча ҳажм жиҳатидан жуда ҳам катга бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, матнда диалоглар кам бўлишига эътибор бериш керак. Шундагина оғзаки нутқани ўстириш, бадний асарнинг ғоявий мазмунини чуқур тушуниш, образлар тизимини ўрганиш, умуман, ёзувчининг ҳаётга бўлган муносабатини англаш каби ифодали ўқиш дарслари олдига қўйиладиган қатор талабларга жавоб бериши мумкин.

Насрий асарларни ифодали ўқишни ҳаммага яқин ва осон бўлган халқ оғзаки ижодига мансуб эртақдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Эртақларни ифодали ўқиш турларидан бири ҳисобланади. Унда фантазия ва муболаға кучли бўлиб, халқ ҳаёти, урф-одатлари, интилиш ва курашлари, орзу-армонлари акс эттирилади. Шуниси характерлики, деярли барча эртақлар асосида эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кескин кураш туради ва, албатта, эзгулик тантанаси билан яқунланади.

Эртақларни ифодали ўқишдан олдин, ўзбек халқ эртақларида турли-туман шаклда ишлатиладиган (традицион) анъанавий муқаддима намуналаридан мисоллар келтирилиб, уларнинг бири-биридан фарқи тушунтирилади. Масалан, „Тулки билан товус“ эртагининг муқаддимасига диққат қилинг. „Эртаги ё эртаги, эчкиларнинг буртаги, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчуқ чақимчи экан, тўрғай тўқимчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор. . .“

Ўзбек халқ эртақларидан „Ойпарӣ“ нинг муқаддимаси ундан фарқ қилади: „Бор эканда, йўқ экан, оч эканда тўқ экан, ўтган замонларнинг бирида Ҳусанбой исмли камбағал бир бечора йигит бўлган экан, унинг ётарга жойи ҳам йўқ экан. У туғилиб ўсан қишлоғидаги эски масжиднинг ҳужрасида ётиб юрар экан“.

Эътибор берилса, иккала эртақнинг муқаддимаси ҳам бошқача-бошқача ўқилишини сезиш қийин эмас. Масалан, биринчи эртақ муқаддимаси сажда ёзилганлиги учун ифодали ўқиганда ритмга ҳам катта эътибор берилади: „Эртаги ё эртаги эчкиларнинг буртаги“ . . .

Иккинчи эртақ муқаддимаси эса ундан бутунлай фарқ қилади: „Бор эканда, йўқ экан, оч эканда тўқ экан. . .“ Бу парча худди муаллиф баёни каби вазмин ўқилади.

Эртақларнинг бундай хилма-хил анъанавий муқаддималари талабаларга тўғри ўқиб кўрсатилса, уларнинг бугун фикри-хаёли жалб этилади, асар мазмунига бўлган қизиқишлари тутиб турилади. Масалан, „Уч оға-ини ботирлар“ эртагининг ўқилишига эътибор қилинг.

„Бир бор экан (қисқа пауза), бир йўқ экан (қисқа пауза), қадим замонда (пауза) бир киши бўлган экан (пауза). Унинг учта ўғли бор экан (қисқа пауза), учови ҳам ўқиган (қисқа

пауза), оқ қорани таниган (қисқа пауза), юзлари ойдай (қисқа пауза), ўзлари тойдай (қисқа пауза), ёмон билан юрмаган (қисқа пауза), ёмон жойда тұрмаган экан (пауза). Тўнғичи—йигирма бир ёшда (қисқа пауза), ўртанчаси—ўн саккиз ёшда (қисқа пауза), кенжаси—ўн олти ёшда экан (пауза)“.

Тўнғичи ўртанчаси ва кенжаси каби сўзларни ўқиётганда мантикий урғу берилади, бу сўзлардан сўнг тире бўлганлиги учун қисқа бир пауза қилинади.

„Отаси (қисқа пауза) бир куни буларни ўз олдига чақириб (қисқа пауза), ҳар бирининг пешанасидан силаб (кичик пауза), бундай дебди (пауза):

—Ўғилларим (қисқа пауза), мен бой эмасман (қисқа пауза), мендан қолган нарсалар (қисқа пауза) сизнинг турмушингиз учун етмайди (қисқа пауза), энди мендан бирор нарса умид қилиб ўтирманглар (пауза). Ўлганимдан кейин бахтсиз бўлиб қолманглар (қисқа пауза), деб сизларни ўқитдим (қисқа пауза), боқдим-кўрдим (қисқа пауза), вояга етказдим (қисқа пауза), қувватли бўлдингизлар (қисқа пауза), яроғ ушлашни ўргатдим (қисқа пауза), яроғ ишлатишга уста бўлдингизлар (қисқа пауза), кўрқитмай ўстирдим (қисқа пауза), ботир бўлдингизлар (пауза). Яна уч нарсани айтаман (қисқа пауза), қулоқларингизга олиб (қисқа пауза), эсларингиздан чиқарманглар (пауза): тўғри бўлинг—(пауза) бежавотир бўласиз (пауза). Мақтанчоқ бўлманг—(пауза) уятга қолмайсиз (пауза). Дангаса бўлманг—(пауза) бахтсиз бўлмайсиз (пауза). Бундан бошқасини энди ўзингиз билинг (пауза). Қоратойни (қисқа пауза), саман тойни (қисқа пауза), кўк тойни асбоблари билан тайёрлаб қўйдим (пауза). Хуржунларингизни бир ҳафталик овқат билан тўлғиздим (пауза). Бахтингиз йўлда (қисқа пауза), уни топиб олмоқ учун сафарга чиқингиз (қисқа пауза), дунёни танимай (қисқа пауза), дунё кишиси бўлмайсиз (пауза). Бахт қушини ушламоқ учун (қисқа пауза) бахт овига чиқинглар (пауза). Хайр энди (қисқа пауза), ўғилларим,—деб сўзини тамом қилибди (пауза)“.

Бу матнда меҳрибон отанинг—қариянинг сеvimли фарзандларига қилаётган насиҳати сезилиб туриши керак. Ота сўзидаги яроғ ушлашни ўргатдим, кўрқитмай ўстирдим, тўғри бўлинг, мақтанчоқ бўлманг, қора тойни, саман тойни, кўк тойни каби сўзлар худди юқорида кўрсатилгандек, алоҳида таъкидлаб, урғу бериб ўқилса, эргак ғоявий мазмунининг тингловчи қалбига бориб етиши осонлашади.

Ҳикояларни ифодали ўқиш Ҳикоя эпик турнинг кичик жанри бўлиб киши ҳаётидаги маълум бир воқеани тасвирлайди, ammo шу воқеага қадар бўлган ва ундан кейин рўй берадиган воқеаларни багафсил баён этмайди. Шуниси характерлики, ҳикояда қаҳрамон ҳаётдан кичик бир эпизоди олиниб, унда ҳаётнинг муҳим, типик кўриниши ихчам шаклда тасвирланади.

Уқувчи ҳикояни ифодали ўқишда бу жанрнинг ана шу жиҳатларини эътиборга олиши, матндаги муаллиф нутқи, табиат тас-

вири, диалоглар ҳамда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини пухта ўрганиши лозим. Масалан, куйидаги Абдулла Қаҳҳорнинг „Ўғри“ ҳикоясининг ўқилишини кўриб чиқайлик. Бу ҳикояда бир-бирига қарама-қарши икки синф вакиллари иштирок этган. Уларнинг маънавий қиёфаси ҳам, ижтимоий келиб чиқишлари ҳам тамоман бир-бирига қаршидир. Асарда Қобил бобо образи хонавайрон бўлган деҳқонларнинг ёрқин тимсоли бўлса, амин, настав ва эллиқбошилар ҳукмрон синфнинг типик вакиллари сифатида тас-вирланади. Шунинг учун ўқиш жараёнида Қобил бобонинг ниҳоятда соддалиги, амалдорлардан мадад кутиши, уларга ишонч, хўрланганлиги, амалдорларнинг эса порахўрлиги, икки юзлама-чилиги, фуқарони менсимаслиги равшан сезилиб туриши керак. Шундагина тингловчида Қобил бобога нисбатан ачиниш, меҳр-муҳаббат, амалдорларга чексиз нафрат туйғулари уйғонади. Ҳикоянинг бошланиш қисми муаллиф тавсифи бўлганлиги учун паузаларга бўлиб қуйидагича ўқилиши мумкин:

„Кампир тонг қоронғусида ҳамир қилгани туриб (*қисқа пауза*), ҳўкизидан хабар олди (*пауза*). О (*пауза*)!. . Ҳўкиз йўқ (*қисқа пауза*), оғил кўча томондан тешилган (*пауза*)... Деҳқоннинг уйи куйса куйсин (*қисқа пауза*), Ҳўкизи йўқолмасин (*пауза*). Бир қоп сомон (*қисқа пауза*), ўн-ўн бешта хода (*қисқа пауза*), бир арава қамиш (*пауза*) уй (*пауза*). Ҳўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади (*пауза*).

Одамлар дод овозига ўрганиб қолган (*пауза*): бировни эри уради (*қисқа пауза*), бировнинг уйи хатга тушади (*пауза*)... Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди (*пауза*). Қобил бобо яланг бош (*қисқа пауза*), яланг оёқ (*қисқа пауза*), яқтакчан оғил эшиги ёнида туриб, дағ-дағ титрайди (*қисқа пауза*), тиззалари букилиб-букилиб кетади (*қисқа пауза*), кўзлари жавдирайди (*қисқа пауза*), ҳаммага қарайди (*қисқа пауза*), аммо ҳеч кимни кўрмайди (*пауза*). Хотинлар ўғрини қарғайди (*қисқа пауза*), ит ҳуради (*қисқа пауза*), товуқлар қақағлайди (*пауза*). Кимдир шундай кичкина тешикдан ҳўкиз сиғишига ишонмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди (*пауза*).

Қобил бобонинг қўшниси (*пауза*)—бурунсиз эллиқбоши кирди (*пауза*) У оғилга кириб тешикни (*қисқа пауза*), ҳўкиз боғланган у-тунни (*қисқа пауза*) диққат билан кўздан кечирди (*қисқа пауза*); негадир устунни кимирлатиб ҳам кўрди (*қисқа пауза*), сўнгра Қобил бобони чақирди ва паст товуш билан деди (*қисқа пауза*):

—Ҳўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди (*қисқа пауза*), топилади!“

Уйга вазифа. Абдулла Қаҳҳорнинг „Адабиёт муаллими“ номли ҳикоясини юқоридаги каби паузаларга бўлиб ўқиб келинг.

Адабиёт муаллими

Абдулла Қаҳҳор

Ўзининг айтишига кўра, „нафис адабиёт муаллими“ ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди: сиирнинг қулোগа яна қана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди—ошини сидқийди, пишқиради.

—Ҳайвон! Сигир эмас, ҳайвон! —деди оғилнинг эшигини қаттиқ ёпиб,—ҳайвон!

Хотини Мукаррам ҳовлида самоварга сув қуяр эди.

—Ҳайвон!—деди Бақоев.—Бу сигирни сотиб пулига чўчка олиш керак!

—Шаҳарда чўчка асраш мумкин эмас,—деди Мукаррам самоварга кумир солаётиб.

—Нима учун? Тақиқ қилинганми. Ким айтди? Мен айтиб эдимми? Тўғри, мумкин эмас... албатта, мумкин эмас...

—Уйга кириб, Ҳамида келди.

Ҳамида ўн олти ёшлардаги тийрак, қувноқ қиз, поччасини кўриб севиниб кетди.

—Сиз уйда экансиз, билсам дафтаримни олиб келар эканман... эсизгина...

Ўртоқ Боқижон Бақоевнинг таъби очилди—сигир, унинг қулоғидаги кум-кук кана, ғўқиллаб тумшуғи билан ариқ ёқаларини бузиб юрган чўчка куз олдида кетди.

—Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми?—деди.—Ҳимм... яхши қилибсан. Рабфакка ўт, деб мен айтиб эдим шекилли? Ҳимм... Ауф, зарда булибман. Рабфак яхши, мен бир борган эдим. Концеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйишти. Тўғри эмас. Практикум, минимум, максимум булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб билман.

Бир оз жим қолишди,

—Боқижон ака,—деди қиз уялиброқ.—бир нарсани сиздан сурамоқчи эдим: қиз синфда Чеховнинг „Уйқу истаги“ ни ўқидик, ғўдакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз. Даъвогар ғўдакнинг опаси Раҳима бўлади, қораловчи Шарифжон. Судьялар ҳам булади, Мен қизни оқлаб бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман. Мана шу... Шунга эдим. Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев ўйлаб туриб, сўради:

—Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳакимов? Аҳмоқ одам! Ўз устида ишламайди. Савол аломати ҳамма вақт „ми“ дан кейин қўйилади десам, кулади. Гап бунда ҳам эмас...

Мукаррам самовар кутариб кирди. Ҳамида ирғиб туриб, самоварни опасининг қулидан олди ва столга қўйди. У, ҳомилдор хотинга самовар кўтартириб, қараб утирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. Ўртоқ Боқижон Бақоев жуда чанқаб турган экан, устма-уст тўрт пиёла чой ичди ва терлади.

—Чуварадан кейин чой жуда яхши кетади-да,—деди терини артиб.—Ҳимм... соқол ҳам ўсипти, саргарош бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди, Маймун, жуни тўкилиб, одам бўлган. Бу ҳақда Энгельснинг фикри бор.

—Ҳалигини айтмадингиз, Боқижон ака,—деди қиз,—Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради.

—Чеховми? Ҳимм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни энглаш лозим булади.

Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... ҳимм... Мукаррам, товуққа мойя қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ—мойя қўйсанг туғади! Нима учун мойя қўйсанг туғади? Хўроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология? Биология ўқийсизларми?

Ҳамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқини йилида яна нималар ўти-лажагини сузлаб берди ва ўзини оқлаш нутқида физиологик асослар ҳам кўрсатиш нияти бор эканини айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.

—Ҳимм...—деди Бақоев—Чехов тўғрисида ўзининг фикрим бор. Бошқалар нима деса десин, ҳар ҳолда унинг дунёга қараши... Унинг дунёга қараши Пушкин ва Лермонтовларнинг дунёга қарашидан фарқ қилади. Бир давр, бир синф, бир мамлакат ёзувчилари булишларига қарамасдан мутлақо фарқ қилади!

— Чехов Пушкин билан бир даврда яшаган эмас-ку, — деди Мукаррам, — бизнинг кутубхонада унинг Максим Горький билан олдирган сурати бор. Чехов 1904 йилда улган булса керак.

Ўртоқ Бақоев бир оз ўнғайсизланди.

— Сизлар қайси Чехов туғрисида гапираётибсизлар? Чойдан қуй! Бу Чехов ҳақидами? Тўғри, бу 1904 йилнинг биринчи ярмидами, иккинчи ярмидами ўлган... Бошқа румолча бер, бундан пиёз ҳиди келяпти. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сузлаётиман.

— „Уйқу истаги“ қайси Чеховники? — деди Ҳамида.

— Ҳеч шубҳасиз бу Чеховники. Бу нарса биринчи марта „Современник“ журналида босилган.

Шундан кейин ўртоқ Боқижон Бақоев узундан-узоқ сузлаб кетди. Унинг нима туғрида сузлаётганини Ҳамида билмас эди. Детирдинг деган аллақандай машҳур танқидчи Шеллинг деган ёзувчига „сен дастёрга зор бўлгунча ўглинг дастёр бўлади“ деб хат ёзган; Маркс Добролюбовни Меринг билан бир қаторга қўйган; Стендинг деган аллақандай бир драматург улар чоғида Демпинг деган бир танқидчига: „Агар бутун жониворларни худо яратган булса, мен унинг завқига қойил эмасман, эчкиэмар ҳам жонивор буддими?“ деган... Ҳамиданинг боши оғирлашиб кетди; икки марта секин оғзини очмасдан эснади.

Ҳамида мезбонлар билан хайрлашиб кучага чиққанда қоронғи тушган эди; „Уйқу истаги“ туғрисида поччасидан ҳеч қандай фикр ололмади. Унинг сузларидан нима олгани ҳақида узига ҳисоб берар экан, ғувиллаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди; практикум, минимум, максимум; Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг...

Қиссаларни
(Повестларни)
ифодали ўқиш

Қиссаларда бир эмас, бир неча персонажлар қатнашади ва улар бош қаҳрамон атрофида гуруҳлашади.

Қиссаларни ифодали ўқишга киришишдан аввал уларнинг жанр хусусиятларига эътибор бериш зарур. Чунки қиссаларнинг барчасини бир хилда ўқиб бўлмайди. Масалан, автобиографик қиссаларда ҳаёт осуда, осойишта тасвир этилади. М. Горький, Собит Муқонов, Садриддин Айний, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорларнинг автобиографик қиссалари фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундай асарлар асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда осойишта, шошилмай ўқилади.

Масалан:

Болаликда курганларим, эшитганларим ҳаммаси эсимда. Айрим ҳодисалар, хотиралар ҳозир ҳам қуёшдан бир томчи каби ялт этиб кетади хаёлимда.

Ўмуман айтганда, бизнинг болалик ҳаётимиз буш, бемаъни, зериктиргич, қайғу-аламга тула, бир ҳаёт бўлган.

Руза ойлари мен сахар туришини яхши кураар эдим, аммо руза тутишга сира тоқатим йўқ эди. Эртаси тушда, кўпинча эрта-лаброқ рузамни очиб юборардим. Қорним дарров очиб кетарди. Бувимнинг жаҳли чиқар, „Очофат, рўзанинг уволига қолдинг!“ деб вайсар эди. „Жилла бўлмаганда рўзанинг бошида, ўртасида, охирида уч кундан тут. Қаноат лозим, қаноат қорин туйдиради“ дерди бувим хуноо бўлиб.

— Ҳали кичкинаман, Аялоҳ таоло кичкиналарнинг оғзи тинмасин, деган. Сиздақа қариганимда тутарман рўзангизни, — деб бувимнинг жигига тегардим.

Онамнинг иши булмас ва „Толиқиб қоласан, ўғлим, руза, бизларга фарз, сабоғингни ўйла!“ дер эди, холос.

... Руза оқшомлари Шайхонтаҳурда одам қалин. Бундай кечалар бозоршаб дейлади. Хуфтондан кейин бир тўда болалар Шайхонтаҳурга югурамиз.

Шайхонтаҳурда чироқлар кўп, яқинда электр пайдо булган. Чойхоналар тоза, озода, ҳар кун Туйчи ҳофиз бир тўда мусиқачилар билан ашула айгади, ҳамма жим, сел булиб эшитади. Ошпазлар кабобу манти, палову шурва пиширишади, уларнинг бозори чаққон!

Бир чеккада болалар, йигитчалар от ўйинда, гармон билан айланади. Бу ерда ҳам тикилинч, киссасида ярим тангаси бўлган ҳар кимса аравага тушиб, маза қилиши мумкин. Аммо биздақа бечоралар кўзимизни лўқ қилиб томоша қиламиз, холос.

Кино ҳам бор, тахта девор билан ўралган. Турли олди-қочди картиналар кўрсатилиб туради. Болалар жуда кўп, бозоршабнинг ҳар бурчида тентираб юришади. Дарах тепаларига қўниб, томоша қиладилар. Полициялар, миршаблар билса жазосини беради, қўймайди.

Ҳар хил суратлар—оқ пошшо, унинг оиласи, тўра ва министрлари. Анвар пошшо, Истамбул кўринишлари. Ҳалифа ва ҳоказоларни дурбинда кўрсатадиган олиф-та кийинган, мўйловлари ўсик, келишган бир киши бақриб тушунтиради. Бу ерда уч-тўрт киши сиғадиган курси қўйилган ва атрофи парда билан ўралган. У киши вайсаб бўлгандан кейин, одамлар дув этиб чиқиб кетади. У чойгами-нонгами кетганда бизлар астагина дурбинга ёпишамиз. Агарда эгаси келиб қолса, бизни олдига солиб қувлайди.

Баққоллар кичкина-кичкина дўкончаларида ярим кечага қалар савдо қиладилар. Пашмак, турли-туман, хилма-хил ҳолвалар, писта-бодом, аччиқ-чучук мағизлар, новвот-парвардалар, отнон, хўрозқандлар сероб. Емасак ҳам томоша қилишни яхши кўрамыз.

Шундай қилиб бозоршабнинг биронта бурчагини колдирмасдан томоша қилиб келсак ҳам чарчасни билмаймиз. Саҳар бўлди легунча мадраса томига ногора томошасига югурамыз, Семиз, бақалоқ киши катта ногораларни олов ёкиб қизитиб ўтиради. „Жон амаки, мен қизитай, мен оловга ўтин қалаб ўборай“, деб ялинамыз ҳаммамиз. Юзи жиддий ифовали гўштдор киши: „Булди, бўлди, тўр, қоч!“ деб койийди. Соат ўн икки бўлишини сабрсизлик билан кўтамыз. Нақ ўн икки бўлганда оловда қизиб турган ногораларнинг така-тумбака-банги бошланиб кетади. Унга сурнайчи жўр бўлади. Бизлар жим қотиб тинглаймиз. Ногора базм узоқларга кетади. Ногора чалиниши саҳарнинг белгиси. Ёш-қари ҳаммаси саҳарликка туради. Ошми, шўрвами, шовлами, камбағал бечоралар қурвқ нон-чой тотиниб, руза тутади. „Қаноат қорин туйдиради“, дейди бобом, у бу сўзни жуда яхши кўради.

Ногора-сурнайни бир оз эшитгандан кейин, бу ердан ҳам жунаб қоламиз. Бувим билан онам ҳар куни меини уришиб қарши олишади.

(Ойбек)

Абдулла қаҳҳорнинг „Синчалак“, Асқад Мухторнинг „Қорақалпоқ қиссаси“. Пирим Қодирнинг „Эрк“, „Қадрим“, машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг „Жамила“, „Сарвқомат дилбарим“, „Алвидо, Гулсари“, „Оқ кема“ сингари соф бадиий қиссалари ўткир драматизм, кескин конфликт заминига қурилган ва бу, мазкур асарларни ифодали ўқишда ҳам ўз аксини топиши керак.

**Романларни
ифодали ўқиш**

Роман эпик турга мансуб бўлиб, инсоннинг жамият билан алоқасини ҳар томонлама кенг режада тасвирлаши, ҳаётнинг кўламдор манзарасини чизиши билан ажралиб туради.

Романнинг қисса ва ҳикоядан фарқи шундаки, унда турмушнинг йирик муаммолари қаламга олинади, кўплаб персонажлар иштирок этади. Роман жанридаги асарларни ифодали ўқишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам шунда. Негаки, ўша персонажларнинг ҳар бирининг табиатини, маданий савиясини, юриштириши ва ҳатто муаммоларини, кишилар билан ўзаро муносабатини, дангаса ёки чаққонлигини, қўйингки, жамият ҳаётидаги иштирокини тушуниб етмасдан туриб ифодали ўқиб бўлмайди.

Маълумки, роман, ўз навбатида, танланган мавзу ва тасвирий ифода услубига кура, яна бир печа турга бўлинади. Масалан, „Ўтган кунлар“, „Қут

луғ қон"— тарихий роман; „Қуёш қораймас“— ҳарбий роман; „Бурондан кучли“— замонавий роман; „Сариқ девни миниб“— саргузашт роман; „Давр менинг тақдиримда“— ижтимоий фалсафий-роман; „Анна Каренина“— оилавий-маиший роман; „Сароб“— ижтимоий-руҳий роман ва бошқалар. Уларнинг барчаси бир хил уқилса, кўзланган мақсадга ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Бундай ўқиш кишини чарчатади, асарга нисбатан кизиқиш йўқолади. Тингловчи ҳам, уқувчи ҳам ундан эстетик завқ ололмайди.

Романининг ички турлари аниқлаб олингандан сўнг, унда қатнашаётган образларнинг нутқи, хатти-ҳаракати, сўзлаш услубини ҳам кўз олдига келтира билиш зарур. Сўнгра романдан олинган парчани бир неча маротаба ўқиб чиқиб, тиниш белгилари, ургу, пауза ва бошқа зарурий нарсалар аниқлаб чиқилса, мақсад янада равшанлашади. Бу вазифалар бажариб бўлингандан кейин ифодали ўқишга киришса бўлади. Масалан:

„Йулчи турмада яшаркан (пауза), унга туғишган (қисқа пауза) оғани сингари меҳрибон бўлган Петров билан биринчи учрашувдан бошлаб (пауза), то сўнги дамгача ўтган ҳаётини ҳозир ўз фикрдан бир-бир кечирди (пауза). Петровнинг (қисқа пауза) у учун янги (пауза), ёрқин (қисқа пауза), улуг бир дунё очган (пауза), унга алангали умидлар бағишлаган (пауза), унинг кучларига чин қаҳрамонлик майдонини кўрсатган (пауза), оломслай ўткир (қисқа пауза), қуёшдай порлоқ (пауза), аммо шу билан баравар содда (пауза), ҳар бир меҳнатқашнинг (қисқа пауза), ҳар бир эзилгanning юрагига ёпишадиган фикрларига шўнғиб кетди (пауза). Қандай ишлаш керак (пауза), нима қилиш керак (пауза), нимадан бошлаш керак (пауза)—бу хусусда (қисқа пауза) Петров ўқтирган кенгашларни чуқур мулоҳаза қилди (пауза). Фақат (пауза), қалбини тўлдирган улуг фикрларни кимга очади (пауза) ва қандай очади (пауза)? Бунинг учун сўзамол бўлиш керак-ку (пауза)! Йлгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса (пауза), энди атрофлича ўйлаганда (пауза), ҳазилакам эмаслиги равшанлашди (пауза): „Бундай қиламан (пауза),—лабини қимирлатиб ўз-ўзига шивирлади Йулчи (пауза),—аввал шундай одамларни тортаманки (пауза), ўзимга қандай ишонсам (пауза), уларнинг дилига шундай ишонган булай (пауза)... Улар шундай одамлар бўлсинки (пауза)... Петровнинг йўлига киргандан кейин (қисқа пауза) ўтга ҳам (пауза), сувга ҳам ўзини уришга тայёр кўрсатсин (пауза,) жони дили билан ишга берилсин (пауза). Энг яқинларимдан (пауза), синанганларимдан бошлайман (пауза). Бу ишда шошқалоқлик (пауза), енгиллик ярамайди (пауза). Мана қоратой (пауза). У жамики тўраларга (пауза), жамики бойларга ўт билан сувлай (пауза). Унинг укаси Жумабой (пауза). Ишчи йигит (пауза), трамвай йулини тозалашдан боши чиқмайди (пауза). Албатта (пауза), боёнларга қарши (пауза). Хуш, (пауза), яна пахта заводида ишлайдиган (қисқа пауза) „Барат махорка“ бор (пауза)—бу сира қайтмайдиган хилидан (пауза). Ўроз (пауза), Қамбар (пауза), яна қарол (пауза), чоракорлардан қанча танишлар бор (пауза)!

(Ойбек.)

Машқ. Саид Аҳмаднинг „Уфқ“ трилогия, биринчи китоб,— „Қирқ беш кун“ номли романидан олинган қуйидаги парчани паузаларга бўлиб, ифодали ўқишга тайёрланг.

XI боб

Мироббошининг гапи рост чиқди.

Бўрон бўлгандан икки кун кейин дарё суви пасая бошлади. Ўкириб, қирғоққа сапчиб оқаётган дарё боши янчилган илондек аста ҳолдан кетди. Тун яримга борганда ўнг қирғоқ тағларидан лойқа очилиб дарё ўртага қоча бошлади.

Сепоячилар қирғоққа шай бўлиб туришпти. Темир йул тармоғи учун дўнг кўпараётган полвонлар ҳам ишни тўхтатиб шу атрофга келишган.

Сўқоли кўксига тушган бир рекса яктагини ечиб, яланг оёқ, елкасида хода билан лойкага тушди. Соҳилдаги трактор фарасини ёқиб унга қаратди. Чолнинг оппоқ соқоллари янада оқариб кўринди. Бу Хирабек қишлоғидан келган, умрини сепоя ташлаб ўтказган Ҳасан ота Бўронбоев эди.

Чол лойқада тиззасигача ботиб тураркан, қирғоқдагиларга қараб қулици фотиҳага очди.

— Қани, бир омин денглар. Юртимиз сувга сероб бўлсин. Сувга зор бўлиб ўтган ота-боболаримизнинг арвоқлари ёр бўлсин. Омин!

Ҳамма баробар фотиҳага қўл очди. Шундан кейин елкасига аркон, сийрамини ташлаган, ҳода, ёғоч, шох-шабба қултиқлаган кишилар бирин-кетин сувга сакраб туша бошладилар.

Ҳасан ота учта ходанинг учини бирлаштириб бошқа сепоячилар кўмагида сим билан боғлади. Болқалар ҳам шундай қила бошлашди. Чол учи боғланган учта ходанинг бирини айириб ўзига тортди. Уч киши керилган учта ходанинг учини елкалаб сувга тушишди. Ҳасан ота мўлжалдаги жойгача оқиб боргандан кейин ходанинг белига миңиб сув тубига боса бошлади. Чолнинг бўйин томирлари бурғиб чиққани, ирклахи орқага тортилгани трактор фарасида аниқ кўришиб турарди. Ходанинг учи сув тубига етиб қадалди. Орқа тарафдаги икки ҳода сув бетида қалқиб олдинга интилмоқчи бўлиб турарди. Икки азамат уни куч билан пастга босар, оқим уларга куч бермай ходани сув бетида қалқитиб олиб чиқарди. Лойқада турган йигитлардан яна икки киши сувга тушди. Чол прожекторлар нурига панжараларини тутиб, учиринглар, ишорасини қилди. Трактор овози тинди.

Тонг ёришиб қолган, қирғоқ бемалол кўринарди. Чол бошқа сепоячиларга ташланглар ишорасини қилди. Учи боғланган ходаларни судраб йигитлар дарёга туша бошладилар. Иккинчи сепоянинг оёғи тагига етмай сув тортио кетди. Ходага миңиб олган йигитлар ҳам сувда қалқиб оқиб борншарди.

Чол қичқирди:

— Азамат йигитлар бўлса, тушсин. Тез, тезроқ, тез деяпман!

Чол ғайратига чидамай ҳода кўтариб келаётган йигитлардан бирини нари итариб оқиб келаётган ҳодага бир сакраб миңиб олди. Сув худди шу ерга келганда кўпириб, чарч уриб ўтарди. Сепоячиларга сен туш, сен тура тур, деб турган Абдусамад мироббоши калласини сарак-сарак қилди.

— Ота зря сувга тушди. Чарчаб қолган. Бўз болалар тушиши керак эди. Чол тушмагур, ғайратига чидамади. Болалар, хушёр бўлиб туринглар! Биттаг ёнига сузиб бор, сепоянинг учини босишга чолнинг чоғи келмайди. Помогай қил!

Уч йигит жадал сувга тушди. Аммо тулқин уларни ҳам пастга суриб кетди.

Чол сепоя учини тубига ботирди. Аммо узоқ ушлаб туриш унга мушкул эди. Йигитлар бўлса унга етолмай оқиб кетишяпти.

Азизхон қирғоқдан анчагина юқорида томоша қилиб турарди. У шартта яктагини ечиб Лутфинисога берди-ю от-арава қатнайдиған кўприкка қараб чопчи. Томошанин одамлар орасини ёриб кўприк панжарасига чиқди. У ёқ-бу ёққа қарамай ўзини сувга олди, Сув сепоя ташланаётган тарафга шитоб билан оқарди. Азизхон қулочкашлаб оқим тарафга суза бошлади. Зум ўтмай оқим сепоячилар олдига суриб келди. Азизхон чол қўллари қалтираб босиб турган ҳодага тирмашиб куч билан уни қўйига боса бошлади. Чол унга қичқирди:

— Нариги оёқни бос, нарингини!

— Азизхон сепоя учига қиқиб, тепадан ходани босиб тушди. Чол яна қичқирди:

— Энди бунисини бос, бунисини бос, болам! Умрингдан барака тошкур, тез бос!

Азизхон қулочини кериб учи сув бетида ҳамон қалқиб турган ҳодага миңиб олди-да, зарб билан босганидан ўзи ҳам сув тагига кириб кетди.

Ҳамма жим. Нафасини ичига ютган мироблару қирғоқ тула одамлар нима бўлишини кутиб туришарди. Сал фурсат ўтиб сув бетида Азизхоннинг боши кўринди. У елкасигача сувдан чиқиб бошини бир сийкиди...

Ҳамма баробар енгил тин олди.

Сувнинг энг ҳайқириб оқаётган жойида сепоя уч оёғини ерга мустаҳкам тираб олган, сув уни қимирлатолмай қолган эди.

Азизхон чолга қараб илжайди. Ҳамон сепоя ходасини қучоқлаб турган чолнинг пешоналари тиришиб, бир томонга қийшайиб борарди.

— Болам, оёғимнинг томири тортиб қолди.

Азизхон сувда томир тортишининг нималигини яхши биларди. Сувда томир тортиши—ўлим, Энди чолнинг ўзи сузиб чиқолмайди. Оёғи чангак бўлиб

уни сув тубига тортади. Қайтиб чиқиш керак. Азизхон чаққонлик билан чолнинг олдига интилади.

—Бўйнимга осилинг, осилинг, ота!

Чол оғриқ азоби ичида унга осилди. Бу унинг биринчи марта сувдан енгиллиши эди. Ҳамма вақт сувдан ғолиб чиққан паҳлавон энди атрофда кузатиб турган минглаб кузларга боқолмай, бошини Азизхоннинг елкасига куйганича ҳаракатсиз қирғоққа келарди.

Азизхон Ҳасан отани опичлаб тўлқинлар бетида қалқиб-қадқиб қирғоққа томон суза бошлади. Ниҳоят тошга тирмашиб чолни қирғоққа олиб чиқди. Бирпасда одамлар уларни ураб олишди. Азизхон чолни ҳали офтоб тегмаган муздек қумга ётқизиб, букилиб қолган тиззасини уқалай бошлади. Елкасида сумка билан санитар хотин етиб келди. Нима бўлганини суриштириб утирмай пахтага спирт томизиб чолнинг томири тортишиб қолган жойини ишқалай бошлади. Чол қанчалик азоб тортмасин, қанчалик жони оғримасин тишини-тишига қуйиб, инграмай туриб берди. Кимдир Азизхоннинг елкасига тўн ташлади. У тўнни бир елка қоқиб тушириб юборди-да, одамлар орасига кириб кетди.

Орқадан одамларнинг узаро гаплари эшитилиб турарди;

—Азамат йигит экан!

—Қаердан экан бу йигит?

—Шернинг кучи бор экан азаматда.

Азизхон узини кузатиб турган одамлар орасидан аллақандай ғурур билан ўтиб борарди.

Лутфинисонинг буладигани бўлган эди. Азизхон келиши билан унга сад жон киргандек бўлди. Аммо ҳамон икки тиззаси титрар, худди ичида бир нимаси узилиб кетгандек, қаддини кутаролмай энтикарди.

—Совқотгандирсиз? Тез кийинг, кийинг яқтакни.

Азизхон бу ишлар бизга чўт эмас, дегандек бепарво яқтакни кийиб олди. Шу пайт улар олдида Абдусамад мироббоши пайдо бўлди.

—Бу ёққа юр, брат, сени катталар сурашяпти.

Лутфинисо румолчаси билан унинг ҳўл бўлиб кетган сочларини, лойқа ўрнашиб қолган қошларини артиб қўйди.

—Этингизин кийиб олсангиз буларди,—деди Лутфинисо катталар олдига яланг оёқ боришини эп кўрмай.

Азизхон қўл силтаб олифта юриш билан мироббошига эргашиб кета бошлади. Лутфинисо ҳамон жоврарди:

—Ҳой, кийиб олинг, айб бўлади.

Азизхон унга бақириб берди.

—Яна сува тушаман, билдингми? Сен аралашмай тур!

Мироббоши уни дунг олдига бошлаб борди. У ерда ҳукумат раҳбарлари ишни кузатиб туришарди.

—Ия, ана холос, ўзимизнинг полвон бола экан-ку,—деди кулиб Белявский.

Азизхон кағалар олдида одоб билан қўл довуштириб тураверди.

Лутфинисо юзини румоли билан яширди. Юсупов бўлган воқеани Охунбобоевдан эшитган, қоғиб-қотиб кулган эди. Ҳозир иш тигиз бўлганидан ўтган гапни титкилаб утиргиси келмади. Фақат бу азамат йигитнинг жуссасига яна бир қараш, ҳозирги қилган ишига икки оғиз илиқ гап айтиш учун қақиртирган эди. Аммо Юсупов ҳазилкаш, оддий одамлар билан деҳқонча гаплашмаса тўймай қоладиган одати бор эди, Азизхонни гапга тутди.

—Нега ундоқ қилдинг, ўғлим?—деди Лутфинисо томонга ишора қилиб.

—Яхши кўраман-да,—деди Азизхон болаларча соддалик билан.

—Яхши кўрган одам совчи қоради, тўй қилади.

—Ақаси менга бермаса нима қилай?

—Зўрлиқни қаранг-а!—деди Юсупов кулиб.

Белявский Азизхонин хижолатликдан қўтқармоқчи бўлди.

—Ғуноҳидан утинг, Усмон Юсупович. Бугунги қилган иши учун ҳар қанча ғуноҳидан ўтса бўлади. Бу йигитда трактор кучи бор. Канал қурилишига яна битта экскаватор келди деса ҳам бўлади.

—Бупти,—деди Юсупов тан бериб—Канал битгандан кейин битта тўй қилиб ошингни еймиз. Аммо ўзинини эҳтиёт қил, бола. Сен бизга керак одамсан. Кейин бафуржа гаплашамиз...

(Саид Аҳмад.)

Прозаик асарларни ифодали ўқишда тиниш белгиларига алоҳида эътибор бериш керак. Пауза талаб қилинадиган ўринлар ҳисобга олиниши ва унга амал қилиниши зарур. Чунки, кўп ҳолларда талабалар тиниш белгиларига эътибор бермай ўқийдилар. Шунинг учун ҳам амалий машғулотларда ўқитувчи бундан ҳолларнинг такрорланмаслигига эътибор бериб, кузатиб туриши лозим.

Драматик асарларни ифодали ўқиш

Драматик асарларни ифодали ўқишга киришишдан аввал, драма ҳақида қисқача умумий маълумот бериш лозим.

Драматик асарда эпик ва лирик асарлардаги каби муаллифнинг батафсил баёни ва ҳикояси бўлмайди, драма кишини фақат ҳаракатда ифодалайди. В. Г. Белинский айтганидек, драматизм фақат сўзлашувдангина эмас, балки бир-бири билан сўзлашаётганларнинг жонли ҳаракатидан иборатдир.

Драма бадий адабиётнинг асосий турларидан бўлиб, монолог ва диалоглар асосида қурилади. Шунинг учун ҳам у роман, қисса, ҳикоя ва шеърӣ асарлардан тубдан фарқ қилади.

Драматик асарда муаллиф қаҳрамонларнинг турли кайфиятини, ҳолатини ва ҳатто ички ҳиссиётини ҳам уларнинг нутқи ва хатти-ҳаракати орқали баён этади. Бинобарин, драматург ўз қаҳрамонлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилмай, балки уларнинг ўзларини ҳаракатда кўрсатади. Максим Горький драматик асарларнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб, мазкур тур адабиётнинг энг қийин шакли эканини, унда ҳар бир шахс муаллифнинг изоҳисиз, ўз сўзи ва исми билан ҳаракатланишини уқтиради. Драмада барча ҳаракатлар қаҳрамонларнинг хусусиятларини очишнинг асосий воситаларидир.

Драматик асар қаҳрамонларининг нутқи эпик асар қаҳрамонларининг нутқиغا нисбатан динамик ҳисобланади. Драматик асарларда нутқнинг аниқлиги, услуби, темп ва ритм, паузалар катта аҳамиятга эга.

Драматик асарларни қўлга олиш билан дарҳол муаллиф изоҳига кўз тушади. Бу изоҳ адабиётшуносликда ремарка деб аталади. Драматик асарларда бериладиган бу изоҳлар асарни саҳнага кўювчи режиссёрга ва айниқса, уни ифодали ўқимокчи бўлган китобхонга қаратилгандир. Бинобарин, ремаркада асар иштирокчиларининг ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, саҳна манзараси ва бошқалар ёритилади. Демак, муаллиф томонидан баён этилган ремарка асарни яхши тушуниш, ролларга бўлиб ифодали ўқиш учун жуда зарур. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг „Бой ила хизматчи“ драматига ёзилган ремаркани кўрайлик:

Иштирок этувчилар

Ғофир—бойнинг хизматкори, 30 ёшларда.

Жамила—Ғофирнинг хотини, 16 ёшда.

Содяқбой—50—60 ёшларда.

Холмат — бойнинг хизматкори, 30—35 ёшларда,
Ҳожи она — бойнинг онаси,
Пошшо ойим — }
Хонзодахон — } Бойнинг хотинлари
Гулбахор — }
Қодиркул — минг боши.
Раҳима хола — Жамиланинг онаси.
Ойхон — Гулбахорнинг онаси.
Ҳасан — эллик боши.
Сифат буви.
Имом.
Тура.
Пристав.
Қози ва бошқалар.

Биринчи парда

Солиҳбойнинг ичкари ҳовлиси. Рўпарада эшикларига ўймакорлик билан гуллар чекилган, бир-бирига ямаштириб солинган учта нақшли данғиллама уй. Бу уйларнинг олдида ёзда очилиб, қишда ёпиладиган нақшинкор, ойнабанд равонлар. Равонга асл туркман гиламлари, баҳмал курпалар, ипак поёндозлар тўшалган. Шипга чинни қалпоқли зур қандил осилган. Ҳовлининг саҳнига хил ма-хил гуллар экилган. Унг ёки чап томонда катта куча дарвозаси.

Муаллиф томонидан баён этилган бу ремаркани ҳам ифодали ўқиш керак. Ремарканинг биринчи қисмида асарда иштирок этувчи персонажларнинг номлари, ёши, касби ва ҳатто жинслари ҳам баён этилган.

Бу матини ифодали ўқиганда персонажларнинг номларини аниқ-равшан талаффуз этиб, сўнг бир оз пауза қилинади ва тиредан сўнгги баён ўқилади.

Ремарканинг иккинчи қисми, асосан, саҳна манзараси ифодаланганлиги учун бу матннинг барчаси дона-дона қилиб, ифодали ўқилади.

Драматик асарларни ифодали ўқишга киришишдан аввал, талабаларга монолог ва диалог ҳақида қисқа маълумот бериб, уларнинг ифодали ўқилишини кўрсатиш зарур.

Жумладан, монолог 1рек тилидан олинган бўлиб, асар қаҳрамонининг суҳбатдошига ёки ўзига қарата айтилган нутқидир.

Монолог парда ёки кўринишларнинг бошида келса, воқеа ўрни билан бирга, асарда иштирок этаётган персонажлардан бирининг саҳнада пайдо бўлишига замин ҳозирлайди ва у билан таништиради. Булардан ташқари, монолог асар қаҳрамонининг фикр ва кечинмаларини ифодалайди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг „Бой ила хизматчи“ драмасидаги бош қаҳрамонлардан бири Жамила монологи бунинг ёрқин мисолидир.

Қуш эдим, қанотимни қайирдилар, гул эдим, булбулимдан айирдилар. Сибир... Сибир... Қандай қурқинчли... У қанақа жой бўлса экан? Борсам-микан? Ҳе, мен нима деяман? Қаерга ҳам бора оламан! Мени оу темир қафасга солдилар, ихтиёримни қўлимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровуллар бор. (Кулиб.) Мен энди бой хотинман, ҳа, ҳа, ҳа. Бой хотин! Гофиржон меига номаҳрам! Ўҳ-хў, қанча йиғладим, йиғлайверсанг кўзининг ёши ҳам тугаб қолар экан, кўникиб ҳам қолар экансан киши. Мана энди йиғламайман ҳам. Кўзимга қатра ёш ҳам келмайди. Улимга ҳам тик қараб туравераман. Не қилай? Яшаш учун курашдим, олишдим, бошимга тупрок

соҳиб. фарёд кутардим, фойдаси тегмади, кўз ёшларимнинг ариқда оққан сувчалик қадр қиммати бўлмади. Биров, нимага йиғлайсан, деб сурамди. Ҳа мендай бахти қоранинг кимга кераги бор? Хонзода бўлса худди қарғадай гуштимни пойлаб, тепамда учди, Ҳе, шу экан-да!

Албатта, бу монологни ифодали ўқишдан аввал, монолог ким томонидан, қай вақтда, қандай ҳолатда айтилганини тасаввур қилиш лозим. Матнни ифодали ўқиётган вақтда Жамиланинг ана шу вазиятдаги ҳолатига яқин ҳолларда бўлишга интилиш керак.

Диалогларни ифодали ўқишга тайёрлаш ҳам худди шу тартибда олиб борилади.

Диалог грек тилидан олинган бўлиб, икки киши орасидаги сўзлашув деган маънони англатади. Драматик асарлардаги қаҳрамонлар диалого персонажларнинг асл мақсадлари, ниятлари, интилишларини, ҳис-туйғуларини, фикр ва тушунчаларини, руҳий кечинмаларини ва уларнинг бир-бирлари билан бўлган ўзаро муносабатларини очиб беришга, асардаги воқеаларнинг ривожланиб боришига ёрдам беради. Бундай хусусиятлар, айниқса, истеъдодли артистлар томонидан саҳнада уйналганда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Аммо, ўқитувчи талабаларни диалог билан таништирганда уни фақат ифодали ўқиш орқали таништиради. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг „Аяжонларим“ пьесасидаги колхоз раиси Жамол ота билан Каримжоннинг онаси ўртасидаги кичик бир-тўқнашувдан ҳанг-манг бўлиб қолган икки ёш: Каримжон билан унинг севгилиси Умидалар ўртасидаги кичик бир конфликт жуда усталик билан берилган:

Бўстон. Сен билан қонунни мен ҳам биламан! Ҳақнинг йўқ! Йўқ ҳақнинг!

Жамол. Ҳой, Бўстонбуви сенга нима бўлди, мен сен билан ҳақ талашаётганим йўқ!

Бўстон. Дод-бедод! Войдод, ҳукуматга арзим бор! Ҳукуматгинага арзим бор! Сен шошмай тур, мен сен билан ижроқумда гаплашаман! (*Югуриб ҳовлига кириб кетди*).

Умида. Бу қанақа хотин?

Каримжон (*ҳайрон*). Аям!... Аям!...

Умида. Нима гап ўзи?

Каримжон. Ҳозир маълум бўлади...

Бўстон (*медаль тақиб киради*). Ҳозир мен сени ижроқумга олиб бормасам (*ташқарига*)!... Тутинисо! Ҳой қуда!

Умида. Вой, аянгиз „қуда“ деяптиларми?

Каримжон. Йўғ-э! Қанақа қуда...

Бўстон. Қуда дейман!

Умида. Вой, ана!

Каримжон. Шошмай туринг-чи!...

Бўстон. Қуда!

Тутинисо (*ҳовлисидан чиқади*). Ҳа, ҳа (*ёқасига туфлайди*). Нима гап ўзи, Бўстонбуви?

Бўстон. Менинг ҳовлимга беланчак осар эмиш!... Ҳовлимни ясли қилар эмиш! Хайрихон қани, мени бетўхтов ижроқумга олиб борсин!

Тутинисо. Хайри ишда-ку! (*Чиқади*).

Умида. Хайрихон ким?

Каримжон. Шу хотиннинг қизи... қўшни...

Умида. Шунақами! (*Бурилиб жўнаб қолади*).

Каримжон. Шошманг, гапга қулоқ солинг! (*Кетидан югуради*).

Ж а м о л. Менга қара, ҳамма қарорлар чиққан, қўллар қўйилган бўлса... Нима киласан ижроқўмни? (*Тутинисога қараб*). Барибир бузиладиган ҳовли, салкинга туртта беланчак осайлик десам кўрмайсизми, „ота гури“ қилиб утирибди! (*Бўстонга*). Ишнинг долзарб вақти колхозда ишлаганингга яраша болаларга қараб турсанг бўлмайдим, имонсиз!

Б ў с т о н. Нима, колхозда ишлаганимда ёлчитганимдинг? (*Ўпқаси тулиб*) Сен ўлгур, ўшанда менга орден ўрнига медаль ёзмасанг, орденлик булар эдим!

Ж а м о л. Ўшанда аччиқ қилиб колхоздаи кетиб қолганингда орден олар эдинг! Ҳозир сенга медаль ҳам ҳайф! Булди, мен сен билан гаплашмайман, ҳадемай Каримжон келиб қолади (*кетди*).

Б ў с т о н (*кетидан*). Ҳовли меининг номимда-ю Каримжонни нега ўртага соласан (*ҳовлига киради*).

С о б и р ж о н (*кучадан*). Бўстонбуви Эрматова! Эрматова!

Б ў с т о н (*товуши*). Эрматова йўқ! Кўчиб кетган! Эрматова ўлган!

С о б и р ж о н. Ўлган? Худо раҳмат қилсин (*фотиҳа ўқийди*). Сал сабр қилганлариди пенсияларини олиб кетар эдилар (*киради*).

Б ў с т о н. Сенмидинг... Вой гиргиттон!

С о б и р ж о н (*қурқиб кетади*). Қўл қўйинг!

Б ў с т о н. Жоним билан!

С о б и р ж о н. Хат ҳам бор...

Б ў с т о н. Вой, бугун нечанчи? Шанба—уч, якшанба—тўрт, душанба... Вой, бугун олтинчи-ку! Қуда, хой куда, Каримжон келяпти! Ҳозир келиб қолади!

Т ў т и н и с о (*киради*). Вой, ростданми!

Б ў с т о н. Шу хатни уч-тўрт кун олдинроқ юбормайсанми, жон болам! Ҳозирги ёшларнинг иши ҳамиша шунақа, учма-уч! Энди нима қиламиз? Ҳовлини йиғиштирайлик!

Иккови Ҳовлига чиқади.

У м и д а (*уйнинг ичидан чамадонини олиб, жунаб қолади*) Хайр! Алвидо!...

К а р и м ж о н. Шошманг!... (*Ушлайди*). Нима гап ўзи?

У м и д а. Нима гаплигини Хайрихонингиздан сўран?

К а р и м ж о н. Умидахон, сизга нима бўлди, нега менинг Хайрихоним бўлади, кўшнининг қизи-я!

У м и д а. Сизларнинг қишлоқларингизда кўшнини куда дейишадими? (*Куйиниб йиғлайди*). Аянгизга маълум қилмаганлигингизни важи бор экан-да! Мени бу ерга калака қилгани олиб келдингизми?

К а р и м ж о н. Хайрихон... Йўқ, Умидахон, санамай саккиз деманг... Хаёлимда йўқ гаплар! Сабр қилинг! Бу гапнинг тагига етайлик, зиғирдай рост жойи бўлса юзимга бир тарсаки урингу, кетаверинг! Жон Хайрихон.. Йўйўқ, Умидахон!

У м и д а. Хайрихонингиз билан қўша қаринг! (*Қулидан чиқиб қочади*).

К а р и м ж о н (*кетидан чопади*). Умидахон! Умидахон!

Эпик асарлардаги диалоглар кўпроқ кишилар ўртасидаги суҳбатга ўхшаса, драматик асарлардаги диалоглар турли тўқнашувлар асосига қурилади. Шунинг учун ҳам драматик асарларни ифодали ўқишда, мазмунини талабаларга етказишда ундаги маълум ҳаракат, турли-туман муносабатлар ва ҳатто персонажларнинг бир-бирлари билан сўзлашиб, тортишиб турган вақтларида қилинадиган пауза ҳам катта ўрин тутади.

Булардан ташқари, қаҳрамонларнинг табиати, руҳий ҳолатлари, уларнинг портрети, воқеа содир бўлаётган жойлар ва ундаги шароитлар ҳам асарни ифодали ўқишга киришишдан олдин машғулотнинг дастлабки пайтида, овоз чиқармай ичдан ўқиш вақтида белгилаб олинади. Масалан, драматик асарларни ичдан

ўқилаётган вақтда ундаги персонажларнинг ўзига хос хусусиятлари: қайси табақага мансублиги, қандай касб ва ҳунар эгаси эканлиги каби масалалар уларнинг сўзларида, хатти-ҳаракатларида яққол сезилиб туради.

Умуман, драматик асарларни ифодали ўқишда фақат юқорида айтилганларга суянибгина қолмаслик керак. Асардаги қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини тасаввур қила билиш, уларнинг ҳолатига кира билиш керак. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг „Бой ила хизматчи“ драмасидан олинган қуйидаги парчани олиб кўрайлик:

Бой. Мاستон! Ғофир акангни чақир!

Мастон. Хўп булади!

Бой. Сизлар ичкарига киришлар!..

Ғофир (*кириб*). Чақирдингизми, бой ота?

Бой. Қани, Ғофир, кел ўғлим, утир! Гапир-чи, қаллиқдан вақтинг чоғми?

Ғофир. Чоғ бўлганда қандай! Энди ула-улгунча қулингизман-да, бой ота!

Бой. Ҳа, ҳа, ҳ... Яхши гап... Қиз ҳам тайёр турган экан-да, Ғофирвой!

Ғофир. Ёшлигимизда ҳалигидай... .

Бой. Бутун шаҳарда дув-дув гап! Нима дейсан: „Солиҳбой хизматкорини тўй-томоша билан уйлантириб қўйибди. Бой бўлса шунақанги камбағалга қайишадиган олиҳиммат, сахий бой бўлса экан“, деган гаплар.

Ғофир. Ҳаммадан ҳам ўзим сингари етимларнинг севинганини айтмайсизми, бой ота!

Бой. Баракалла, ўғлим! Камбағалга мен бирни берсам, худо менга унни беради... Ҳалол меҳнат қилсанг, ҳамиша бахтинг олчи-да! Ҳамиша пешанангни силайман! Хўш, энди ўғлим, ҳисобли дуст айрилмас, деган гап бор.

Ғофир. Ҳақ гап, бой ота!

Бой. Тўй баҳонасида мендан сенга утиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга қақиб, орани очиб қилиб қўйсақ деган эдим.

Ғофир. Маъқул гап, бой ота!

Бой. Мана, мусовидаси ҳам тайёр! Икки юз сўм нақд пул. Беш пуд гуруч. Икки чорак ун, битта бурдоқи қўй! Хўш деганингиздан билсак, ҳалиги энг яхши қандак уриқдан уч пуд, каттақурғон майвизидан беш пуд, мағиз билан уриқни бир оз қурт еган бўлса ҳам, пок-покиза уриб кетишибди, азаматлар! Йом, қозиларга кийдирилган ўн бешта аъло-овсат чопонлар. Хўш, Ҳожи онанг устига уз қўлинг билан ипак мурсак, тўй куни аяларнинг ҳам биттадан атлас кийдилар. Оталик қилганим учун мана бу чакмонни менга узинг кийдиришнинг, туғрими?

Ғофир. Туғри, бой ота, туғри!!

Бой. Мана шуларнинг борки ҳаммаси бўлиб бир минг етти юз сўм булар экан.

Ғофир (*чўчиб*). Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота? Менинг чўгимда ҳаммаси булиб, беш юз сўмдан ошмас эди-ку? Ёки адашдингизми экан-а, бой ота?

Бой. Бу қандай гап? Тон тепкилик қилма? Шу соқолим билан ёлғон гапирамани? Юлсам сендай гадодан юламанми? Сенларга яхшилиқ қилганинг уз аҳмоқ! Курнамак, ит феъл!

Ғофир. Тавба қилдим, бой ота!

Бой. Бир минг етти юз сўм ҳам пул бўлдими? Узарсан! Узолмасанг, яна беш-ўн йил ишлаб берарсан! У эмас, бу эмас, хогинлик бўлиб қолганинга шукур қилсангчи, багчагар!

Ғофир. Қуллук, бой ота, қуллук!

Бой. Ҳа, гап мана бундай бўпти-да, ўғлим! Қани бармоғингни бос, кел қўй, маҳкамада туғрилаб олармиз! Боравер! (*Ғофир туради*). Дарвоқе, Ғофир, келинга айт, хизмат-пизмат қилиб турсин. Сен ўғлимсан, хотининг келиним, айтгандай, унга кўрмана ҳам бериш керак (*пул бериб*). Ма, рўмол олиб бер!

Ғофир. Қуллук, бой ота, қуллук! (*Ўз ўйи томон кетади*).

Бой. Асқар, салла чоповимни келтир! (*Гулбахор салли-чопонни кайдириб қўйиб ўзи кетар*). Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгини битди. Ғофирни энли бутунлай ипсиз тузоққа илинтирдим. Мендан кетган етти юз сўм, бир минг сумни етаклаб ҳамёнга қиради. Бир минг етте юз деган савил шундай зуравонки, унинг панжасидан Ғофирнинг ўзигагина эмас, авлод-ажлоди ҳам қутула олмайди! Ҳа, ҳа, ҳа... (*кета бошлайди*).

Ғофир (*чиқиб*). Бой ота, келинингиз.

Бой. Ҳа, майли, юз кўришиб қўя қолайлик!

Ясанган, юзига оқ доқа тутган келинчак Жамила чиқади, бойга эгилиб селом беради.

Бой. Ҳа, баракалла, қизим... Баракалла! Қани юзингни очиб юбор, келин (*Жамила юзини очади*).

Бой. Баракалла... Бар-а-кал-ла, қизим-м-м-м... (*Жамиланинг дустар-жамолини кўрган бойнинг ҳуши бошидан учади. Қўлидан тасбеҳи ериб тушади. Унга тикилганча жим қолади, сўна ўзини тугиб*). Ғофиржон, бахте-тинг бор, ўғлим! Юз минг харжласанг ҳам арзийди! Энди отасини, хизматга буюраверамиз-да. Қани чилим чектириб юборинг-чи, қизим... (*Жамила кетади*). Ғофиржон, Холматга айтгин, аравани тайёрласин, яхши йигит!

Бой. Во ажабо! Бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офатижон фариштами? Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт куралай кўзи сурма боғандай қорю, бир қараш биланоқ юрагини така-пука қилиб ташлади. Ана қадду, ана қомат! Ана ҳусну, ана малоҳат! Ҳисобсиз кокил, кўнғир сочларига нима дейсан? Такимани ўпади-я, тақимини! Сени туққан онангга раҳмат! (*Жамила чилим келтирибди. Бой атрофга олазарқ қараб*). Баракалла... оппоқ қизим, ширмон қизим, дўндик қизим! (*Жамила уялиб, чилимини чектириб кетади. Бой унинг изидан кўзини олмай*) Ҳе аттанг! Гулни гулга қўшмай, гулни сасиқ алафга қўшиб қўйибман! Ҳе, пишмаган хом калла! (*Пешамасига уриб*) Бу нозани уюл Чўриликка эмас, бекачликка арзийди-я!

Ғофир (*кириб*). Бой ота! Тайёри!

Бой. Қани юр... уғлим! (*Чиқадилар*).

Бу парчани ўқишдан олдин асар ва унинг қаҳрамонлари ҳақида умумий маълумот берилади. Ўқиш жараёнида бойнинг Мақтон ва бошқа аёлларга қатъий буйруқ қилиши, Ғофирга маккорона муносабатда бўлиши равшан сезилиб туриши керак.

Маълумки, бой ўз хизматкорини қўлдан чиқармаслик мақсадида уни уйлантириб қўйиб, оёқ-қўлини маҳкам кишанлайди. Бу мақсадни амалга ошириш учун тўйга кетган харажатларни бир неча баробар кўп кўрсатади. Матнда то шу ергача бўлган днелогда бой Ғофирга яхши гапириб, алдаб туради. Уқувчи бу ўринларни меҳрибон отанинг ўз фарзандига насиҳати тарзида ўқиш лозим. Бироқ, Ғофирнинг „Шунча қарзим бор эканми?“... деган сўзлари аниқлаб олиш, хато ҳисобланганлигини эслатишдан иборат бўлса, бойнинг „Бу қандай гап? Нон тепкилик қилма!...“ каби сўзлари эса ўз ҳукмини ўтказиш, жеркиб ташлаш каби руҳий вазифаларни бажаришга даъват этади.

Бой Жамилани биринчи бор кўрганида, бирпаснинг ўзида, тамоман бошқа қиёфага кириб олади. Энди у қизнинг гўзаллигида ҳайратланади ва бир зумда ёмон хаёлларга берилади. Шунинг учун ҳам унинг сўзлари бўлиниб, парча-парча бўлиб чиқади.

Машқ. Ҳамзанинг „Бой ила хизматчи“ драмасида олинган қуйидаги парчани образларга бўлиб, ифодали ўқинг.

Ғофир (*заҳарханда қилиб*). Қози почча, саруполар мубораки!

Қози. Қуллуқ ўғлим, қуллуқ!

Ғофир. (қозига). Лекин бой бу чопонни катта отаси ўлаганда тобутига ёлган эди, энди сизнинг устингизга ёпибди-да!

Қози (*асабий*). Нималар дейди, беада!

Ғофир. Сарупо қуллуқ булсин, домла имом!

Имом (*ўнғайсизланиб*). Қуллуқ, қуллуқ, Ғофиржон!

Ғофир. Эллиқбоши, паранжингиз муборақ!

Ҳасан. Паранжи эмас! Чопон бу, жинни бўлганми?

Ғофир. Ахир, даллол деганда паранжи бўлади- да, чопонни йигит киши кияди!

Холмат (*ўзича*). Бопла азамат, бопла!

Ҳасан. Тилингни тий, аҳмоқ! Биласанми, кимлар билан гаплашайсан!

Ғофир. Биламан. Бирингиз қози, бирингиз домла, бирингиз амалдор, биз бўлсақ деворнинг ковагида ётган бир ғариб.

Қози. Сиз аралашмай туринг, эллиқбоши, жоҳилсиз. Тумтоқ гапириб, ишнинг пачавасини чиқардингиз! Ғофир, ўтир, ўғлим, ўтир!

Ғофир. Эшитавераман!

Имом. Биз сенинг фойдангни гапирамиз!

Ғофир. Эски оғиз, янги гап!

Қози. Эшитасанми, йўқми?

Ғофир. Гапиринг, бу қулоқлар дунёдаги бор ҳақоратга, бор қарғишларга ўрганган, гапираверинг.

Қози. Яна уша гап. Сен бир камбағал мусулмонсан. Ўз жонингга жабр қилма, сартопо фалокатларга дучор булма, деймиз. Ахир, шу бой отанг туфайлидан рушнолик кўрдинг. Энди сенинг вазифанг шу бойнинг ҳар бир амру фармонларига шикастлик билан қойим турмоқ! Қулоқ қоқма! Бойни ҳурмат қил! Мен ҳам бир кимриё эшонман. Менинг гапимни қайтарма! Хуллас суз, бой сенинг хотинингни яхши кўриб қолибди.

Ғофир. Агарда бойда муҳаббат пайдо бўлган булса, бой чин одам экан.

Холмат (*ўзича*). Вой хом келлаеи, сең уни ҳайвон деб юрган эдингми?

Қози. Гап шуки, бой ишқ-муҳаббат йўлида ҳалок булиши мумкин.

Ғофир. Пул, мол йўлида ҳалок бўлгандан кўра, ишқ-муҳаббат йўлида ҳалок бўлиш кишига катта бахт!

Имом. Бойга раҳминг келмайдими?

Ғофир. (*қизиб*). Мақсад нима, мақсад?!

Қози. Ахир сен, хотинингни бойчалик яхши кўрмайсан. Сенга номи хотин булса бўлди- да.

Ғофир (*қайнаб*). Мақсад!!!

Қози. Мақсад, хотинингни қўй, деймиз. . .

Холмат (*ўзича*). Мана қўй, деб тумшугига солмайсанми, сийниталоқни!

Ғофир. Қози домла! Шу сўзларим қулоғингизга ўқдек қуйилиб, кўрғошиндек ўришсин! Мени нега қийнайсиз? Неҳун урганган, лаҳча чўғ бўлиб ёнган борагимни тирнайсиз? Бу қўланса қоринларингизни қовласа, бу гурдан қоронғи борақларингизни чироқ ёқиб қидирса, ишқ-муҳаббатдан қилча нишон топилмайд- ю, яна сизлар ишқ-муҳаббат деб доп-қоп урасиз! Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, севган хотинимни бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига бойнинг ёнини оласиз? Ривоятлар топасиз! Патволар ясайсиз! Шуми иисоф! Шуми диёнат, шуми камбағалга шафқат!

Домла. Вой бермаса, очингдан ўласан!

Ғофир. Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам сизларга қилинмайман! Ахир бу кўздан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим- есирларнинг оҳу зорлари кўнглингни юмшатмайдими? Қачонгача кинхоб чопонлар, эрлик паловлар учун бойларга зулм пичоғини қайраб берасиз? Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар нимга дод деймиз? Кимга? Бу ғурбатхонада нотавон йиғлаганларнинг, афсус надомат чекканларнинг доду фарёдини ким тинглайди, ким? Гапиринг, шарият шешволари!

Қози. Шариятга тил тегизма!

Имом. Тақсир, шариятгагина эмас, бу гапнинг таги пошшоликка ҳам бориб етади!

Қози. Айни ҳикмат сўзлайсиз; (*Ғофирга*.) Ҳозирги инодинг айни ҳамоқат, Холмат (*ўзича*). Бўлмаса ҳали сурма ичган итдек овози бўғлиб имоматга ўта олмай қоладилар. (*Имомга*) Чарчамайсиз, домла почча, фақат қуруқ қошиқ

Фатма Ўйради, холос! Сатқан гапингиз кетсин, бу гадога! Вунга ўхшаган минг-та сарпа аёқдан сизлар учун бойга ўхшаган битта ҳўл таёқ яхши!

Ҳасан. Сен бой билан ўйнашма!

Имом. Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Пешанага битганини кўрасан. Қолу бало.

Қози (*Гофирнинг ёнига келиб, кулимсираб*). Энди сенинг ҳам куйинганинча бор-а, муғамбир-эй . . . (*кулиб*) Устаси фаранг экансан-да? Ахир, бу Гофир ҳам ҳўйла-найрангини хўжайинидан таълим олган-да . . . Бунинг муд-даоси булак!

Имом. Ҳа-ҳа. Энди билдим . . . Тузук-тузук . . . Пайт келганида бир нарсалик буп қолайлик дер экан-да, бунинг ҳам билагани билган!

Қози. Қани, қўлингни бер, ўғлим! (*Қулини ушлаб, ёнигида пул тут-қазиб*.) Мана, ушла! Ол! Тўйда сарф бўлган харажатлар бойнинг гарданига! Ёб кетарга минг сум, бунга икки мартаба тўй қиласан ҳали! Қулдуқ қил бойга!

Имом. Ол, ол энди! Қуллуқ қил!

Гофир. (*Ҳушсиз, суратдай қотади ва титроқ товуш билан*) Раҳмат . . . Қуллуқ . . . (*Кўз ёшини артади*.) Баракалла!

Ҳасан. Хўш, гапир? Бу ҳам озми?

Гофир. (*Ҳасаннинг кўзига тикилади, бирдан аччиқ қийқириқ билан пичоғини шартта суғуриб, Ҳасаннинг олдига ташлайди*.) Ҳасан ака! Уринг шу пичоқни жафокаш кўкрагимга! Уринг, ўлдиришг! (*Яқтакларини поре-поре қилар*.) Дуо қиламан, худо хайрингизни берсин, бола-чақангизни орзу-хавас-кми кўринг! Ҳасан ака!

Холмат. Ҳой, Гофир, турей, тентак! (*Уривдан тургазиб*) Қитиқ шаримга тегма! Пичоқни шу Ҳасан аканг урадимми? Чумчуқ пир этса, юраги шир этади-ю бунинг!

Ҳасан. Бу жинни бўлганми?

Гофир. Ахир, киши деганни шунча хўрлайсизми? Мен ҳам одам, менда ҳам юрак бор, номус бор, жон бор!

Имом. Қози домла, сиз ҳам кўп зикналик қилманг. Кетсе бойдан кетибди, узатинг уша беш юзни ҳам . . . (*Пулни бериб*.) Мана, ол бир минг беш юз бўлди! Энди ҳақдингдан ошма! Хафа бўламиз! Иззатингизни бил!

Гофир. Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-келиб сизларга айтдим-ми? Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнати, номусни тудроқ биллаб тенг қилган сиздай разил хотинфуруш, қўшмачилар олдига шуичалик маст ту-шдимми? (*Уларда кучли ҳаяжон*) Мен номусини, хотинини бозорга олиб чиқ-қан савдогарми? Йўқ, янглишасиз, шарият пешволари, агар бунчалик шўл учу-ўлган экансизлар, бу пулларни ўзаро бўлиб олиб, чўнтақларга урингизда, (*қозига*) сиз қизингизни, (*домлага*) сиз хотинингизни, (*Ҳасанга*) сиз синглингиз-ни бойга қўшиб берингиз!

Қози. О, бадбахт, кофир!

Имом. О, лаънати мургад!

Ҳасан. О! . . . Тавба қилдим де! Кофир бўлдинг!

Гофир. Шулар учун мусулмон бўладигам бўлсам, бўлмадим.

Қози. Тошбўрон қилиш керак!

Домла. Улдириш керак!

Гофир. Оҳ! Оҳ! Қалай экансиз! Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур . . .

Ролларга бўлиб ўқитиш учун ўқитувчи ўз гуруҳидаги тала-баларнинг ифодали ўқиш санъатини қай даражада эгаллаганидан хабардор бўлиши керак. Бўлмаса, олиб борилаётган амалий маш-ғулотнинг сифати бўлмайди. Унга путур етади.

Драматик асарларни ролларга бўлиб ўқишда талабалар ифо-дали ўқиш назарияси билан амалий машғулотларда олган билим-ларини биргаликда қўшиб олиб бора оладиган бўлишлари лозим. Улар персонажларнинг хатти-ҳаракати, табиати, ниятига яхши тушуниб етиши ва ҳатто образнинг қайси ҳолатда, қандай кайфи-ятда эканлигини ҳам билишлари, тушунишлари зарур.

Машқ. „Алишер Навоий“ драмасидан олинган қуйидаги парчани ўқинг,
сўнгра, уни ролларга будиб, ўқишга тайёрланинг.

АЛИШЕР НАВОИЙ

(драмадан парча)

Уйғун, Изват Султон

Тонг пайти. Навоий шийпонда утириб, шеър ёзиш билан машғул.

Навоий (ўқийди).

Э, насимий субҳ, аҳволим дилоромимга айт!
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландонимга айт!
Ком талху, бода захру, ашк гулгун бўлғонин . . .

Гули (пайоо булади. Навоийни тинглайди. Сўнг илова қилади.)

Лаъли рангин, лабзи ширин, шуҳ худ комимга айт.

Навоий. Кўзимнинг нури кел, тоза гулим кел!

Кўнгил боғида сайроқ булбулим кел!

Гули. Кўриб гулзор ичида сизни ёлғиз

Сўроқсиз, индамай, мен беҳаё қиз,

Кечиргайсиз, келишга журъат ётдим.

Навоий. Кўнгил армони кел! Мақсадга етдим.

Нечук безовтасан! Барвақт турибсан?

Малак янглиғ ўзинг танҳо юрибсан?

Гули. Саҳар чоғи туриб, ширин ғазалдин

Эшитмак одатим бўлган азалдин.

Навоий. Қулоқ солдингми?

Гули. Ёлғиз мен эмас, гул,

Само, ер, коинот, афтода булбул —

Бутун жонлик ва жонсиз тинглади жам.

Ғазалдин бу каби завқ олмаган ким?

Ғазалким, сўзлагай меҳру вафодин.

Ғазалким, сўзлагай ишқдин, сафодин,

Ғазалдин, бу каби завқ олмаган ким?

Навоий. Кўнгил илҳомчиси сенсан, азизим.

Буларнинг барчаси сенга отолғон.

Гули. Худо билсин, сўзингиз, балки ёлғон.

Навоий. Нечук? Хўш!

Гули. Сўнги чоғда камнамосиз.

Ғариб, бечора мен — ер, сиз — самосиз.

Навоий. Ёнингда бўлмоқ орзум эртаю-кеч,

Фақат, найлай, иложин топмадим ҳеч.

Ариқ қазмоқдамиз, чулларда иш кўп,

Работу, мадраса, йўлларда иш кўп.

Юмуш дер, ердаги ҳар зарра тупроқ,

Юмуш дер, боғдаги ҳар тоза япроқ.

Гули. Кимики бўлса инсон, бўлса одам

Халойиқнинг ғамин ейдур дамодам.

Навоий. Вафодорим, шунинг-чун камнамоман,

Олур вақтимни бу ишлар тамоман.

Гули. Алишер! Чинданам шерсиз. Буюк шер!

Улуғ ишларни қилмоқ истаган эр

Бўлур шердай жасур қайтмас изидин,

Қилич келганда ҳам қайтмас сўзидин,

Фақат кўпдур, эсиз кўп душманингиз.

Навоий. Енгур зулматни нур, албатта, шаксиз.

Гули. Бироқ, ҳозирча зулматнинг кучи кўп,

Ҳақиқат нурини сўндиргучи кўп

Кеча кўрган ёдим, мен бир ёмон туш

У тушни эсласам бошдин учар хуш . . .

Навоий. Нечук туш?

Гули. Сурамангиз

Навоий. Сўзла, азизим!

Гули. Тилим бормайди ҳеч, қалбим тула бим . . .
Ётибсиз ерда сиз, қул-бўйин боғлиқ.
Ва сизни қуршамини бир тўп пичоқлик.
Ёзиб, мен сочларимни йиғлар эрдим,
Жафо тигида бағрим тиглар эрдим
Чўчиб уйғондим, билдим баногоҳ
Туш эркан. Шул маҳалдин нолаю оҳ
Эзар бағримни қаттиқ, уртанур дил,
Мисоли утка тушган бир узиқ қил . . .

Навоий Гулининг сузларидан қаттиқ таъсирланади. Аммо таъсирланганини яширишга тиришиб, Гулини овута бошлайди.

Навоий. Гулим беҳудага безовта бўлма,
Ўзингни қийнама, ғамларга тўлма.
Дадил бўлсанг ваҳмининг ранги сўлғай,
Ишон, одатда тушнинг акси бўлғай.
Мени шерсиз дединг, ёвлар қуёндир,
Қуёнларнинг иши сенга аёндур.

Гули. Дуруст, шерсиз . . . фақат . . . занжири банд шер . . .

Навоий. (*Ғоят таъсирланиб оғир*).
Ажаб, занжири банд шер, енгаман, дер.

Гули. Эсиз, мен сизни ранжитдим . . .

Навоий. (*Ўзининг янги девонини /улига тақдим этади.*)

Гули. (*девонни олиб.*)
Жоним билан.

Навоий. Янги битилган
Сенинг ишқинг билан
Ўсган, етилган.

Умуман ифодали ўқиш талабаларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, ақл-идрокни чархлайди, завқ ва назокат уйғотади ҳамда тўғри фикрлаш ва равоқ гапириш маҳоратини ўстиради.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Поэтик асарлар

Ҳамза

ЙИҒЛА, ТУРКИСТОН

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Тургил дарддин жисмингни соғла, Туркистон,
Дониш ўтига бағринг доғла, Туркистон.

Белга ҳиммат камарин боғла, Туркистон,
Маърифатга етмоқни чоғла, Туркистон.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Биздек ҳеч миллат борму зиллатга ботган,
Сафоҳатга алдануб ифбат йўқотган.

Фироринда тик ётур ихват ўргатган,
Жаҳлу бидъат заҳрини шарбат кўрсатган.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла Туркистон.
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла Туркистон.

Боғлу қолди қўлимиз ваҳшат домида,
Бошлар чайналмасунми ғафлат комида.

Кўкрак қони кўрунди ғурбат жомида,
Маҳв ўлди шармнинг нури бидъат шомида.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Кетди савдо қўллардан, бўлдик хизматкор,
Қисмат бизни сайд этти, қолдик мадхушвор,

Маърифатни истарга қилдик номус-ор,
Оқибати хўрликда қолдик дилафғор.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Кўзлар уйқудан тўймас, доим ғафлатда,
Не саодат кўрмишбиз, билмам, ваҳшатда.
Бўлдик бугун саргардон дашти зиллатда,
Ўтар ўхшар ҳолимиз бўйла зулматда.

Йиғла, йиғла, Туркистон. йиғла Туркистон,
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Қўл ушлашинг, бирлашинг эмди, Туркистон,
Маърифатни хушлашинг келмай тобистон.
Киналарни ташлашинг, битсун жаҳлистон,
Тараққийга бошлашинг, ўлсун сидқистон.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла. Туркистон
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Мактаб очинг, боёнлар, бўлинг ҳимматли,
Бўлсун ўқуб сибёнлар олий ғайратли.
Шояд бўлсун миллатга содиқ хизматли,
Бу кўнгуллар қувонсун қолмай ҳасратли.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Дариғ тутманг илм учун кетса молу жон,
Ўқув фарзлиги минг йўл қуръонда фармон.
Маърифатсиз тонулмас аҳкоми имоң,
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Маҳзун Ниҳон кўп оғлар миллат боғига,
Мавсум ўтуб ғафлатдан тушган доғига.
Боғбонлар боқмаюр сўлу соғига,
Қиш келгач сўнг кетармиз гулшан зоғига.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Ҳамид Олимжон

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади . . .

Новдаларни безаб гунчалар
Тонгда айтди ҳаёг отини

Ва шаббода қурғур илк саҳар
 Олиб кетди гулнинг тотини
 Ҳар баҳорда шу булар такрор.
 Ҳар баҳор ҳам шундай утали,
 Қанча тиришсам ҳам у беор
 Еллар мени алдаб кетади.
 Майли дейман ва килмайман ғаш,
 Хаёлимни гулга угайман:
 Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
 Бахтим борми, дея сўрайман.
 Юзларимни силаб- сийпалаб,
 Бахтинг бор, деб эсади еллар,
 Өтган каби гўё бир талаб,
 Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар . . .
 Ҳамма нарса мени қаршилар,
 Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,
 Мен юрганда боғларга тўлар
 Фақат бахтни мақтаган овоз:
 Мана сенга олам- олам гул,
 Этагингга сиққанича ол.
 Буида толе ҳар нарсдан мўл,
 То ўлгунча шу ўлкада қол.
 Ҳумрида ҳеч гул кўрмай, йиғлаб
 Ҳтганларнинг ҳаққи ҳам сенда,
 Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
 Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда . . .
 Деразамнинг олдида бир туп
 Ҳрик оппоқ бўлиб гуллади . . .

НАЗИР ОТАНИНГ ҒАЗАБИ

Кўк юзини булут, чол кўзини ғазаб
 Аста босиб кела бошлади.
 Етиб келиб булут чолнинг тепасига,
 Уч- тўрт совуқ томчи ташлади . . .
 Муштумини қисди, титради чол,
 Оловланди хира кўзлари.
 Ғазабларга тўлиб асабий бир тусда,
 Лабларидан учди сўзлари:
 „Тавба“ . . .
 Бу лаънати, асти нима қилади?!
 Қани энди . . . бўға бошласам!
 Иложи бўлса- ю, лаънатини
 Тилка- тилка қилиб ташласам! . . .“
 Муштумини қисган, титрайди чол,
 Кўк юзида хира кўзлари.
 Ғазабларга тўлиб асабий бир тусда,
 Лабларидан учар сўзлари,

„Э!“ .
Менга деса агар тош ёғмайдими!
Борибир, пахтани терамиз!
Бир дона ҳам кўсак қолдирмасдан,
Ҳукуматга тўплаб берамиз! . .
Юрагида унинг ғайрат тўла,
Ўзи эса жуда ҳам қари.
Кукка қараб яна ғўдиллаб олди-да,
Босиб кетди пахтазор сари . . .

Муса Жалил

ИШОНМА

Сенга мендан хабар берсалар,
„У йиқилди чарчаб“, — десалар,
Йўқ, ишонма, бағрим,
Бу сўзни —
Дўстлар айтмас, яқин кўрсалар. . .
Ҳаққим борми ҳеч қоқилишга,
Ҳаққим борми чарчаб-ҳоришга?
Сенга мендан хабар берсалар,
„У, Ватанни сотди“, — десалар,
Йўқ, ишонма, бағрим,
Бу сўзни —
Дўстлар айтмас, мени севсалар.
Юртдан кетдим юртни, сени деб,
Мен курашдан қонли ҳар дамда
Юртни, сени қўлимдан берсам,
Нима қолар менга оламда?
Сенга мендан хабар берсалар,
„Муса ўлди энди“, — десалар,
Йўқ, ишонма, бағрим,
Бу сўзни —
Дўстлар айтмас, мени севсалар.
Тупроқ кўмар танни, кўмолмас
Ўтли қўшиқ тўлган кўнглимни,
„Ўлим“ дейиш мумкинми, ахир,
Ёнгиб ўлган бундай ўлимни?

Абдулла Орипов

МУНОЖОТНИ ТИНГЛАБ

Қани айт, мақсадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг.
Нечук керак бўлди сенга кўз ёшим.
Нечуд керак, рубоб, сенга шунча ғам!
Эшилиб, тўлғониб ингранади куй,

Қайлардан келмоқда бу оҳу фарёд.
Ким у йиғлаётган, Навоиймикин,
Ва ё май куйчиси Хайёммикин, дод!
Бас, етар, чолғувчи, бас қил созингни,
Бас, етар, кўксимга урмагил ханжар.
Наҳотки дунёда шунча ғам бордир . . .
Агар шу „Муножот“ рост бўлса, агар.
Агар алдамаса шу совуқ симлар,
Гар шул эшитганим бўлмаса рўё.
Сен бешик эмассан, дорсан табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан дунё!
Эшилиб, тўлғониб ингранади куй.
Асрлар ғамини сўйлар „Муножот“.
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига,
Қандай чидай олган экан одамзод!

Абдулла Орипов

ЎЗБЕКИСТОН

(парча)

Юртим, сенга шеър битдим букун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун —
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда бироқ
Битилмаган дostonдир бори;
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб,
Тополмасам чекмасман алам.
Ўтирмасман эртақлар сўзлаб,
Мусалло деб йўнмасман қалам.
Кукламингдан олиб сурурни
Довруғ солди устоз Олимжон.
Ғафур Ғулом туйган ғурурни
Қилмоқ мумкин дунёга дoston.
Олис тарих қадамим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир.

Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.
Демам, букун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илми туғулган илк бор
Курагоний жалвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У Улуғбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган , о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўз олдимда кечар асрлар,
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.
Сарсон ўтган неча насллар
Тополмасдан туғилган жойин.
Америка — сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор
Берунийнинг ақл машъали.
Колумбда бор аламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ — ер ости.
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар, рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер.
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.
Дунё бўлди чаманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Сен ўзингсан, энг сўнгги нонин
Ўзи емай уғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим, жон-танним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним . . .

БОНГ УРИНГ

Бонг уринг,
 ҳаммани
 уйғотинг.
Бонг уринг,
 шаҳару
 қишлоқда.
Ҳаяжон
 кўтаринг
 тўп отинг,
Ўт кетди,
 ҳаммаёқ
 ёнмоқда.
Овозлар борича
 бақиринг,
Одамлар!
 Ё ҳаёт,
 Ё мамот!
Сим қоқинг!
 Ноль бирни чақиринг:
Ёнгин, денг
 керак, денг,
 тез нажот!
Дод солинг
 не кечар ҳолимиз
Аламдан
 жонимиз
 қийноқда.
Оламда
 топилмас
 молимиз —
Вақтимиз
 ёнмоқда,
 ёнмоқда.
Ўрмонлар
 ёнса-ку
 чопамиз,
Тинмаймиз
 ўрганса
 хирмонлар.
Чорани
 қаердан
 топамиз
Фурсатга
 ўт кетса
 инсонлар!
Вақт ёнар,

биз мажлис
 қиламиз,
 Тамаки тутуни
 димоқда.
 Шу тутун
 ичида,
 биламиз,
 Умримиз
 ёнмоқда
 ёнмоқда,
 Бир ёнда,
 биз топиб
 улгурмай
 Минг- минглаб
 саволга
 жавоблар,
 Ҳатто биз
 варақлаб ҳам кўрмай,
 Жавонда
 ёнмоқда
 китоблар.
 Кечаги
 айшдан бош
 зириллаб,
 Ҳинда
 ётибмиз,
 бир ёқда
 Столнинг
 устида
 гуриллаб,
 Ижоду
 кашфиёт
 ёнмоқда.
 Райгазда
 эшикка
 битилган:
 „Бир учқун
 даҳшатнинг
 сабаби!“
 Шу ерда
 портлашга
 етилган,
 Ёнмоқда
 инсоннинг
 асаби.
 Ёмондир,
 бу олов
 даҳшати,
 У бизни дарахтдек

йиқадир.
 Наҳотки
 одамзот
 фурсати
 Шунчалар,
 шунчалар
 беқадр?
 Кечалар
 кўчалар
 чароғон,
 Ёзувлар
 электрон
 чироқда.
 Ўт билан
 ўйнашманг,
 ўт ёмон,
 Аслида
 бу дунё
 ёнмоқда.
 Биз эса
 қилурмиз
 томоша,
 Гов қўймай
 ёнғиннинг
 йўлига,
 Ким бериб
 қўйибди
 бепарво
 Гугуртни
 болалар
 қўлига.
 Бонг уринг,
 ҳаммани
 чақиринг
 Бонг уринг,
 шаҳару
 қишлоқда.
 Овозлар
 борича
 бақиринг,
 Ўт кетди,
 ҳаммаёқ ёнмоқда.
 Одамлар
 уйқудан
 уйғонинг,
 Шошилинг,
 қидиринг
 тез нажот.
 Жон куйсин,
 қалб ёнсин,

сиз ёнинг,
То ёниб
кетмасин
бу ҳаёт.

Алишер Навоӣ

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баче қилдим фидо ороми жоне топмадим.

Ғам била жонимға еттим ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум дилситони топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камон абрўда тузлукдин нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча пайкон, гул тикан,
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситони топмадим.

Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ куйида ўзимдек нотавоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бул — ажаброқ достоне топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоӣ, гарчи мен
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

Таъб ганжидин маони хурдасин юз қатла ҳайф,
Ким нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим.

Алишер Навоӣ

Кимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға,
Ҳар тарафдин юз туман тиғи жафосин кўрмадим.

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошқим,
Ҳар вафоға юз жафо онинг жазосин кўрмадим.

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қасдиға,
Ғайр сори хулқу лутфи жон физосин кўрмадим.

Кимга солдим кўз қарою оқини ишқ ичрақим,
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим.

Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафиқ,
Ким, мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.

Эй Навоӣ, тавба андин қилмадим шайх олдида,
Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъ наққошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Алишер Навоий

Неча ёлғон сўзу музҳик ҳаракот, эй воиз,
Мажлис аҳли юзидин йўқму уёт, эй воиз.

Дедилар: панд ила тавсанлиғин элнинг ўқсут,
Ким деди: тепкилу минбарни ушот, эй воиз.

Ҳуру жаннатни кўп ўқдунг магар ул ён элни,
Юборурга қиласен қатъи ҳаёт, эй воиз.

Ёшурун дардимадур ашқу, эмас нутқининг
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз.

Кеча ичмак маю кундуз демак ичманг ани,
Ҳикмат ичра бу эрур яхши сифот, эй воиз.

Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,
Кўз тут ўз ҳолингга тафзиҳини бот, эй воиз.

Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар,
Бори бор ўз ичинда анга сабот, эй воиз.

Элни чун зарқ намози сўзига жамъ эттинг,
Тортғил тафриқага эмди салот, эй воиз.

САЙДИНГ ҚҶЯ БЕР, САЙЁД

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мандек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мандек.

Ўз ёрини топмасдан, овора экан мандек,
Икболи нигун бахти ҳам қора экан мандек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Кес риштаниким, қилсин чапаклар отиб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста,
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста
Кел, қўйма бало доми бирла они по таста,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Оҳулар ила уйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмғир суви тўлганда тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққинга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Саргашта бу волийда бир бошига раҳм эткил,
Йўқ тоқати бандинга, бардошига раҳм эткил,
Йиғлаб сенга термулар, кўз ёшига раҳм эткил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Охир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса.
Чиқмай деса жойидин — узлатда фиор ўлса,
Гар чиқса баногоҳи домига дучор ўлса,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйнини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдиргани чоғлабсан,
Кўксин жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот манга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан!
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Йўқ хуши, пари теккан девонага ўхшайдур,
Кўз ёши яна тўлган паймонага ўхшайдур,
Ғам сели билан кўнгли вайронага ўхшайдур,
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронага ўхшайдур,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

ДАРЁ БИЛАН ЖИЛҒА

(масал)

Бирдан шаррос қуйди баҳор жаласи,
Бўғотга беркинди чумчуқ галаси.
Дам ўтмай қирдан кўпириб, тошиб,
Шиддати зўр, керилиб, ошиб,
Тушиб келди кичик бир жилға,
Ўзи анча саёз, серкўпик, лойқа. . .
Водийдан ўтарди Дарёи азим,
Вазмин оқишида салобот, виқор.
Кўрдик, ёнида кичик сув оқар,
Деди: — Бизга бирлашмоқ лозим!
Бирлашиб водийга ҳаёт элтамиз.
Нур бўлур шу элга ҳар бир қатрамиз. . .
Наҳот якка қолсанг?!

Қара бўйимга!

— Қўшилмоқни келтирмайман ўйимга!

Нима қилдим сенга қўшилиб,

Яхши эмасми ўзим оқсам жўш уриб?

Истасам ҳар томон суза оламан,

Истасам ғовни ҳам буза оламан.

Қудратимга ўзинг ҳам тан бер- да андоқ:

(сув юзида фақат сузарди пўкак . . .)

Ўзбошимча кета берди . . .

Туну кун юрди.

Дуч келиб эртаси Жилға қумлоққа,

Сингиб кетди буткул тупроққа.

* * *

Халқ мақоли:

Бирлашган ўзар,

Бирлашмаган тузар,

Бормас узокқа!

ПРОЗАИК АСАРЛАР

Зумрад ва Қиммат

(Эртак)

Ўтган замонда катта сой бўйида бир уй бўлар экан. Бу уйнинг бир томони қалин ўрмон билан туташган экан.

Бу уйда чол, унинг қизи Зумрад, ўғай она ва унинг Қиммат деган арзандаси яшар эканлар. Кампир арзанда кизи Қимматни ардоқлар, уни эркалар, талтайтирар, Зумрадни эса жуда-жуда ёмон кураб экан.

Хуллас, кампирнинг Зумрадни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ экан. У ҳадеб эртадан кечгача Зумрадни уриб, қарғаб ишлатар экан, бечорага бирпас ҳам тинчлик бермас экан.

Зумрад чиройли, одобли, мулойим, ақлли қиз экан. Уни бир кўрган киши яна кўрсам деб орзу қиларкан. Хуллас, у жуда ажойиб қиз экан.

Кампирнинг арзандаси Қиммат эса, ишёқмас, инжиқ ва тан-тиқ қиз экан. Унинг бутун куни уриш-жанжал ва тўполон билан ўтар экан. Зумрад ҳар куни эрта билан барвақт кўзасини кўтариб сой ёқалаб булоқ бошига бораркан. Йўлда лолалар, ранг-баранг гуллар уни кўриб, бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида, гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб, унга қўшиқлар айтиб берар эканлар.

Аммо худди шу гуллар кампирнинг арзандасини севмас, уни эркаламас эканлар, бу қиз гулларга озор берар, уларни юлиб ташлар, тепкилар экан, лолалар, гуллар Қимматнинг келишини билиб қолсалар, қовоқларини солиб, юмилиб қоларканлар. Ёвуз кампир бундан ғазабланар экан ва буни Зумраддан кўрар экан. Бир куни кампирнинг нияти бузилипти, у Зумраддан қутулмоқчи бўлипти, у чолни чақириб олиб, унга дағдаға қилиб: „Қизингни ўрмонга олиб бориб алаштириб келмасанг, мен сен билан бирга турмайман!“ — депти.

Бечора чол ноилож зор-зор йиғлаб, қизи билан ўрмонга йўл олипти, тоғу тошлардан ўтипти, бир ўрмонга борипти. Ота-бола ўрмон ичида узоқ юришипти. Охири қуюқ сояли бир жойга бориб тўхташипти. Кейин чол ўтин кесгани кетипти. Зумрад эса ёлғиз қолипти.

Бирдан шамол турипти. Чол эса ўрмондаги бир калта дарахтга болтасини осипти-да, унга оғирроқ тош боғлаб қаттиқ итариб юборипти. Болта у ёқдан-бу ёққа урилиб тўқиллайверипти.

Шамол кучайипти. Болта шамол кучи билан дарахтга урилиб, „тўқ-тўқ“ қилиб товуш чиқазипти.

Зумрад „отам ўтин кесаётини“ деб ўйлаб, уни анчагача куттипти. Кеч бўлипти, отадан дарак бўлмапти. Шамол тўхтапти.

Қиз ўрмондаги чучмомаларни териб юриб, бехосдан болта осилган дарахт тагига бориб қолипти. Қараса отаси йўқ эмиш.

— Вой, шўрим қурсин! Вой отажон! — деб уввос солиб йиғлаб, тўрт томонга югурипти. Ҳеч кимдан дарак бўлмапти, қиз адашиб қолипти.

Ўрмон яна ҳам ваҳимали бўлиб кўринипти. Бесўнақай дарахтлар, қинғир-қийшиқ шох-шаббалар орасидан ваҳимали, баҳайбат йиртқич ҳайвонлар чиқиб келаётгандай туюлипти. Қиз қаёққа боришини билмай, охири кичик бир сўқмоқ йўлдан чопиб кетаверипти.

Зумрад узоқ йўл босипти. Гуллар эса қоронғида унинг йўлини ёритипти. Кета туриб, бир вақт қараса, узоқда милтиллаган чироқ кўринипти, итнинг ҳургани эшитилипти. Қиз ўша томонга қараб юраверипти. Тезда бир уйга етипти. Уйнинг деразаси-

дан қараса, бир кампир ўтирган эмиш. Қиз севиниб, кампир олдига кирипти, унга салом бериб, бошидан кечирган воқеаларни бирма-бир айтиб берипти.

Шундай чиройли қизчанинг уйига келганини кўрган кампир жуда қувонипти, қиз унга ёкиб қолипти. Кампир сеҳргар экан. У қизнинг йиғлаганини кўриб:

— Йиғлама, қизим, мен сенга ёрдам бераман, — деб Зумрадни овутипти, яхши эртақлар айтиб берипти. Қиз ҳам хурсанд бўлиб:

— Раҳмат, бувижон! Мен сизни ўз онамдек кўраман. Буюрган ишини изни жоним билан қиламан, — деб жавоб берипти.

Шу чоқ уйнинг томига бир гала қуш келиб қўнипти. Қушлар қизчани мақтаб сайрашипти. Қушлар тилини билган сеҳргар кампир яна ҳам қувонипти ва қизга дунёда топилмайдиган китоб, қўғирчоқлар бериб:

— Оппоқ қизим, ширин қизим, дўмбоғим, мунчоғим! — деб қизни эркалапти.

Улар анча кун бирга туришипти. Кампир қизчани парвариш қилипти.

Зумрад ҳар куни уйни супуриб-сидириб, дераза ойналарини артиб-суртиб, ҳамма ёқни чиннидай қилиб қўяр экан. Буни кўрган кампир яна ҳам қувониб кетар экан.

Бир куни кампир қизга ош қилиб бермоқчи бўлипти. Зумрадга қараб:

— Жонгинам, томдан ўтин олиб туш, ош қилиб бераман, — депти.

Қиз:

— Хўп бўлади, онажон! — деб дарров томга чиқипти. Том жуда баланд экан, ҳамма ёқ кўриниб турар экан.

Қиз атрофга қараб туриб, бирдан ўз уйининг томини кўриб қолипти. Юраги ўйнаб, йиғлаб юборипти. Буни этишган кампир:

— Нега йиғлайсан, жон қизим? — деб сўраган экан, қиз:

— Кўзимга уйимиз кўриниб кетди, отамни соғиндим, — деб яна йиғлапти.

Кампир уни юпатипти, икковлари овқат пишириб ейишипти.

Эрта билан кампир:

— Қани, нарсаларингни йиғиштир-чи қизим! — депти.

Қиз китоб, қўғирчоқларини йиғиштирипти.

Кампир қизга:

— Томда иккита сандиқ бор, оқ сандиқни қолдириб, қизил сандиқни олиб туш! — дебди-ю, ўрмонга кириб кетипти ва ўрмондан саман от қўшилган бир арава етаклаб чиқиб, қизни аравага ўтқазипти.

— Сандиқни уйга боргандан кейин очгин, оппоқ қизим, — деб кампир Зумрадга бир калит берипти

Қиз билан кампир қайта-қайта хайрлашибдилар. Зумрад йўлга тушипти. Бир зумда арава қизнинг уйига етиб келипти. Шу вақт севимли қизидан ажралиб қолган бечора чол ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, Зумрадни соғиниб эшик олдида йиғлаб ўтирган экан. Қиз отасини кўриши билан:

— Салэм, отажон! — деб унинг бағрига ташланипти Чол хурсанд бўлганидан анчагача кўз ёшларини тухтата олмапти. Охири йиғидан тўхтаб, қизига:

— Оппоғим, мени кечир, — деб кизини бағрига босипти. Улар уйга киришипти. Қизнинг келгани ҳаммага маълум бўлипти. Қуни-қўшнилари йиғилишипти. Улар Зумраднинг қандай қилиб келгани, нималар олиб келганини билишга қизиқишипти. Шу пайт қиз қизил сандиқни очиши билан ҳамма ҳайрон қолипти: сандиқ а. ил моллар билан лиқ тўла экан. Мол шунча кўп, шу қадар ажойиб эканки, Зумраднинг бутун умрига етиб ортар экан.

Буни кўриб ўғай она қаттиқ ташвишланипти, қаҳру ғазабга тўлипти.

Очкўз, ичи қора кампир арзандаси Қимматнинг ҳам шундай бойликка эга бўлишини истапти ва чолга дағдаға қилипти, қизи Қимматни ҳам тезда ўрмонга обориб, адаштириб келишини буюрипти. Чол Қимматни дарров ўрмонга адаштириб келипти.

Кеч кирипти. Қиммат ҳам Зумрадга ўхшаб, болта осилган дарахт тагига бориб қолипти ва адаштирилганини сезипти, ҳўнг-ҳўнг йиғлапти, уни ҳеч ким овутмапти, эркаламапти. Унинг рўпарасида бойқушлар ўтириб олиб, хунук товўшлари билан сайрашипти. Қимматни масхара қилиб кулишипти; ўрмон яна даҳшатли кўринипти.

Ўрмон Қимматни ваҳимага солипти. У қўрқиб қоча бошлапти. Ўрмон қоп-қоронғи. Қиммат сеҳргар кампирнинг уйига кириб борипти. Кампир уни яхши кутиб олипти, овутипти, меҳмон қилипти. Сўнгра қизга қараб:

— Хафа бўлма, қизим, ўзим ёрдам бераман, — депти. Аммо Қиммат сеҳргар кампирга бир оғиз ҳам ширин сўз сўзламапти, чунки онаси унга бирорта ҳам ширин сўз ўргатмаган экан. Кампир уни севмапти, эртақ ҳам айтиб бермапти, китоб ва қўғирчоқ ҳам бермапти.

Қиммат ялқов, дангаса қиз экан, у эртдан-кечгача сеҳргар кампирникида ўтираверар экан, уйни йиғиштирмас, супуриб-сидирмас экан.

Бир куни кампир ўрмондан қайтиб келиб, унга:

— Томдан ўтиб олиб туш, қизим! — деган экан, қиз:

— Ўзингиз олиб туша қолинг, малайингиз йўқ! — депти.

Кампир жудаям хафа бўлипти, аммо қизни алдаб-сулдаб томга чиқарипти. Лекин қиз ўтин олиб тушмапти, том бошида чинқариб йиғлайверипти. Кампир буни эшитиб:

— Нега йиғлайсан, қизим? — деб сўраган экан, Қиммат ер тепиниб:

— Уйимни кўрдим, кетаман, — деб ҳўнграб йиғлайверипти.

Сеҳргар кампир унга:

— Жуда яхши, томдаги сандиқни олиб туш! — депти. Қиммат сандиқни олиб тушипти. Кейин кампир қизга бир калит узатта туриб:

— Мана калит, сандиқни уйингга борганингда очасан, — депти. Қиз шу заҳотиёқ йиғидан тўхтапти ва оқ сандиқни орқалаб

жўнапти. Сеҳргар кампир унга арава ҳам бермапти, қиз оғир сандиқни кўтарганича уйига келипти.

Қизнинг келишиди даставвал олапар сезипти. У Қимматнинг онаси олдига бориб:

— Вов, вов, вов, — деган экан, кампир қулоқ солмапти, ит яна вовиллапти.

— Опам келаётирлар, орқалаганлари оқ сандиқ, илон билан лик тўлиқ, — депти.

Кампир ғазабланипти, ўқлоғи билан итни уриб, оёғини синдирибди.

— Менинг қизим ақлли. У қимматли моллар келтиради, — депти у.

Қизнинг келганини кўриб, кампир ўзида йўқ севинипти. Қўни қўшнилари йиғилипти, сандиқни очмоқчи бўлишипти.

Шунда кампир билан қизи: „Йўқ очманглар!“ — деб ўзларини сандиқ устига ташлаптилар. Кейин сандиқнинг икки қулоғидан кўтариб, уйга олиб кириб кетиптилар.

Ярим кеча экан, кампир билан қиз эшик-эликни ёпиб, сандиқни очипти-ю, бирданига „Вой дод, қутқаринглар!“, „Аждар!“, „Вой дод!“ деб бақаришипти.

Сандиқда иккита аждар ётган экан. Қоқбош кампир билан унинг уришқоқ қизи доллашиб, уйни гир-гир айланишипти, қўрққанларидан қулф эшикни очолмаптилар.

Икки аждар кампир билан қизни ютиб, дарчадан чиқиб кетипти.

„Вой-дод!“ деган овозни эшитган қўни-қўшнилари эшикни бузиб ичкари кириптилар. Қарасалар, ҳеч ким йўқ эмиш. Уйда ёвуз кампирни ҳам, унинг уришқоқ қизини ҳам тополмаптилар.

Шундай қилиб, оқ кўнгил Зумрад билан ота иккиси тинчгина яшаб, мурод-мақсадларига етиптилар.

Саид Аҳмад

Таъзим

(Ҳикоя)

Ниҳоят кўндан кутилган диплом қўлга тегди. Ўзим қаттиқ чарчаганман. Аксига олиб, сўнгги имтиҳон олдидан бир ҳафта ётиб қолсам бўладими. Ошқозон носог-да. Кейинги икки имтиҳонни парҳез пайтимда топширдим. Ўзи имтиҳон деган ҳамма вақт саратон кириш олдидан бошланади. Ҳаво қизигандан қизиб кетади. Иштаҳа бўғилган, ўқиган нарсанг миянгдан уқаланиб тушиб кетади. Бундай пайтларда йўғон чўзилиб, ингичка узилади дегандек, менга ўхшаган нимжонларнинг тивкаси қуриб қолади. Одам боласи бир нимага жазм қилгандан кейин охирига етказмай қўймас экан, шу алпозда ҳаммасини бешга топшириб, омон-эсон дипломни қўлга олдим.

Мана, йўлга ҳам чиқдим. Поезд мени сершовқин станцияга ташлаб, яна қичқирганича олдинга интилди.

Юк вагонлари қасир-қусур қилиб, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турибди. Паровоз кукулайди, темирлар жаранглайди. То очиқ майдонга чиқиб олгунимча бошим айланиб. Кўзим тиниб кетди.

Офтоб осмондан олов қуаяпти. Станция майдонидаги асфальт хамирдек кўпчиб, машина филдиракларига ёпишади. Калавланиб бориб автобусга итилдим. Одам кўп. Икки қўлим банд бўлганидан пешанамдан қуйилаётган терни артиб ололмайман. Тер томчилари кўзимга оқиб тушиб ачиштиради. Бир маҳал қарасам, олдимда турган кишининг башараси самоварнинг қорнида акси кўрингандек узун бўлиб кетяпти. Ўзим худди ҳавода муаллақ туриб қолганга ўхшайман. . .

Кўзимни очсам бегона уйда, диванда ётибман. Тепамда боя башараси узун бўлиб туюлган киши турибди. Ҳайрон бўлдим. Нотаниш киши пешанамдан ҳўл рўмолчани олиб, бошқатдан тахлаб, яна қўйди.

— Хайрият, — деди у кўзлари чақнаб. — Иссиқ элтибди, ука. Энди тузалиб қоласиз. Келин аянғиз ҳозир хўрда қилиб беради.

Эшик олдида чойнак кўтарган ёшгина бир жувон турарди. Ростини айтсам, бола бўлиб мунақа чиройли хотинни кўрмаганман. Нотаниш йигит жувоннинг қўлидан чойнакни олиб пиёлага чой қўйди-да, менга тутди.

— Ичинг, қайноқ-қайноқ ичинг. Фойда қилади. Давоси аччиқ чой. — У бошимни бир қўли билан кўтариб, оғзимга пиёлагани тутди.

Жувон ўтдек чақнаб турган кўзларини катта-катта очиб менга қараб турарди.

— Кечирасиз, ука, — дейди йигит нимадандир безовталаниб. — Бафуржа танишиб олармиз. Ҳозир шошиб турибман, ўз уйингиздек бемалол ётаверинг. Мен кечқурун қайтаман. — У шундай деди-ю, стол устидан газетага ўроғлик ниманидир олиб эшикка йўналди.

— Сельхозтехникадан запчастга наряд олиб келдим. Яна станцияга жўнашим керак. Сиз меҳмонга хўрда қилиб беринг.

Жувон маъқул ишорасини қилди. Йигит чиқиб кетди. Уйда гўзал жувон билан иккимиз қолдик. Инсон боласини табиат шундай ҳам чиройли яратадими? Бу тушимми, ўнгимми? Ё эртақлардаги париларданми бу аёл? Овози қандоқ экан? Оддий хотинларнинг овозига ўхшармикан?

Ўлай агар, кўнглимга ёмон ният келгани йўқ! Фақат унинг тенгсиз ҳуснига оддий, бир жўн одам сифатида лол бўлиб турибман, холос!

Жувон ниманидир олиб чиқиб кетди. Шундагина бу ерга қандай келганимни уйладим. Демак, автобусга кўнглим озган. Беҳуш бўлиб қолганман. Бу йигит мени олиб тушган, уйига олиб келиб ётқизган.

Уй жиҳозларига кўз югуртира бошладим. Бурчакда ёзув столи, ўртада устига клеёнка ёпилган думалоқ стол. Деразадан ҳовли кўринади. Айвонга энгашган шафтоли шохи мевасининг кўп-

лигидан лапанглаб турибди. Шафтолини бир чумчуқ беомон чўқилаяпти. У чўқиган жойдан биллурдек томчи узилиб тушай, узилиб тушай деб турибди. Чумчуқ ҳар чўқиганда тумшугини қанотига суркаб олади. Беихтиёр тамшаниб қўйдим.

Жувон оёқ учуда кириб ёзув столининг тортмасидан газетага ўралган бир нимани олиб очди. Қараб турибман. Бир даста пул. У шу пулларнинг орасидан битта беш сўмликни олиб, қолганларини яна ўраб тортмага солиб қўйди-да, менга қаради.

— Кечирасиз, уйда гўшт йўқ экан, ҳозир гузардан гўшт олиб келаман, сиз баҳузур дам олиб ётаверинг, дарров келиб овқатга уннаб юбораман.

У чиқиб кетди-ю, уйда ғижжакнинг титраган овозига ўхшаш майин товуши қолди. Бу товуш узоқ вақт уй ичида айланиб юрди.

Студентлик пайтларимда ога-онаси бор, ўзига тўқ студентларга ҳавасим келарди. Баъзан дарс тайёрлагани уларникига борганимда уйларини, осойишта, беозор яшашларини кўриб ҳавас қилардим. Ўз ҳаётимга беихтиёр кўз ташлардим. Болалар уйи, ётоқ, баъзан тўқ, баъзан оч қолишлар Ота-онага ташналик ҳар нафас билиниб турарди. Қачонлардир яхши кун кўриш, ана шундай беозор оилада яшаш иштиёқи юрагимда туғён қиларди. Баъзидачи... болалик экан, шундай кунларга аллақандай мўъжиза кучи билан дарров етиша қолиш тўғрисида ўйлаб кетардим. Хаёлан аллақадёқлардан катта пул топиб олгандек, юз минг, йўқ икки юз минг сўм топиб бирдан ниятимга етсам, деб ўйлардим.

Мана, ўша катта пул. Кўзим олдида, ана шу бурчакдаги стол тортмасида, газетага ўроғлик турибди. Шундай ўрнимдан туриб қўлимни узатсам, бўлди. Тамом. Истаганимга етаман.

Агар мен ёмон ниятли одам бўлсам, йўқ, менинг ўрнимда ёвуз ниятли одам бўлса...

Бундай ҳам эмас. Ҳар қандай ёвуз одам ҳам бу ишни қилмасди. Йиқилганла суяб, уйга олиб кирган, уйнинг тўридан жой бериб, қақраган оғзига ўзи чой тутган кишининг пешана терига хиёнат қилиш учун бўри бўлиш керак. Ваҳший бўлиш керак. Мен одамман. Фақат мени бир нарса эзаяпти. Бир умр танимаган, на отини, на зотини билмаган бир кишини уйга олиб кириб, ёш хотинининг олдига ташлаб кетган бу йигитга ҳайрон бўляпман. Эрку бундай қилди, хўп. Хотинчи, хотини кимлигини, қаёқдан келиб қаёққа кетаётганини билмаган ёт-бегонанинг олдига бир даста пул, стол устига қимматбаҳо тақинчоқларни ташлаб чиқди, кетди. Нима, булар мени синашяптими? Синаб уларга зарур келибдими? Ҳайронман!

Орадан ярим сәтлар чамаси вақт ўтди. Ҳовлида жувоннинг оёқ товуши эшитилиб турибди. Тушуниб бўлмайдиган мавҳум ўйлар билан кўзим илинган экан, жувоннинг товуши уйғотиб юборди:

— Меҳмон, ҳовлига жой қилдим, чиқа қолинг. Анча салқин бўлиб қолди

Хижолагликбилан ўрнимдан турдим.

Ховлига сув сепилган. Супага жой килинган, хонтахта устида бир лаган шафтоли. Жувон бир боғ кук пиёзни ариқ бўйида ўтириб тозалаяпти. Супага ўтириб у ёқ-бу ёққа қарадим. Дарвозахона олдидаги усти шифер билан ёпилган, омонаг гаражда машина нусхасини кўпдан йўқотган эски бир „Москвич“ турибди. Унинг олдинги иккита гилдираги олиниб, ўкига гишт териб қўйилган. . . Моторлари очиб ташланган. Машинага тикилиб қолганимни сезган жувон кулиб қўйди. У бирам яхши куларканки, чнинг бегубор қалби, самимийлиги худди шу кулгусида акс этиб тургандек эди.

— Турғунбойингизга машинадан теккан. Тушида ҳам, ўнгида ҳам машинани ўйлайди. Тузатаман деб увало уринади, увало уринади, қани бу ўлгур юра қолса. Энди юргизиб кўчага олиб чиқади-ю, тўрт беш киши бўлиб орқасидан итариб опкириб қўйишади. Яна ковлашга тушади. Уч йилдан бери аҳвол шу. Карасам бўшамайдиган, майли, янгисини ола қолинг, дедим. Пул йиғиб машинага ёзилиб қўйдик. Кеча дўкондан қоғоз келди. Машиналарингни олиб кетинглар депги. Турғунбойингиз ҳали касадан пул олиб келиб қўйди. Эртага машинани олиб келамиз.

Кўзимга бояги стол тортмасидаги пул кўринди.

— Иккаламиз ҳам маошдан ташлаб қўйиб йиғдик. Ўтган йили курортга ҳам бормадик. Бу йил ҳам бормасак керак. Турғунбойингиз машинада ўзим ўйнатаман, — дейди.

Жуда-жуда ҳижолат бўлиб кетдим. Не ҳасратда йиққан ўша пулни бузиб мен учун харажат қилиб келди-я. Бу канақа одам-оюн кишилар ўзи?

Шафтоли артиб еб ўтириб, минг хаёлга борибман. Ўзимни бу олижаноб одамлар ўрнига қўйиб кўраман. Ҳаётда мен ҳали нимани кўрибман. Ўқиш, қорин тўйдириш ташвишидан бошқа нимани кўрибман? Олдинда жуда жиддий, мураккаб ҳаёт борлигини қаёқдан биламан. Одамлар орасига энди киряпман. Булар мен учратган биринчи кишилар.

Сафарга чиқиш олдидан, тўғриси, андак ташвишда эдим. Қаёққа бораман, кимлар қўлига тушаман? Қоқилсам, йиқилсам биров кўтариб қўядими? Ўқсинган пайтларимда бошимни биров силармикин? Студентлик стипендиямдан озроқ жамғариб, мусофир юртларда бир кунимга яраб, деб эҳтиётлаб қўйган эдим. Боя диванда кўзимни очишим билан, пулимни биров олиб қўймаганмикин, деб беихтиёр ён чўнтагимга қўл тикқанимни ушғаси сезмадиммикин? Сезган бўлса, нима деган одам бўлдим.

— Турғунбойингиз ҳали-вери келмайди. Жой қилиб берсам ётасизми? — деди хотин дастурхондан косаларни йиғиб оларкан.

Нима дейишимни билмай дудуқландим. Жувон хижолат бўлаётганимни сезиб уйдан кўрпа-ёстиқ олиб чиқиб, шафтоли тагидаги раскладушкага жой қилиб, чироқни ўчирди. . . Ойдинда у ўзига суна ўртасига ўрин тўшаётганини кўриб турибман. Ечингаётганини кўрмаслик учун бу ёнбошимга ағдарилдим.

Тун жим-жит. Ариқда сув жилдирайди. Ён-веримга тап-тап қилиб шафтоли тўкилади. Тол новдалари орқасида юзлари ти-

лим-тилим бўлганга ўхшаб ой кўринади. Ҳамма ёқда сўлим ва осуда ёз кечаси ҳоким.

Катта ҳовлининг ўртасида хусни бир жаҳонга татийдиган жушон ётибди. Аммо менинг кўзларимга уйқу илинмайди. Юрагим ҳаяжондан гупиллаб уради. Қувончми, ўкинчми, билиб бўлмайдиган аллақандай бир ҳис ичимни тимдалайди. Бу нима?

Болалигимни, дайди ўйларимни, тентак ниятларимни аллақадарларга супуриб ташлаган нарса бу уйдаги одамларнинг покизалиги, беғуборлиги эмасмикин?!

Шу ўй, шу одамлар, шу сирли ойдин кеча менга янги оламнинг эшигини очиб бергандек эди.

Эрталаб уйғонсам, Турғунбой товуқ катагидан дўпписига тудум солиб, эмаклаб чиқиб келаётган экан. У тухумларни хотишига узатар экан, менга қараб кўз қисиб қўйди.

Қуймоққа қалайсиз, меҳмон?

Ошқозоним касал бўлганидан қуймоқ менга тўғри келмаслигини айтишга истиҳола қилиб, гап тополмай қолдим.

— Ҳай, айтганча, парҳездаман, дегандингиз-а, бўлмаса сизга ширгуруч.

Овқат пишгунча икковимиз ариқ бўйида чўнқайиб шафтолихўрлик қилдик. У шундагина кимлигимни, қаёқдан-қаёққа кетаётганимни сўради.

Айтдим.

— Бизнинг совхозда ҳам сизбоп иш бор. Аттанг, путёвкани шу ёққа олмабсиз-да. Э, аттанг! Бир, икки кун турсангиз, янги машинада қишлоқни ўзим бир айлантирардим-да!

— Аввал машиналик бўлинг, ундан кейин гапиринг. Бу киши шунақалар.

Турғунбой хотинининг гапига қулиб қўя қолди.

Нонуштадан кейин Турғунбой мени автобусга чиқариб қўйди. Хотини билан, билмадим, қанақа хайрлашдим экан? Эсимда йўқ. Ҳар ҳолда бу ажойиб хотинга муносиб қайноқ бир сўз айтган бўлсам керак. Эсимда бор, кўзларида ажойиб бир табассум бор эди ўшанда.

Қайга борсам йўқолмаслигимни, ҳамиша атрофимда олижаноб кишилар бўлишига, уларнинг ишонч кўзлари порлаб туришига амин бўлиб сафарга кетдим.

Ҳар гал қишлоқдан станцияга ўтаётганимда томининг ярми шиферда ёпилган уйнинг қораси кўриниши билан юрагимда чиройли ҳислар галаён қилади. Ҳовли ўртасидаги бир туп шафтолининг баҳорда пушти гулга бурканишини, ёзда сап-сариқ мевадан ларзон бўлишини, кузда барглари оловдек ёнишини, қишда яланғоч новдаларга булдуруқ қўнишини кўриб ўтаман.

Бу қутлуғ уйда мени ўзимга ўзимни танитган нурдек тиниқ, офтобдек исеиқ одамлар яшайди. Тақдир менинг биринчи қадамимни шу остонага етказди. Шу уй остонасидан очиқ юз билан эрганги ҳаётимга боқаман.

Шу уйга, шу одамларга ихлос билан таъзим қилгим келади.

Бой ила хизматчи

(драмадан парча)

Тўртинчи парда

Бойнинг ясатилган уйи. Жамиланинг бойга никоҳ қилинганига 5—6 кун бўлган.

Жамила. — Қуш эдим, канотимни қайирдилар, гул эдим, булбулимдан айирдилар. Сибир... Сибир... Қандай қўрқинчли... У қанақа жой бўлса экан? Борсаммикан? Ҳе, мен нима деяпман? Қаерга ҳам бора оламан! Мени бу темир қафасга солдилар, ихтиёримни қўлимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровуллар бор. (Кулиб.) Мен энди бой хотинман, ҳа, ҳа, ҳа. Бой хотин! Ғофиржон менга номаҳрам! Ўҳ-ҳў, қанча йиғладим, йиғлайверсанг кўзингнинг ёши тугаб қолар экан, кункиб ҳам қолар экансан киши. Мана энди йиғламайман ҳам. Кўзимга қатра ёш ҳам келмайди. Ўлимга ҳам тик қараб туравераман. Не қилай? Яшаш учун курашдим, олишдим, бошимга тупроқ сочиб, фарёд кўтардим, фойдаси тегмади, кўз ёшларимнинг ариқда оққан сув чоғлик қадр қиммати бўлмади. Биров, нимага йиғлайсан, деб сўрамади. Ҳа, мендай бахти қоранинг кимга кераги бор? Хонзода бўлса, худди қарғадай гўштимни пойлаб тепамда учади. Ҳа, шу эканда!

Ҳожи она киради

Ҳожи она (кулиб). Қизим Жамилахон! Менга келинг, демайсан? Ҳожи онангга салом бермайсан? (Жамила салом беради.) Баракалла, қизим, баракалла... Мен икки йўл ҳаж қилган, художуй багавфиқ хотинман! Муслмонларга ёмонликни асло раво ҳурмайман. Дилозорни худо бандам демас. Мен сени ўз онангдан зиёд яхши кўраман. Сенга икки оғиз шариятдан — тафриқатдан гапиррай, деб кирдим, болам.

Жамила. Гапиринг, Ҳожи она, гапиринг... Кўнглим шундай қоронғи... Зора ёрса...

Ҳожи она. Қизим, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ. Ҳожи онадай тақводор, меҳрибон, бадавлат хотинга келин бўлиш ҳар қандай қизнинг бахтига учрамайди. Шукур қил, болам! Энди ўша Ғофирни эсдан чиқар. Кундошларингга эҳтиёт бўл... Улар берган овқатларини ема! Эрингни яхши ҳурмат қил! Уни кўрганда бош эгиб салом қил! Дарров бориб, салла, тўнини ол! Маҳсисини торт. Эрингга секин гапир; товушингни кимса эшитмасин... Унга сира тик қараб гапирма, гуноҳ бўлади. Эринг билан бир қаторда мени ҳам ҳурмат қил, савоб бўлади! Шундай қилсанг бахтинг очилади! Мапа сенга кўрманал! Ўз бисотимдан! (Арзиматган бир нарсани беради) Сени намоз ўқимайди деб ишқиди... Беш вақт намозни қанда қилма! Бўлмаса

уингдан фаришталар қочади. (*Ҳожи она намоз уқир.*) Мен энди чиқай. Эрингни бугун хурсанд қил, тузукми, болам. Худо, мўминларга тавфиқ бер, кўпнинг қаторида имонимни басаломат сақла! (*Чиқар.*)

Хонзода. (*Вазмин кириб.*) Хўш, жавоб ўйладингми?

Жамила. Аяжон, ахир мен буни қандай қиламан?

Хонзода. Гап битта! Сен қиласан, биламан, сен бойни ёмон кўрасан, ёлғиз мен сени ундан қутқараман. Сен бойнинг хотини эмассан. Никоҳнинг қиммати йўқ, чунки сен рози бўлмагансан, тўғрими?

Жамила. Тўғри, аяжон!

Хонзода. Яна қайтариб айтаман! Сен бойнинг хотини эмассан!

Жамила. Айтганингиз келсин, аяжон!

Хонзода. Сен бойнинг чипчиғидай меросига даъвогар бўлмайсан.

Жамила. Бойнинг мероси, молу дунёси сизники.

Хонзода. Кузингни оч, бой бугун сенинг ишингни тугатади. Бошқа гап йўқ!

Жамила. Аяжон, қўрқитманг! Бойнинг менга кучи етмайди!

Хонзода. Девона, унга Сифат бувига ўхшаган ялмоғиз кампирлар ёрдамлашади.

Жамила. Аяжон, қандай ваҳима гапни айтдингиз!

Хонзода. Сен бу ишни бажар! Бойдан қутуласан, мен бўлсам ўз мақсадимга етаман. (*Жамила ўйга ботади.*)

Жамила. Аяжон, хўп, унадим. Беринг

Хонзода. Мана. (*Бир шишада захар беради.*) Борди-ю, сен мерос тўғрисида оғиз очсанг?!

Жамила. Йўқ, аяжон, йўқ. Кўнглингизни тўқ тутинг. Ҳеч қандай мерос, мол (*таъкидлаб*) дунё менга керак эмас. Ҳаммаси сизники бўлсин.

Хонзода. Мен сенга мастава киритаман, шунга сол, бойга ичир. Хайр, ҳушёр бўл, қўрқма! (*Чиқади.*)

Жамила. Қандай яхши бўлди-я! Заҳарли илон чучук тилларини қалтиратиб, менга марҳамат қилди, марҳамат! (*Дорини беркитади, бойнинг товуши эшитилади.*) Ана азроил! Келяпти! Жонимни олмоқчи. Юрагим ўйнайди, худо куч-қувват бер! Шарманда қилма! Шу золимнинг панжаларида мени ҳалок қилма! Йўқ, қўрқаман! (*Пауза.*) Жамила! Ўзингни тут, қўрқма, бўшашма, маҳкам бўл! (*Бой кирар.*)

Бой (*Жамилага яқин борар*). Оппоғим, жонгинам, кел энди! Ахир хуноб қилдинг-ку? Тасаддуғинг кетай! Сени олгунча, сени қўлга туширгунча, озмунча дунё сарф бўлдими? Битта ҳоким тўранинг ўзига икки минг сўлкавой кетди, наҳотки беш кундан бери мени қийнасанг?! Майли, алами эсдан чиқсин, юпансин, дедим. Сабр қилдим, бугун охирги кун! Кел! (*Тортади.*)

Жамила. Йўқ, йўқ! Яқин келманг! Қўрқаман! Наринг боринг!

Бой. Гофир угридан ҳам қўрқармидинг? Кел, кўп таранг қипаверма! (*Хирс (илан осилади.)*)

Жамила. (*Бой билан олишиб.*) Тегманг, тегманг!

Бой. Жамилахон, ахир инсофинг борми, йўқми?

Жамила. Яна уч-тўрт кун сабр этинг! Эримнинг лардини бир оз унтай!

Бой. Шунақами? Битта гадо учун шунча азаб-олинишни? Энди Гофирни оғзинга олма! Уни эсингдан чиқар! Сенига у номидирам! Сенинг эринг мен бўламан!

Жамила. Сиз эрим?

Бой. Ҳа, сенинг эринг мен бўламан! Шунча берган алабонг бас!

Жамила. Йўқ!

Бой. Сенинг нолишингга қарамайман!

Жамила. Йўқ, тегманг! Қочинг!

Бой. Қанақа ўжар, ярамас хотинсан!

Жамила. Бўлганим шу!

Бой. Шунақами? Кўнмайсанми?

Жамила. Кўнмайман.

Бой йўлакка бориб имлайди. Сифат буви киради.

Сифат буви. Айланай, Жамилахон! Бойни хафа қилма, тақдирга тан бер!

Жамила. Йўқол, жодугар!

Сифат буви. Шундайми? Тошдай оғир қўлларим бор, бунга ҳеч ким туриш беролмаган! Қани, бой, дадил бўлинг, келинг! (*Жамилага ташланадилар, қийнайдилар.*)

Жамила. Шошманг, бой ота, шошманг! Худо хайрингизни берсин, шошманг! Ахир мени эшитасизми, мен, бой ота, ахир. . . (*Йиғлайди.*)

Бой. Нима дейсан?

Жамила. Хўп, хўп. Мен розиман! Бой ота, розиман. Аммо ҳозир жуда қўрқдим. Ўзимни пича босиб олай.

Бой. Йўқ, бўлмайди.

Сифат буви. Бу ўлгур сизни яна алдайди.

Жамила. Агар алдасам, ниятимга етмай ўлай. Мен бугун сизники бўламан. Энди тақдиримга тан бердим, лекин ҳозир эмас, бир оз туринг, бой ота! Онамни чақиринг, унинг ҳам олдидан бир ўтай.

Бой. Онанг кўнган.

Жамила. Ўз оғзидан эшитай.

Бой. Хўп, бу сафар ҳам унадим. Бор, кампирни чақир.

Жамила. Сиз энди, бой ота, бир оз холи қўйинг, онам билан гаплашай.

Бой. Хўп. (*Чиқади.*)

Раҳима хола киради.

Раҳима хола. Жоним қизим!

Жамила. Онажон. (*Қучоқлашадилар.*) Онажон! Сиз розимисиз?

Раҳима хола. Қандай қилайлик, қизим, рози бўлмай иложимиз қанча. бўлар иш бўлди, энди кўнасан-да, болам.

Жамила. Сиз рози бўлсангиз бас! Айтганча, укам Олимжон неча ёшга кирди?

Раҳима хола. Ун бирга энди қадам қўйди, болам!

Жамила. Ҳали ёш экан, рўзгор тебрата олмас экан, онажон! Ғофир сизни боқар эди, бой жуда хасис, узим учун эмас, сиз учун йиғлайман, сиз учун. Энди сиз кимларга зор бўласиз, кимларнинг кўзига мўлтираб қоласиз, кимларга бир бурда мон учун қўл чўзасиз, онажон! *(Осилиб йиғлайди.)*

Раҳима хола. Болам, нима деганинг бу?

Жамила. Йўқ, онажон! Йўқ! Йўқ! Узим шундай, онажон шундай. Бой хасис, сизга ҳеч нарса орттириб беролмайман.

Раҳима хола. Майли қарамасанг ҳам, қизим! Омон бўлсанг шунинг ўзи катта давлат.

Жамила. Онажон, укамни бойларнинг хизматига берманг, бир илож қилиб, бировга бериб ўқитинг, мен учун койинмасангиз ҳам бўлади, мени қаргаманг, қаргаманг бадбахт қизингизни, онажон! Қандай иссиқ, меҳрибон кўкрәк бу! *(Бошини Раҳима холанинг кўксига қўяр, йиғлар.)* Нима қилай, иложим йўқ, *(Бирдан кўрқинчли бир фикр келар.)* Онажон! Болам нима бўлади, болам? Ахир мен унга зўр умидлар боғлаган эдим, мен уни ўқитарман деган эдим, у менга Ғофиржондан бир хотира эди. Ахир, она, ўзингиз ўйланг, болам кундошлар қўлида хўрлаганими?

Раҳима хола. Мени кўп йиғлатма! Қандай қиласан! Болангга эҳтиёт бўл! Анави кампир ўлгур бойнинг буйруғи билан болангни эзиб ташламоқчи экан!

Жамила. А? Эзиб ташламоқчи?

Раҳима хола. Болангни узим елкамда кўтариб, катта қиладман, бойга зор қилиб қўймайман, унга тирноғини ҳам кўрсатмайман, чарх йиғириб боқаман, эшитганмисан, болалик уй бо-зор, боласиз уй мазор. Мен унга ҳали, мана дўпичалар тикиб қўйдим. *(Курсатади.)*

Жамила. *(Дўпични бағрига босиб.)* Айланай ойимдан, қандай чиройли гуллар солибсиз! Ҳа, майли, бойнинг айтганига кўнаман, сиз розимисиз?

Раҳима хола. Розиман, бўлак иложимиз йўқ, болам, тақдирга тан бер. *(Кучоқлашадилар.)*

Жамила. Бас, онажон, бас! Менга шуниси бас. *(Раҳима хола йиғлаб чиқиб кетади. Жамила дарров кўрпа қатидаги заҳарни олади.)* Бечора бола, безовталанади. . . Сезде шекилли. . . Билмайман ўғилмидинг, қизмидинг, киприкларинг узун бўлармиди? Қандай яхши одам бўлар эдинг? Ёки Ғофирдек бахтсиз, онангдай пешанаси шўр бўлиб туғилармидинг? Онанг бадбахт, онанг бераҳм, онанг одамхўр, лекин не қилайки, болам, иложим йўқ, талпинма, ялинма, ёлворма, иложим йўқ, бўлак йўл йўқ! *(Заҳарни ичади.)* Шуринг қурғур, биз хотинларнинг кучи шунга етади. Бағри тош она, нима қилдинг? Ана, дод дейди? Узимиз